

Тоҷикистон Ҷумҳурияти таълим вазирлиги
Хўжанд давлат дорилфунуни

АБДУРАҲМОНОВ АНВАРБЕК

А р у з
назарияси



Хўжанд — 1993

Тоҷикистон Ҷумҳурияти таълим вазирлиги Хўжанд
давлат дорилфунуни

АБДУРАҲМОНОВ АНВАРБЕК

Аруз назарияси

(ФИЛОЛОГЛАР, ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
СТУДЕНТЛАРИ, МАКТАБ, УЌИТУВЧИЛАРИ ВА
АДАБИЁТ МУХЛИСЛАРИ УЧУН)

Хўжанд — 1993

Таҳрир ҳайати:

Профессорлар: Рустамов А.
Саримсоқов Б.
Насриддинов А.

С у з б о ш и

Барча халқлар ўз озодлиги, ўз мустақиллигига эришган ҳозирги шароитда ҳар бир мустақил халқ ўзининг миллий маданияти, иқтисоди ва сиёсий йўлини фақат ўзи белгилаши мумкин. Мана шундай бир шароитда миллий адабиётлар янги-янги йўналишда тараққий этиши табиий. Бу тараққиётни тўлақонли кечиши ҳозирги адабиёт халқ ижоди мумтоз адабиёт дурдоналаридан керагича баҳраманд бўлиши, уларнинг илғор анъаналарини ривожлантирган ҳолда давом эттириши талаб қилинади.

Маълумки, Яқин ва Урта Шарқ адабиётшунослиги «илми маъоний», «илми баён», «илми бадеъ», «илми аруз», «илми қофия» каби тармоқларда ўз кузатишларини олиб борган. Булар ичида «илми аруз», «илми қофия» каби поэтика соҳалари кейинги эллик-олтмиш йил мобайнида нисбатан орқанда қолди. Чунки бадиий адабиётга ўткир ғоявийлик нуқтаи назардан ёндашиш унинг бадиияти масалаларини жиловлаб қўйди. Айниқса «илми аруз», унинг назарий асослари ва бадиий-амалий аҳамияти, олий ўқув юртлари ҳамда ўрта мактабларда ундан фойдаланиш ниҳоятда оқсаб қолди. Шу боис ҳозир аруз илми ва уни илмий асосда оёққа қўйиш масаласи ҳозирги шароитда долзарб масала бўлиб қолди.

Мазкур қўлланма доцент А. Абдурахмоновнинг қаламига мансуб бўлиб, унда муаллиф Навоий, Бобур каби мумтоз аруз назарийчиларининг тадқиқотларига таянган ҳолда кўп йиллар мобайнида яхшигина кузатишлар олиб борган. Бинобарин, мазкур рисола олий ўқув юртлари филология факультетлари, ўрта мактабларда адабиёт фанидан арузни ўрганишга бўлган қизиқишни маълум даражада қондирувчи қўлланма сифатида катта аҳамият касб этади. Рисола чоп этилиб аруз илми ихлосмандларига тақдим этилса айни муддао бўлур эди.

ПРОФЕССОРЛАР:

А. РУСТАМОВ
Б. САРИМСОҚОВ.
А. НАСРИДДИНОВ.

К И Р И Ш

Қайта қуриш ва мустақиллик даври ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзимизгагина эмас, балки маданият, санъат ҳамда бадий тафаккур соҳаларига ҳам дадиллик билан кириб бормоқда, уларни соғломлаштирмоқда. Бу табиий ҳолдир. Бунинг натижасида бадий адабиёт намуналари чоракам бир аср давомида социалистик реализмнинг қолдиқлари таъсирида яратилган адабиёт қайта тадқиқ ва таҳлилга муҳтож бўлиб қолди. Бугунги кунда совет адабиётининг босиб ўтган йўлини, умуман, бадий адабиёт асарларини янги концепция — нуқтаи назар элагидан ўтказиш тақозосини ҳаёт талабларининг ўзи кун тартибига асосий вазифа қилиб қўймоқда. Шу билан бирга адабиётшуносликнинг таҳлил принциплари, йўналишлари ва қарашларида ҳам чинакамига янгича мезон-ўлчовлар ва атамалар қўлланилиши шарт.

Хусусан, бадий адабиёт тараққиёт қонунлари диалектик материализм таъриф ва тавсифлари билан баҳоланиб, унинг ғоявий-эстетик принципларига жиддий дарз кетди.

Пировард натижасида бадий адабиёт граждандар уруши тарихининг эгачисига айланиб қолди. Бошқача қилиб айтганда, 1916 йил миллий-озодлик ҳаракати ва 1917 йил хуррияти ҳақида тарих берган маълумотларни бадий адабиёт ҳам ҳиссиз, жонсиз, хира, етакдош тимсоллар сирасида берди; тўғри, бадий адабиёт ўз қонуниятларига кўра тамомила чекинмаган бўлса-да, яловбардорлик шиори остида фикр юритди. Аввалги ўн йилликларда эса ғоявийлик тамғаси билан иш кўриб, адабиёт ўзининг муқаддас вазифаси ва бурчи бўлмиш инсоннинг руҳий олами, маънавий-психологик кечинмаларини, ҳар бир даврнинг ўзига хос, такрорланмас, жонли тимсолларини сўзнинг қадр-қимматини намойиш қилишдек фазилатларидан узоқлашди.

Ҳиссаи, сўз қадр-қиммати, жавоҳироти баъзан ўтин ёришга (А. Қаҳҳор) бўйсундирилди. Шеърининг қони — анъанавий поэтик тимсол (образ), бадий-ритмик оҳанг рамзи бўлмиш аруз вази ва унинг назариясига нисбатан газъийқ билан қарашлар авж олганлиги бунга яққол мисол бўла олади. Ҳатто аруз вазини ўзбек шеърининг гўё тамомила ёт вазндир дейишгача бориб етилди.

Классик адабиётда неча асрлардан бери синалган анъанавий образлар қўлланилган шеърят феодализм ғоясини — юкини ташувчи, унинг муаллифлари эса феодализм мафкура-сининг тарғиботчиси деб қаралдики, булар ҳаммаси бадий адабиётнинг ўзига хос қонуниятларидан кўз юмиш, вульгар социологизм-«синфийлик» тенденцияси ботқоғига ботиб қолишдан бошқа нарса эмасдир. Қандай қулгили бир ҳолки шеърларидан гул, булбул, май, малак каби анъанавий образлар ўрин олган шоир ижоди феодал-сарой шеъриятига сажда қилинган деб қаралса!

Бугина эмас, улар ғоявий-сиёсий ва позиция жиҳатидан жиддий айбларга ҳам дучор этилдилар. Аруз назариясига келсак, шуни айтмоқ жоизки, унга ўзбек совет шеъриятида 60-йилларнинг ўрталаригача ажнабий—«ўғай» вазн сифатида қаралиб келинди. Бунга ўзбек тили қонун-қоидалари ва энг талантли ўзбек совет шоирлари (Ғ. Ғулом, Ҳ. Олимжон, Шайхзода кабилар) арузда қалам тебратганликлари асосий рукач қилиб кўрсатилди. Булар, албатта, аруз назариясини ўрганиш ва унда ижод қилиш учун асосий инкор-таъқиқ—баҳона-сабаб бўла олмас эди, албатта. Чунки унинг ҳаётбахш анъаналари асрлар оша ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтди. Шу билан бирга у ўзига муносиб катта тарих ҳам яратди.

Аруз назариясини ўрганишнинг узоқ тарихи бор. Аруз вазни тузилишини араб шеърияти мисолида Абдураҳмон Халил ибн Аҳмад ал-Фароҳидий ал-Басрий томонидан илк бор яратилган бўлиб, кейинчалик форс-тожик ва туркий халқлар шеъриятида узоқ тарихий тараққиёт босқичини босиб ўтди. У бошқа миллий халқлар шеъриятига ҳам кириб борди ва ҳар бир халқ шеърияти арузнинг анъанавий қонуниятларини ўзига асос қилиб олди, шунга мослаб борди. Шу билан бирга ҳар бир миллий шеърят ўзининг хусусиятларини аруз назарияси қоидаларига кўшиб, сингдириб ҳам борди. Шунинг учун ҳам «арузи арабий», «арузи форсий» ва «арузи туркий» сингари алоҳида-алоҳида аруз номлари майдонга келди. Лекин ҳар учала аруз вазни шаклида кўлаб илмий рисолалар ёзилиб, шеърят шинавандаларининг мулкига айлантирилди. Мавжуд илмий рисолаларда аруз вазнининг тармоқ ва шохобчалари ўрганилган ҳамда яна қандай имкониятлари борлиги аниқлаб берилган. Биргина арузи туркийни мисол қилиб кўрсатадиган бўлсак, бу Алишер Навоидан тортиб Эркин Воҳидовгача арузнинг янгидан-янги тармоқлари пайдо бўлган ва бу илмий жамоатчилик томонидан ўрганилган.

Арузнинг назарий жиҳатдан чуқур ишланишида форс-тожик филолог олимларидан ташқари, бевосита бадий ижодкорлар ҳам фаол иштирок этиб, махсус рисолалар ҳам яратилди. Ана шундай ижодкорлардан бири—улуғ ўзбек шоири Алишер Навоидир. Унгача яратилган арузга тааллуқли илмий филологик асарларда туркий забон шоирлар поэзияси вазн жиҳатидан талқинга тортилган эмас эди. Бу шарафли вазифа биринчилардан бўлиб Навоий зиммасига тушди ва уни зўр маҳорат билан бажарди.

Туркий забон шеърят вазнини ўрганиш бевосита ҳаёт талаби эди. Ҳатто, ҳукмдор Ҳусайн Бойқаро топшириғи билан Деҳлавий шеърларининг вазни аниқланди ва ундан сўнг ҳар қайси шеърнинг устига баҳри ва вазнини ёзиш одат тусига киритилди. Навоийнинг «Мезонул авзон» рисоласи ҳам ана шундай ҳаётий эҳтиёж туфайли дунёга келди.

Арузнинг туркий забон шеърятда энг сермахсул ишлатиладиган вазнлари муаллиф томонидан аниқланди, хусусан доирага бўлиб ўрганиш борасида янгича қарашларни ҳам илгари сурди.

Навойдан сўнг арузи туркийда самарали ижод қилган, илми арузда янги нуқтаи назарларни кашф қилган улуғ шахс Бобурдир. Унинг «Мухтасар»ида аруз вазнининг 21 баҳри, ахрам ва ахраб туркумларидаги рубойлар, доира ва унинг турлари, 500 дан ортиқ рукн шохобчалар аниқланганки, аруз назарияси бўйича чуқур билимдон, иқтидорли олим эканлигини улуғ Бобур чинакамига намойиш қилган.

Бобур илмий тадқиқотлари билан XV аср адабий жараёнидаги аруз ҳақидаги илмий баҳсу мунозараларга тўлиқ якун ясади, илмий қарашлари, изланишлари, танқидий-ижодий кузатишлари натижасида аруз илмини янада юқори босқичга кўтарди. Вазнининг қўшимча вазнларини (арийз, ямийқ) аниқлашга муваффақ бўлди.

Хуллас, «Мухтасар» ўзигача бўлган барча арузга доир филологик асарларни назарий жиҳатдан умумлаштириш билан бирга ўзидан кейинги давр илми аруз назарияси доирасини ҳаддан зиёд кенгайтирди ва ғоят ишончли назарий қўлланма ҳамда манба бўлиб қолди.

Совет даври аруз назарияси бўйича дастлабки маълумотларни Фитрат «Адабиёт қоидалари» китобида, ундан кейин Иззат Султон «Адабиёт назарияси» (1939) қўлланмасида келтирилган. Ушбу соҳага шахсан эътибор бериб, унинг илмий минтақаларини берган адабиётшунос С. Мирзаевдир.

У Навоий шеърятти вазнларини аниқлаш борасида машаққатли ишларни амалга оширди. Кейинги йилларда ўзбек совет арузшунослиги билан Алибек Рустамов ва Уммат Тўйчиев мунтазам равишда шуғулланиб келмоқдалар. Айниқса, адабиётшунос Уммат Тўйчиев узоқ йиллардан буён олиб борган кузатишлари натижасида туркий халқлар шеърятти вазнининг табиати ва таркибини ғоят синчковлик билан ўрганиб чиқди. Сўнги хулосалар шундан далолат берадики, аруз туркий халқлар шеърятига ҳам мутлақо хос эканлиги ҳатто Европа шеърятти вазни билан қоришиқ ҳолда қўлланилаётгани арузшунос Уммат Тўйчиев томонидан аниқлаб берилди, исботланди. («Ўзбек поэзиясида аруз системаси», т. 1985).

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш зарурки, арузни олий ўқув юртлари ҳамда ўрта махсус ва ўрта мактабларда ўрганиш борасида ҳам хайрли фикрлар билдирилмоқда ва амалда қилинмоқда. Бу борада профессор А. Ҳожааҳмедовнинг «Мактабда аруз вазнини ўрганиш» деб номланган кичик рисоласи шеърятнинг мазкур турини ўрганишни кенг йўлга қўйиш сари амалга оширилган хайрли саъй-ҳаракатнинг кичик бир учкунни бўлди, дейиш мумкин. Бундан ташқари, ҳар бир олий ўқув юрти адабиёт кафедралари ходимлари ҳам мазкур вазнини ўрганиш йўл-йўриқлари бўйича ўз имкониятлари доирасидан келиб чиққан ҳолда дастлабки қўлланмалар ҳамда дастурларни тайёрлаб, талабаларнинг талаб ва эҳтиёжларини бир қадар қондириш ишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар (доцент А. Абдурахмонов ва М. Оқилов асарлари назарда тутилмоқда). Қўлингиздаги рисола ҳам ана шу хайрли ишга қўшиладиган кичик бир улуш бўлар, деган умиддамиз. Аруз назариясини ўрганишга бўлган қизиқиш ҳамда эҳтиёжнинг ўсиб бориши ҳам, шубҳасиз, қайта қуриш ва мустақиллик жараёнининг ижтимоий-маънавий қадриятларимизни қайтараётганлигининггина эмас, балки, умуман, бадий адабиётни чуқурроқ ўрганишга бўлган талабнинг ҳам беқиёс даражада ошганлиги самараси деб қаралмоғи керак.

Маълумки, ўрта ва олий мактабларда адабиётни ўзлаштириш фақат ғоявий-мундарижавий ҳамда фактологик қонунларга таянган бўлиб, уни ғоявий-бадий, эстетик ҳис-идрок этиш нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда ўрганиш иккинчи даражали иш бўлиб қолган эди.

Бадий асарнинг ёзилиш, яратилишини ҳамда унинг ғоявий-ижтимоий факторларини билишнинг ўзи китобхонга кўзланган мақсадни—айниқса бадий-маънавий озуқани бера олмайди. Бунинг учун асарни ифодали ўқиш, муаллиф маҳоратини аниқлаш, бадий идрок этиш ўзлаштириш шартдир. Ифодали ўқишнинг шартларидан бири эса шеър тузилишини ўзлаштириб, унга амал қилган ҳолда матни қироат қилмоқдир. Бас шундай экан, шеър вазнини аниқлаб, уни тўғри ифодали талаффуз этиш ҳам бадийликнинг чор стунлари сирасига киради. Вазнли шеър ўлчовли нутқ бўлиши билан бирга, шуни ҳам алоҳида таъкидламоқ жоизки, «башарият дунёсини уйғотган ҳамма буюк даврлар шеърят белгиси остида ўтган: шеърят уларнинг жарчиси бўлган, шеърят уларга ҳамроҳлик қилган, улар ўз талқинларини шеърятда топганлар».

Бу фикрга қўшимча тариқасида яна: инсоният ўз дил розини чуқур ўй-фикрлари, нозик ҳис-туйғуларини барча кечинмаларини, қалби изҳори-таржималарини ҳам шеърятнинг куйчан, лирик наволари орқали эътироф этган, дейиш ҳам мумкин. Шу маънода шеърят даврнинг салмоқли овози, айни бир вақтда қалб торларини симобдек жунбушга келтирадиган оҳанграбо куй ҳамдир. Бунга эришмоқ учун шеърят қонуниятларини унсурлари жой-жойида бўлмоғи шарт. Бунда вазн алоҳида аҳамиятга эгадир.

Вазн шеърый мисраларда кўпгина поэтик ноаниқликларни равшанлаштиради. Сўз таркиби, талаффузи, шакл ва бўғинлари, мажозий маъно, кўп оҳанглилик каби унсурлар вазн талабларидан келиб чиқади. Агар бордию матнда баъзи англашилмовчиликлар кўзга ташланса, уни дарров вазн талаблари нуқтаи-назаридан текширибгина аниқлик киритиш мумкин.

Ҳаҳоннинг меҳри иккидур:

Бири сенсан, бири офтоб,

Тарозу палласи икки:

Бири ердур бири гардун.

Мисолимиздаги меҳр нега иккита бўлиши ҳақида ҳар қандай китобхон ҳайратланиши мумкин. Чунки бири ёр меҳри бўлиши мумкин, аммо иккинчиси нега офтобга нисбат берилиши фикрий жумбоқ бўлиб қолади. Шеър талабига кўра унда ишлатиладиган мажозий маъно ва санъатлар, вазн

Г Иоганнес Р.Бехер, В защиту поэзии, М., 1959. 34-бет.

ранго—рангликлари нафис идрок этилмаса, юқоридаги «фикрий топишмоқ» яширинлигича қолиб кетиши мумкин. Шеъриятда сўзлар кўпинча ўз ва мажозий маъно жилоларига эга бўлишини ҳаминша эътиборда тутиш зарур. Шу маънода меҳр—садоқат, оқибат, эътибор, иккинчи—поэтик лафзда эса қуёш тушунчасини англашмоқда.

Ушбу мисолимиздаги иккидур, ердур сўзларининг қўшимчалари—дур шаклида келган, аслида ҳозирги замон ўзбек тилида—дир формасида, қайси бири грамматик жиҳатдан тўғри? Аслини олганда, ҳар иккиси ҳам тил қоидасига мувофиқдир:—дир соф грамматик шакл,—дур эса аруз вазни талаби асосидаги ўта чўзиқ ҳижони ташкил қилиб келган. Кўринадики,—дур қўшимчасининг қадимий шакли билан ҳозирги шакли ўртасидаги тафовутни аруз вазни қоидалари воситасида англаб олиш осон экан.

**Еки: Ҳажрда қадимни дол этдинг,
 десам, бергай жавоб:**

**Ким қўйибдур севгини
 Қадди букилган чол учун**

Байтдаги дол сўзи истеъмолдаги ҳарфнинг номи халос, аммо у поэтика қонуниятига кўра қадди букик («д»-) ҳарфини эслатувчи инсон руҳий аҳволи, кайфиятидан дарак беради. Бунинг устига —«д» ҳарфи воситасида ажойиб сўзфикр лутфи-ўйини ҳам изҳор этилган, яъни ошиқ анъанавий поэтик фикрга асосланган ҳолда ишқинг ҳажрида (айрилиқ азобида) қоматим этилиб, бир аҳволга тушиб қолдим-ку демоқчи, маъшуқа эса унга киноя ила ёр қадди букилганлигини таъна қилиб, букчайиб қолган чол кишига севги азобини тортишни ким қўйибди, демоқчи ва яна ҳижолатда қолдирмоқчи. Бу фикрий лутф-ўйинни, теранликни аруз вазни ва унинг ҳарфлари шакли воситасидагина англаш мумкин. Маълум бўладики, аруз вазни шеъриятда ажойиб фикрий нафисликни, жозибаторликни чуқур ҳис қилиш воситаси ҳам экан.

Классик шеърият, умуман, арузий тузилишдаги шеъриятнинг бадиийлик олами чуқур мушоҳада юритиш учун аввало мазкур вазн назарий асосларидан хабардор бўлишни тақозо этар экан. Мазкур қўлланма ҳам ана шу мақсадни кўзда тутди. Унинг дастлабки қисмида аруз вазнининг назарий асослари ва уни қандай ўзлаштириш усул-йўллари ҳақида сабоқ берилади. Назарий асослари шу кунгача аруз борасида яратилган илмий манбаларга таянган ҳолда изоҳлан-

ди. Арузнинг товуш тузилиши, руки ва баҳрлари тартибини талабалар ўзлаштиришлари қулай ва осон бўлишини назарда тутиб содда таърифлар беришга ҳаракат қилинди. Шунга доир мисолларни танлашда ҳам вазн тузилишларини тушунишни енгиллаштирадиган мисоллар олинди. Йўл-йўлаккай назарий билимни мустаҳкамлаб бориш ва амалий жиҳатдан ўзлаштириш учун ҳар бир мавзудан сўнг топшириқлар ҳам берилди.

Талабаларимизнинг классик шеърият вазнларини аниқлашларига қулайлик яратиш мақсадида адабиёт тарихининг дидактик давридан тортиб демократик, мустақиллик бошланган давригача бўлган босқичлар адабиёт намоянадалари шеъриятларидан намуна тарзида вазн, баҳр кўринишлари аниқланди. Ваҳоланки, бошқа мисра ёки шеърларни вазн жиҳатдан аниқлашда қийинчилик сезилмаслиги учун ҳам шундай йўл тутилди. Бошқача айтганда, олий мактаб дастури ва дарсликларига кирган барча намуналарнинг вазнлари белгилаб чиқилдики, бу талабаларнинг амалий ишларида аҳамият кашф этилганига қолмай, шу билан бирга катта амалий ёрдам ҳам бериши мумкин. Шунингдек талабаларнинг мустақил ишлашлари учун зарур бўлган бадиий матнлар намуналари ҳам танланиб, қўлланмада фойдаланилди.

Хуллас, қўлланма классик шеъриятнинг вазни ва образлар дунёсини ўрганиш ва ўзлаштиришда дастлабки ёрдамчи дастур бўлиши мумкин ва ундаги манбалар дарс давомида фойдаланишда, шубҳасиз самарали натижа беради, деган умиддамиз.

Мазкур қўлланма олий ўқув юр்தларининг талабаларига мўлжалланган қўлланма яратиш йўлида қилинган дастлабки тажрибадир. Айниқса вазн асосларини назарий жиҳатдан содда шарҳлаш жиҳатидангина эмас, шу билан бирга олий ўқув юр்தлари ўқув дастурлари ҳамда дарсликларига киритилган бадиий асарлар матнларида учрайдиган бадиий-поэтик тимсолларга изоҳ берилиши ва қўлланма тариқасида тавсия қилинаётганлиги дастлабки илк тажриба бўлганлиги учун ҳам камчиликлардан ҳамда нуқсонлардан ҳам холи эмас, албатта. Шунинг учун ҳам қўлланма муаллифи ҳурматли ўқувчилар ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазалари, таклифлари билан ёрдамларини аямайдилар деган умиддадиларки, бу таклиф ҳамда фикрлар мамнуният билан бажону дил қабул қилинади ва қўлланманинг навбатдаги нашрлари-ни мукаммаллаштиришда тўла ҳисобга олинади.

АРУЗ ИЛМИНИНГ ҚОНУНЛАРИ

Илгөр фикр, ҳис-ҳаяжон ва лиризм билан, ритм ҳамда мусиқийлик қонунлари асосида ўлчанган, қофияланган, сер-бўёқ, товуш жиҳатдан хушоҳанг мисралар ва ранг-баранг инверсияларда ёзилган асарга шеър дейилади. У шоирнинг таъсирланиши, воқеликни теран идрок этиши натижасида зуҳур топади.

Шоир қаламига мансуб бўлган, «шеър фикр қоришиги бўлиши жиҳатидан—ҳикмат, кўнгилга йўл топиши, ундан ўзига ҳамоҳанг садо чиқариши жаҳатидан — мусиқадири.

Шеър — ошиқнинг оҳи, мусибат — дийданинг кўз ёши, саодат ва сурур ифодаси бўлган қаҳқаҳа товуши.

Шеър — кўнгилнинг ойнаси. Шу боис кўнгилда неки бўлса, акс этади.

Шеър — маъсум гўдақ, риёни билмайди. Риё бўлган ерда эса шеър бўлмайди.

Шеър — бир мўъжиза. Унинг ана шу мўъжизакор сирларидан хабардор бўлиш, бу сирларни жиловлаш ҳар кимга насиб этавермайди. Бунга эришиш учун зеҳн, сабр ва меҳнатдан бошқа яна нимадири керак»

(А. Қаҳҳор)

Шеър — фикр, ҳис-ҳаяжон, туйғу ва лиризм орқали ифодаланган оҳанг, ритм, мусиқийлик қонунлари асосида ўлчанган, мавзун, қофияли бадий асардир.

Шеър мусиқийликни яратувчи, доимо ишлатиладиган ритм (ҳижо, руки, вазн, ритмик нафас олиш, туркум) қофия, банд ва ёрдамчи унсурларнинг яхлит умумлашмасидан ташкил топади. Шеър асли арабча «шуур» сўзидан келиб чиққан бўлиб, сезиш, билиш, топиш, ёзиш деган маънони англатади ва мавзу ва қофияли сўз воситасида шеър ижод қилиш демакдир. Унда гоё шу андоза-воситалар орқали ифодаланади. Шунинг эса тутмоқ лозимки, шеърнинг ўзига хос хусусиятларидан бири—бу гоёни мусиқий тарзда акс эттиришдир. Буларсиз аруз илмининг қонуниятлари назариясини билиб бўлмайди ҳам.

Умумжаҳон шеърини таркиблари ҳақида гап кетар экан, унда квантитатив ва квалитатив шеър таркиблари мавжудлигини айтиб ўтиш зарур.

Шеърнинг квантитатив тури ҳинд, араб, форс-тожик, юнон халқлари шеърляти, квалитатив шеър тури эса рус, француз, поляк, серб ва бошқа халқлар шеърляти тузилиши-тар-

кибини ташкил этади. Биринчиси қисқа, чўзиқ, ўта чўзиқ ҳижоларнинг муайян миқдори таркибига таянса, иккинчиси ҳижо ва бўгинлар миқдорига, урғусиз бўгинлар миқдорига таянади. Шеър тузилишидаги бу икки турнинг муштарак жиҳатлари ҳам мавжудки, бўгин-ҳижо миқдорининг кўпинча бир хил бўлиши, урғунинг баъзан мос ҳолда жойлашиши ҳар икки турда ҳам учрайди. Бармоқ таркибидаги шеърда бир ёпиқ бўгиннинг бир вақтнинг ўзида икки бўгин вазифасини бажариши учрайдики, бу аруз вазнига ҳам хосдир. Шунингдек, ҳар икки турдаги шеър таркибининг келиб чиқиш жараёни меҳнат жараёни билан бевосита боғлиқдир.

Аруз туркий халқлар шеърлятида ҳам гоёта қадимий шеър тури ҳисобланади. У туркий халқларнинг илк адабий ижоди намуналари бўлмиш урхун-енисей битикларида ҳам учрайди. Унинг илдизлари туркий тилли халқларнинг араб истилосигача бўлган давр адабий ижоди намунаси бўлмиш «Девону луғотит турк» да ҳам учрайди. Лекин аруз илми назария сифатида IX аср форс-тожик адабиётида мавжудлиги, туркий халқлар ёзма шеърлятида етакчи шеърини таркиб сифатида қўлланила бошланишида форс-тожик адабиётининг ҳам маълум таъсири бўлган.

Классик адабиётга хос арузий шеърлар қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ ҳижоларнинг муайян тартибда гуруҳлашиб такрорланишига асосланади. Шу боисдан ҳам қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ ҳижоларнинг мисраларда муайян тартибда гуруҳланишига асосланувчи шеър тузилиши аруз таркиби дейилади.

Ҳозирги замон шеърлятининг бош ва асосий таркиби ҳисобланган бармоқ вазни ҳам бўгинларнинг шеър мисраларида бир хил миқдорда ва муайян тартибда такрорий гуруҳлашувига асосланади. Бинобарин, мисра бўгинларининг миқдор жиҳатдан тенглигига ёки ўзаро мутаносиблигига, шунингдек, муайян тартибда гуруҳлашиб келишига асосланган шеър тузилишини бармоқ вазни таркиб дейилади.

Ўзбек шеърлятида шеърини таркиблар бешта. Улар икки гуруҳга бўлинади ва: анъанавий шеър таркиблари (бармоқ ва аруз таркибдаги) ҳамда ўзбек шеърлятига хос равишда шаклланиб бораётган янги таркиб (бўгин-урғу, қоришиқ, миқдор-урғу таркибларидаги) лардан иборат.

Мазкур рисолада эса аруз таркибидаги шеър гуруҳини ўрганиш йўл-йўриқларига доир масалаларга кўнрок эътибор берилди.

ҚИСҚА, ЧҮЗИҚ ВА ҮТА ЧҮЗИҚ ХИЖОЛАР. Шеър да мусиқий оҳангни унли ва ундош товушлар оҳангдошлиги вужудга келтиради. Аруз назариясига оид асарларда сокин (мустақил ундош ёки чўзиқ унли ҳосил қилувчи ҳаракатсиз белги, сукун, ором маъносида) ва мутахаррик (ҳаракатли, яъни қисқа унлидан илгари келган ундош) ҳарфлар (қисқа а, и, у) вазн яратувчи унсурлар (ҳарфлар) араб имлосига хосдир. Ўзбек арузшунослигида аруз таркибининг энг кичик унсури сифатида ҳарф (ҳижони ташкил қилувчи ҳаракат) қабул қилинган. Шеър вазни қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ ҳижоларга асосланади.

БАИТ арабча: уй, мисра (арабча эшикнинг бир палласи, тавақаси), адабиётшуносликда икки мисра бир байтни ташкил этади. Аруз вазни масалаларига доир асарларда байтнинг қисқа (у), чўзиқ («—»), ўта чўзиқ («— —») ҳижолар тартибига таяниш ва шу туфайли баъзан ҳижо миқдори тенг бўлмаслиги ҳоллари изоҳлаб берилган.

Арузда очиқ ҳижонинг чўзиқ ҳижо, қисқа ва чўзиқ ҳижо—қисқа ҳижо юқини бажарган ҳолда келиши ҳоллари ҳам учрайди. Доимо чўзиқ ҳижо ҳисобланиб келинган ҳижо билан ёзиш ҳижо ўртасидаги тафовутнинг унчалик сезилмаслиги натижасида шундай ҳол содир бўлади. Баъзи ёпиқ ҳижолардаги ундош товушнинг очиқ ҳижодаги ундош товушлари ёпиқ ҳижоларда ундош товушнинг очиқ ҳижодаги ундош товушдан кўп келиши орқасида ёпиқ ҳижо чўзиқ ҳижо ўрнида ҳам қўлланиши учрайди. Масалан, ёр, шод, бод, хор, хос, тўқ, йўқ, нок, пок, чок, айб, зор кўринишидаги ҳижолар ўта чўзиқ ҳижо саналса-да, улар баъзан вазн талабига кўра чўзиқ ҳижо вазифасини ўтайди: халқ, завқ, шавқ, меҳр, бахт, тахт, сахт, савт каби. Лекин вазн талабига кўра ўта чўзиқ ҳижо чўзиқ ҳижо, чўзиқ ҳижо эса қисқа («у») ҳижо вазифасини ўтаб келиши ҳам мумкин.

Ҳижоларнинг узун-қисқалиги баъзан уларнинг ёзилишига қараб эмас, балки шеър оҳангига, ифодали ўқиш талабларига кўра, талаффуз қилинишига қараб ҳам аниқланади. Лекин аруз вазнида ёзилган асарларни ифодали ўқишда вазн талаби билан ҳижоларнинг бир-бирига қоришиб, улар таркибидаги товушларнинг бошқа ҳижодаги товушлар билан қўшилиб кетиши ҳоллари юз беришини ҳам унутмаслик лозим.

Инқилобдан олдин ва ундан кейинги йиллардаги асарларда бошқа халқ тилидан олинган сўзларнинг у ишлатилаётган тил қонун-қоидаларига асосан қўлланиши орқасида ўз

гаришга юз тутганлигини ҳам назарда тутиш керак. Масалан миллион.—«милён». Москва—«Маскав», завод—«зовут», купец—«купес», контора—«кантур», Россия—«Урусия», газета—«газет», Искандар—«Сикандар», буйистон—«бўстон» шаклида ёзилиши ва ўқилиши мумкин. Бунда табиийки, араб алфавити билан рус ёзуви ўртасидаги тафовутни ҳам унутмаслик лозим, албатта. Шу билан бирга аруз ҳамда умумий имло ҳарфларининг фарқланишини ҳам билиш зарур.

1. Фаувлун—фаув—ватади мажмуъ: лун—сабаби хафийф бўлиб, у араб имлосида 5 та ҳарф, рус имлосида эса 7 та ҳарфдан иборатдир.

2. Фоилун—фо сабаби хафийф; илун—ватади мажмуъ бўлиб, у араб алфавитида 5 та ҳарф, рус алфавитида эса 6 та ҳарфдан иборат бўлади.

3. Мафонилун—мафо—ватади мажмуъ; ийлун—икки сабаби хафийф бўлиб, у араб алфавитида 7 та ҳарф, рус алфавитида эса 9 та ҳарфдан иборат бўлади.

4. Фоилотун—фо—сабаби хафийф; ило—ватади мажмуъ; тун—сабаби хафийф бўлиб, у араб алфавитида 7 та ҳарф, рус ёзувида эса 8 та ҳарфдан иборат бўлади.

5. Мустафъилун—мус—сабаби хафийф, тафъ—сабаби хафийф; илун—ватади мажмуъ бўлиб, у араб алфавитида 7 та ҳарф, рус ёзувида эса 11 та ҳарфдан иборат бўлади.

6. Мафоилатун—мафо—ватади мажмуъ; илатун фосилан суғро бўлиб, у араб алифбосида 7 та ҳарфдан, рус алифбосида эса 10 та ҳарфдан иборат бўлади.

7. Мутафоилун—мутафо—фосилан суғро; илун—ватади мажмуъ бўлиб, араб алифбосида 7 та ҳарфдан, рус алифбосида 10 та ҳарфдан иборат бўлади.

8. Мафъувлоту—мафъ—ув—икки сабаби хафийф; лоту—ватади мафрук бўлиб, араб алифбосида 7 та ҳарф, рус алифбосида 10 та ҳарфдан иборат бўлади.

Бу вазн ва рукнлар араб ёзуви—араб алифбоси асосида ёзилган. Аруз ёзуви умумий имло ёзувидан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи аруз имлоси асосида сабаб, ватад ва фосилаларни жадвалда ёки дарс тахтага ёзиб кўрсатиши лозим, токи рус алифбосига кўчирилган асарларда ўқувчи назарида биров шубҳали ҳижолар ҳосил бўлиши биланок, у кўргазма орқали маълум бир тушунчага, тасаввурга эга бўлади. Мисол учун «Айни» сўзининг ҳижоларини олиб кўрайлик. Унинг ҳижолари араб алифбосида «—v», яъни бир чўзиқ ва битта қисқа ҳижо тарзида ёзилса, рус

алифбосида «Айний» шаклида ёзилиб, унинг ҳижолари «—», яъни икки чўзиқ ҳижо шаклида ёзилади. Араб алифбосида «кўзи», «сўзи», «бири» сингари сўзлар «— —», «у—», «—у», «у у» каби шаклларда ҳам вазнга тушиши мумкин.

Кўп шоирлар, адабиётшунослар ана шу аруз вазни имло сини билмасликлари орқасида ёки билсалар ҳам бу муҳим талабларга эътиборсизликлари орқасида классик шеърятимиз намуналарини рус алифбосига таржима қилишда хатоларга йўл қўядилар. Шундан келиб чиққан ҳолда юқорида изҳор этилган фикрларимизни далиллаш учун қуйидагича таҳлиллар билан танишиб чиқайлик:

1. Ёр келса, бас маҳалдурким ичим қон этти шавқ,
Сабру оромим бериб барбод, тугён этти шавқ,

(Алишер Навоий).

Ё—р—кел—са /бас—ма—ҳал—дур/ ки—ми—чим қо/ нэт—ти
—шавқ,

— у — — — у — — — у — — — у — —
Саб—ру—о—ро /мим—бе—риб—бар/ бо—д—туғ—ё/ нэт—ти
—шавқ,

— у — — — у — — — у — — — у — —

2. Яно ҳажр аро зор бўлдим,
Фироқингдин афғор бўлдим.

(Алишер Навоий).

Я—но—ҳаж /ра—ро—зо/ р—бўл—дум,

у — — у — — у — —

Фи—ро—қинг /ди—наф—го/ р—бўл—дум.

у — — у — — у — —

3. Қадинг сарви ноз, эй йигит,
Сўзинг дилнавоз, эй йигит.

(Алишер Навоий).

Қа—динг—сар /ви—ноз—эй/ йи—гит.

у — — у — — у — —

4. Қилмағил зинҳор изҳор эҳтиёж,
Ким азиз элни қилур хор эҳтиёж.

(НОДИРА)

Қил—ма—ғил—зин /ҳо—р—из—ҳо/ рэх—ти—ёж,

у у — — /— у — — /— у — —

Ки—ма—зиз—эл /ни—қи—лур—ҳо/ рэх—ти—ёж.

— у — — /— у — — /— у — —

5. Мирегим борадур, юрагим ёрадур,
Юрагим ёрадур, мирегим борадур.

(БОБУР).

Ми—ра—гим /бо—ра—дур/ ю—ра—гим/ ё—ра—дур/,
у у — /у у — /у у — /у у —

Ю—ра—гим /ё—ра—дур/ ми—ра—гим /бо—ра—дур.
у у — /у у — / у у — / у у —

6. Додхоҳим, додхоҳлик сенга хос.

Порасиз ўтмас сенга юз илтимос.

(МУҚИМИЙ).

До—д—хо—ҳим /до—д—хоҳ—лик/ сен—га—хос.

— у — — /— у — — / — у — —

По—ра—сиз—ўт /мас—сен—га—ю/ зил—ти—мос.

— у — — /— у — — / — у — —

7. Зор мени қилур ишқ,
Хор мени қилур ишқ.

(БОБУР).

Зо—р—ме—ни /қи—лур—ишқ,

— у у — /у — — —

Хо—р—ме—ни /қи—лур—ишқ.

— у у — /у — — —

Юқорида айтганимиздек, биринчи байтдаги «ёр» «—у» (мисра бошида), «бод» «—у» (мисра ичида), «шавқ» «—» (мисралар охирида) каби турларга эгаллиги ва «маҳалдурким», «оромим» сўзларининг икки рукнга бўлинганлиги ва бошқа байтларда мавжуд бўлган шу тоифадаги ҳижо кўри нишлари, сўзларнинг икки рукнга бўлиниши ҳоллари ўқувчиларга жадвал орқали ёки дарс тахтага ёзиб тушунтирилади ва ўқтирилади.

Айтиб ўтилганлардан маълум бўладиги, аруз таркибининг ўзига хос қуйидаги каби қондалари мавжуд:

1. Ҳижоларнинг рукнларга уюшиш ва сўз ўзаги ҳамда негизининг икки рукнга бўлиниб кетиш ҳодисаси каби қонда. Мисоллар:

Ишқ сурасидан гар ўқусам сура баякбор,

Бешубҳа билинг, ояти Қуръон чидаёлмас.

(МАШРАБ).

Бу байт аломатлари ва таркиби қуйидагичадир.:

Ишқ—су—ра /си—дин—гар—ў /ку—сам—су—ра /ба—як—
бор.

— — у /у — — у /у — — у /у — —

Бе—шуб—ҳа /би—лин—го—я /ти—Қуръ—он—чи/ да—ёл—
мас.

— — у /у — — у /у — — у /у — —

2. Бу оламда кўнгил нозик, топилмас ўзга нозикроқ,
Авайлаб сўз денгу ҳар бир кўнгилни сиз ризо айланг.
(В. САЪДУЛЛА).

Ушбу байтнинг аруз рукнларига кўра ҳижолаарга бўлинган ҳолда кўриниши қуйидагича бўлади:

Бу—о—лам—да /кўн—гил—но—зик/то—пил—мас—ўз/
га—но—зик—роқ,

у — — — /у — — — / у — — — /у — — —
А—вай—лаб—сўз /ден—гу—ҳар—бир/ кўн—гил—ни—сиз/
ри—зо—ай—ланг.

у — — — /у — — — / у — — — /у — — —

Бу байтдаги «сурасидан», «ўқусам», «ояти», «чидаёлмас». «ўзга» сўзларининг ўзаги ва негизи икки рукнга бўлинади.

Сўзларнинг ўзак ва негизининг икки рукнга бўлиниши ҳодисаси арузда ўзига хос ритми таъминловчи муҳим унсур ҳисобланади ва бу ҳолат бошқа шеър турларида кузатилмайд.

II. Рукнларнинг шеърий нутқда кўпинча ички ритмик товуш бўлиниш ҳолатига эга эмаслиги қоидаси. Восит Саъдулланинг юқорида мисол тариқасида келтирилган байтида 3-рукндан сўнг ритмик товуш бўлиниш ҳодисаси йўқолиб, сўз негизининг ўзи икки рукнга бўлиниб кетиши ҳолати кузатилади.

III. Аруз вазнларининг ўзига хос таркибий ҳодиса-қоида-сини қуйидаги байт мисолида ҳам кўриш мумкин:

Менга ҳажрингдин алам кўп,

Санамо, қилма ситам кўп.

(Алишер НАВОИЙ).

Бу байт тузилишини жадвал шаклида қуйидагича кузатиш мумкин:

Мен—га—ҳаж—ринг /ди—на—лам—кўп,

— у — — / — у — —

Са—на—мо—қил /ма—си—там—кўп.

— у — — / — у — —

Шоирнинг бу байти аруз рукнининг фоилотун «— у — —» кўринишдаги таркибда такрорланишига асосланган вазнда битилган бўлиб, у бир хил рукнли вазндир.

IV. Аруз таркиблари уюшиш қоидасига ҳам эгадир. Буни қуйидаги байтлар мисолида кўриб ўтамиз.

Яно ҳажр аро зор бўлдим,

Фироқингдин афгор бўлдим.

(Алишер Навоий).

Байтнинг тузилиши жадвали шундай кўринишда:

Я—но—ҳаж /ра—ро—зо/ р—бўл—дум = 9 та

у — — /у — — / у — —

Фи—ро—қинг /ди—наф—го/ р—бўл—дум = 9 та

у — — /у — — / у — —

Фурқатингда мани сўрмадинг.

Раҳм кўзи била кўрмадинг.

(Алишер НАВОИЙ).

Мазкур байтнинг тузилиш шакли қуйидагича ифодаланади:

Фур—қа—тинг /да—ма—ни/ сўр—ма—динг = 9 та

— у — — / — у — — / — у — —

Раҳ—м—кў /зи—би—лан/ кўр—ма—динг = 9 та

— у — — / — у — — / — у — —

Ушбу байтлар тўққизлик туркумига дахлдор бўлиб, уларнинг вазнлари ҳар хил, аммо ритм жиҳатидан ўзаро яқиндир. Уларнинг ритми турли хил эканлигини кузатиш ва тушуниб олиш қийин ҳам эмас. Шунинг ҳам назарда тутмоқ лозимки, туркум тушунчаси аруз ҳақидаги илмга инқилобдан кейин киритилган (Фитрат томонидан). Бу ҳодиса араб, форс-тожик, туркий халқлар аруз таркибида Октябрғача тадқиқот мавзуи бўлмайд келди.

Аруз илмига доир таркибий бўлаклардан яна бири—бу жузв. сабаб, ватад ва фосила тушунчалари бўлиб, қуйидаги бўлинмада шу ҳақда тўхталамиз.

ЖУЗВ, САБАБ, ВАТАД ва ФОСИЛА. — Айрим асарларда жузв (арабча қисм, бўлак, ҳарф маъносида келади) арузнинг энг кичик жиҳати сифатида тилга олинади. Аммо кўпгина арузшуннос олимлар бу фикрга қўшилмайдилар ва арузнинг энг кичик қисми сифатида ҳарф ва ҳаракат тушунчаларини кўрсатадилар (жумладан У. Тўйчиев ва бошқалар).

Жузвлар унли ва ундош ҳарфлар ҳамда фатҳа, касра ва замма (қисқа а, и, у) ҳаракатларидан ташкил топади. Улар сабаб (арабча боис, боғлов, арқон), ватад (арабча қозик деган маънони англатади) ҳамда фосила (арабча оралиқ, ажратиш белгиси маъносида) бўлиб, буларнинг ҳар бири ўз навбатида икки турга бўлинади:

1. Сабаб—сабаби хафийф (арабча енгил сабаб деган маънода), сабаби сақийл, яъни арабчадан олинган бўлиб, оғир сабаб каби сабаби хафийф ҳам ҳаракатли ва ҳаракатсиз ҳарфдан ташкил топади. Масалан: май, най, гул, мул (бу сўзлар бир зарб ва бир сокиндан ташкил топган). Сабаби сақийл эса икки ҳаракатли, зарбли ҳарфдан иборат бўлади.

Масалан, кўзи, сўзи, юзи, қадди, хати каби ва ҳаказо.

2. Ватади мажмуъ (арабча йиғиқ, уюшган деган маънода), ватади мафруқ (арабча сўз бўлиб, ёпиқ, фарқланган, ажратилган деган маънони англатади) каби турларга бўлинади. Ватади мажмуъда икки олдинги ҳарф зарбли, сўнгги ҳарфи эса ҳаракатсиз-зарбсиз (зафар, забар, шаҳар, камар, ҳашар каби) сокин бўлади. Ватади мафруқнинг таркибида икки ҳаракатли-зарбли ҳарф орасида бир ҳаракатсиз-зарбсиз ҳарф иштирок этади (нома, хома, хона, хола, жола, жома каби).

3. Фосила: фосилаи суғро. Бу арабча кичик фосила, фосилаи кубро-катта фосила деган маъноларни билдириб, биринчи шаклдаги олдиги тўрт ҳарф зарбли-ҳаракатли, бешинчиси эса султ зарбли оҳангга эга бўлади.

Жузвларнинг сабаби хафийф, сабаби сақийл, ватад, ватади мажмуъ, ватади мафруқ, фосилаи суғро, фосилаи кубро каби таркибий қисмлари шакли тузилмада: сабаби хафийф «—», сабаби сақийл «у у», ватади мажмуъ — «у—», ватади мафруқ —«—у», фосилаи суғро —«у у—», фосилаи кубро —«у у у —» каби белгилар билан ифодаланadi.

РУКНЛАР, (АСЛИЙ ВА ФАРЪИЙ)

Сабаб, ватад, фосила ва уларнинг турли бирикувларидан аруз таркибининг саккизта рукнлари ҳосил бўлади. Улар қуйидагича тузилишга эгадир:

Т/р	Рукнлар номи	Таркиби	тартиби	ҳижола	миқдори
1.	Фаувлун	у — —	ватади мажмуъ + сабаби хафийф	учта	
2.	Фоилун	— у —	сабаби хафийф + ватади мажмуъ	учта	
3.	Мафойилун	у — —	ватади мажмуъ + икки сабаби хафийф	тўртта	
4.	Фоилогун	— у — —	сабаби хафийф + ватади мажмуъ	тўртта	
5.	Мустафйилун	— — у —	икки сабаби хафийф	мажмуъ тўртта	
6.	Мафойлатун	у — — —	ватади мажмуъ + фосилаи суғро	бешта	
7.	Мутафойилун	у у — у —	фосилаи суғро + ватади мажмуъ	бешта	
8.	Мафъувлоту	— — — у	икки сабаби хафийф + ватади мафруқ	тўртта	

Аруз таркибидаги шеърӣ ўлчовларнинг асосий турлари — баҳрлар юқоридаги жадвалда кўрсатилган рукнларнинг турли таркибда қўшилиудан ҳосил бўлади. Рукнларнинг ўзгаришсиз такрорланишидан аслий (солим), ўзгариб такрорланишидан фаръий (тармоқ) баҳрлар нина турли кўринишлари ҳосил бўлади.

Ҳар бир рукннинг тартибли такрорланишидан қуйидаги аслий—солим баҳрлар ҳосил бўлади. Эслатма: мафъувлоту рукни бундан мустасно.

1. Фаувлун рукни такрорланишидан мутақориб баҳри;
2. Фоилун рукни такрорланишидан мутадорик баҳри;
3. Мафойилун рукни такрорланувидан ҳазаж баҳри.
4. Фоилогун рукни такрорланувидан рамал баҳри.
5. Мустафйилун рукни такрорланувидан ражаз баҳри.
6. Мафойлатун рукни такрорланувидан вофир баҳри.
7. Мутафойилун рукни такрорланувидан эса комил баҳри ҳосил бўлади.

Байтда рукн тўрт марта такрорланса, мураббаъ (арабча тўртлик деган маънони англатади), олти марта такрорланса, мусаддас (арабча олтилик демакдир), саккиз марта такрорланса, мусамман (арабча саккизлик) вазни дейилади.

1. Мутақориб баҳри ва унинг вазнларига мисол:

Яно ҳажр аро зор бўлдум,

Фироқингдин афгор бўлдум.

(Алишер НАВОИЙ).

Ушбу байт белгилари ва жадвали қуйидагичадир:

Я—но—ҳаж /ра—ро—зо/ р—бўл—дум,

у — — /у — —/ у — —

Фи—ро—қинг /ди—наф—го/ р—бўл—дум,

у — — /у — —/ у — —

Фаувлун /фаувлун/ фаувлун

Фаувлун /фаувлун/ фаувлун

Бу байтда фаувлун рукни олти марта ўзгаришсиз такрорланганлиги сабабли ҳам мутақориби мусаддаси солим вазни ҳосил бўлган.

Яно сансизин мунисим ғам бўлубтур.

Кўзимга юрак қони ҳамдам бўлубтур.

(НАВОИЙ).

Я—но—сан /си—зин—му/ ни—сим—ғам/ бў—луб—тур

у — — /у — —/ у — —/ у — —

Фа—ув—лун /фа—ув—лун/ фа—ув—лун/ фа—ув—лун

Кў—зим—га /ю—рак—қо/ ни—ҳам—дам/ бў—луб—тур.

у — — /у — —/ у — —/ у — —

фа—ув—лун /фа—ув—лун/ фа—ув—лун/ фа—ув—лун.

Юқоридаги келтирилган байтлар мутақориби мусаммани солимга мисол бўла олади.

2. Мутақорик баҳри ва унинг вазнларига мисоллар:

Фурқатингда мани сўрмадинг,

Раҳм кўзи билан кўрмадинг.

(НАВОИЙ).

Мазкур байтнинг белгилари ва шакли қуйидагича:

Фур—қа—тинг /да—ма—ни/ сўр—ма—динг,

— у — — / — у — — / — у — —

Раҳ—м—ку /зи—би—лан/ кўр—ма—динг.

— у — — / — у — — / — у — —

фо—и—лун /фо—и—лун/ фо—и—лун

фо—и—лун /фо—и—лун/ фо—и—лун

Бу байтда фоилун рукни олти марта ўзгаришсиз такрорланиб келганлиги боис мутақорик мусаддаси солим вазни ҳосил бўлган.

Не монгишдурки танлар ҳабоси анинг,

Не боқишдурки, жонлар фидоси анинг.

(НАВОИЙ).

Ушбу байтнинг белгилари ва шакли қуйидагичадир:

Не—мон—гиш /дур—ки—тан/ лар—ха—бо/ си—а—нинг

— у — — / — у — — / — у — —

фо—и—лун /фо—и—лун/ фо—и—лун/ фо—и—лун

Не—бо—қиш /дур—ки—жон/ лар—фи—до/ си—а—нинг.

— у — — / — у — — / — у — —

фо—и—лун /фо—и—лун/ фо—и—лун/ фо—и—лун

Бу байтда фоилун рукни саккиз марта такрорланганлиги сабабли шеър вазни мутақорик мусаммани солим баҳри дейилади.

3. Ҳазаж баҳри ва унинг вазнлари:

Зиҳи руҳсоринг олида қуёш тийра,

Қуёшдин йўқки ондин эл кўзи хийра.

Мазкур байтнинг белгилари ва шакл кўриниши қуйидагичадир:

Зи—ҳи—руҳ—со /рин—го—ли—да/ қу—ёш—тий—ра,

у — — — у — — — у — — —

ма—фо—ий—лун /ма—фо—ий—лун/ ма—фо—ий—лун

Қу—ёш—дин—йўқ /ки—он—дин—эл/ кў—зи—хий—ра.

Кўриб турибмизки, мафойилун олти марта такрорланганлиги боис мазкур шеър вазни ҳазажи мусаддаси солим баҳрига тааллуқлидир.

Сенингсиз манга ком йўқдир, асал ичсам, заҳар бўлғай,
Сенинг бирлан ширин сўзим, заҳар ютсам, шакар бўлғай.

(Э. ВОҲИДОВ).

Мазкур байтнинг вазн белгилари ва шакли қуйидагича кўринишга эга бўлади:

Се—нинг—сиз—ман /га—ком—йўқ—дир/ а—сал—ич—сам/

за—ҳар—бўл—ғай,

у — — — /у — — — / /у — — — / у — — —

ма—фо—ий—лун /ма—фо—ий—лун/ ма—фо—ий—лун/

ма—фо—ий—лун

Се—нинг—бир—лан /ши—рин—сў—зим/ за—ҳар—ют—сам/

ша—кар—бўл—ғай.

у — — — /у — — — / /у — — — / у — — —

ма—фо—ий—лун /ма—фо—ий—лун/ ма—фо—ий—лун/

ма—фо—ий—лун

Ушбу байтда мафойилун саккиз марта такрорланганлиги боис шеър вазни баҳрнинг ҳазажи мусаммани солим турига киради.

4. Рамал баҳри ва унинг вазнлари.

Келгил, эй руҳсори зебо,
Ким бўлурмен ношикебо.

(НАВОИЙ).

Байтнинг ўзига хос белги ва шакли қуйидагича:

Кел—ги—лэй—руҳ /со—ри—зе—бо,
— у — — / — у — —
фо—и—ло—тун /фо—и—ло—тун
Ким—бў—лур—мен /но—ши—ке—бо
— у — — / — у — —
фо—и—ло—тун /фо—и—ло—тун

Байтда фоилотун рукни тўрт марта такрорланиб келаётганлиги учун ҳам шеър вазни рамали мураббаи солим баҳри деб юритилади.

Эй жамолингдин хижил ҳуршеди анвар,
Қоматингдин мунфаил сарву санавбар.

(НАВОИЙ).

Байтнинг ўзига хос белгиси ва шакли қуйидагича:

Эй—жа—мо—линг /дин—хи—жил—хур/ ше—ди—ан—вар,
— у — — / — у — — / — у — —
фо—и—ло—тун /фо—и—ло—тун/ фо—и—ло—тун
Қо—ма—тинг—дин /мун—фа—ил—сар/ ву—са—нав—бар
— у — — / — у — — / — у — —
фо—и—ло—тун /фо—и—ло—тун/ фо—и—ло—тун

Байтда фоилотун рукни олти марта такрорланиб келаётганлиги сабабли бундай шеърлар вазнини рамали мусаддаси солим баҳри деб юритилади.

5. Ражаз баҳри ва унинг вазнлари.

Ҳажрингда, эй гулчеҳра, беҳад зорман,
Қон ичра ғарқа гул каби афгорман.

(НАВОИЙ).

Байтнинг ўзига хос белгиси ва шакли:

Ҳаж—ринг—да—эй /гул—чеҳ—ра—бе/ҳад—зо—р—ман,
— — у — — — у — — — у — —
мус—тафъ—и—лун /мус—тафъ—и—лун/ мус—тафъ—и—
— лун
Қо—нич—ра—ғар /қа—кул—ка—би—/ аф—го—р—ман,
— — у — — / — — у — — / — — у — —

мус—тафъ—и—лун /мус—тафъ—и—лун/ мус—таф—и—лун
Байтда мустафъилун рукни олти марта такрорланганлиги боис ҳам шеър вазнини ражази мусаддаси солим баҳридаги шеърлар деб юритилади.

Таондин ўқдингни чексалар оғрирдин эрмас шеваним,
Ондин қилурмен навҳаким айру тушар жондин танним.
(НАВОИЙ)

Байтнинг ўзига хос белгиси ва шакли:

Тан—ди—нў—қинг /ни—чек—са—лар/ оғ—рир—ди—нэр/
мас—ше—ва—ним
— — у — — / — — у — — / — — у — — / — — у — —
мус—тафъ—и—лун /мус—тафъ—и—лун/ мус—тафъ—и—
лун/ мус—тафъ—и—лун
Он—дин—қи—лур /мен—нав—ҳа—ким/ай—ру—ту—шар/
жон—дин—та—ним.
— — у — — / — — у — — / — — у — — / — — у — —

Байтда мустафъилун рукни саккиз марта такрорланиб келаётганлиги сабабли бундай шеърлар вазнини ражази мусаммани солим баҳридаги шеърлар деб юритилади.

6. Вофир баҳри ва унинг вазни.

Фироқ ўтидин куяр баданим, тафидин эриб оқар жигарим,
Гамим будурки, боғланибон юзунг сари тушмагай назарим.

(НАВОИЙ).

Байтнинг ўзига хос белгиси ва шакли:

Фи—ро—қў—ти—дин /ку—яр—ба—да—ним/ та—фи—ди—
нэ—ри/ бо—қар—жи—га—рим
у — у у — /у — у у — /у — у у — /у — у у —
ма—фо—и—ла—тун /ма—фо—и—ла—тун/ ма—фо—и—ла—
тун/ ма—фо—и—ла—тун
Га—мим—бу—ду—рур /ки—боғ—ла—ни—бон/ юзунг—со—
ри—туш/ ма—гай—на—за—рим.
у — у у — /у — у у — /у — у у — /у — у у —
ма—фо—и—ла—тун /ма—фо—и—ла—тун/ ма—фо—и—ла—
тун/ ма—фо—и—ла—тун

Байтда мафоилатун рукни саккиз марта такрорланиб келаётганлигидан шеър вазни вофири мусаммани солим баҳридаги вазндан эканлигини англаймиз:

7. Комил баҳри ва унинг вазнлари.

Не хаёл эди янаким, қўнгул қуши сайдини ҳавас айладинг,
Баданимга ҳар соридин ҳаданг урубон анга қафас айладинг.
(НАВОИЙ).

Байтнинг ўзига хос белгиси ва шакли:

Не—ха—ё—лэ—ди /я—на—ким—қўн—гул/ қу—ши—сай—
у у — у — у у — у — у у — V —
ди—ни/ҳа—ва—сай—ла—динг.
у у — у —

му—та—фо—и—лун /му—та—фо—и—лун/ му—та—фо—и—
 лун/ мута—фо—и—лун
 Ба—да—ним—ға—ҳор/ со—ри—дин—ҳа—дан/ гу—ру—бон
 —ан—га/ қа—фа—сай—ла—динг.
 у у — у — /у у — у —/ у у — у —
 у у — у —
 му—та—фо—и—лун /му—та—фо—и—лун/ му—та—фо—и—
 лун/ му—та—фо—и—лун

Байтда мутафоилун рукни саккиз марта такрорланиб келётганлигидан биз мазкур шеър вази комили мусаммани солим баҳридаги шеър турига мансублигини кўрамиз.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, юқорида таърифлаб ўтилган баҳрлар ритмик-динамик эмас. Чунки улар ягона негиздаги рукнинг ўзгаришсиз такрорланишига асослангандир. Бир хил рукнинг айнан такрорланишидан ҳосил қилинадиган баҳрларнинг ўзбек шеъриятида кўп қўлланиши мутақориб, ҳазаж, ражаз баҳрлари бўлиб, бу баҳрларда анчагина шоирларимиз муваффақиятли ижод қилмоқдалар. Классик шеъриятимиздаги кўпгина асарлар асосан ҳазаж мусаммани солим ва ражази мусаммани солим вазиларида яратилганлиги ҳам ушбу фикримизни тасдиқлайди. Бунга Навоийнинг «Хазойинул маоний»сидаги 313 шеърдан 259 таси, жумладан 246 ғазал ҳазаж мусаммани солим вазида ёзилганлиги ҳам мисол бўла олади.

II. ИККИ ХИЛ РУКНЛАРДАН ТУЗИЛГАН БАҲРЛАР.

Аруз таркибидаги бир қатор баҳрлар икки хил рукнинг такрорланишидан юзага келади. Уларнинг бирикишлари тартиби икки хилдир. Икки хил рукнинг такрорланишидан ҳосил бўлган баҳрлар қуйидагилардан иборат:

1. ТАВИЙЛ. Фаувлун ва мафойилун рукларининг кетма-кет келиб такрорланиши натижасида тавийл баҳри ҳосил бўлади.

Мисол: Фаувлун /мафойилун
 Фаувлун /мафойилун

тарзида такрорланса, тавийли мураббаи солим вази,
 Фаувлун /мафойилун/ фаувлун
 Фаувлун /мафойилун/ фаувлун.—тарзида такрорланиб келса, тавийли мусаддаси солим вази ва
 Фаувлун /мафойилун/ фаувлун/ мафойилун
 Фаувлун /мафойилун/ фаувлун/мафойилун тарзида такрорланиб келса, тавийли мусаммани солим вази ҳосил бўлади.

Бу қонуниятлар аруз таркибидаги бошқа барча баҳрларга ҳам тўла тегишлидир. Бунинг далили учун қуйидаги баҳрни таҳлил қилиб кўрайлик.

Чи гўям, нигорино, ки бо ман чиҳо карди,
 Қарорам зи дил бурди, зи сабрам чудо карди.
 (МУХТАСАР, 83-бет)

Ушбу байт руклари, уларнинг белгилари, вази ва тақтиъ қонуниятлари талабига кўра қуйидагича шаклда бўлади:

Чи—гўя—м /ни—го—ри—но/ ки—бо—ман/ чи—ҳо—кар—ди,
 у — — /у — — —/ у — — /у — — —

Фа—ув—лун /ма—фо—ий—лун/ фа—ув—лун/ ма—фо—ий—
 лун

Қа—ро—рам /зи—дил—бур—ди/ зи—саб—рам/ чу—до—кар—
 —ди.

у — — /у — — —/ у — — /у — — —
 Фа—ув—лун /ма—фо—ий—лун/ фа—ув—лун/ ма—фо—ий—
 лун

Байтда фаувлун ва мафойилун руклари саккиз марта кетма-кет такрорланиб келишини тавийли мусаммани солим баҳридаги шеърлар деб аталади.

Тавийли мусаммани солим баҳридаги шеърга яна бир мисол:

Зиҳи нахли қаддингдин хижил сарви бўстон,
 Хат ичра лабингдин муфайл роҳи райҳони.
 (МУХТАСАР, 83-бет)

Зи—ҳи—нах /ли—қад—динг—дин/ хи—жил—сар/ ви—бўс—
 то—ни.

у — — /у — — —/ у — — /у — — —
 фа—ув—лун/ ма—фо—ий—лун/ фа—ув—лун/ ма—фо—ий—
 лун.

Ха—тич—ра /ла—бинг—дин—мун/ фа—ил—ро/ хи—рай—
 —ҳо—ни.

у — — /у — — —/ у — — /у — — —
 фа—ув—лун/ ма—фо—ий—лун/ фа—ув—лун/ ма—фо—ий—
 лун.

2. МАДИЙД. Фоилотун ва фоилун рукларининг навбатлашиб келиши натижасида ҳосил бўлган шеър баҳри мадийд вазили баҳр дейилади (— у — —/ — у — —). Мисол:

Неча тортай ҳажрдин сенсизин озормен,
 Келки ҳижронингда мен умрдин безормен.
 (МУХТАСАР, 83-бет.)

Ушбу байт рукнлари, уларнинг белгилари, вазнлари, тақтиъ қонуниятлари талабларига кўра қуйидагича шаклда бўлади:

Не—ча—тор—тай /ҳаж—р—дин/ сен—си—зи—но /зо—р—мен,

— у — — /— у — / — у — —/ — у —

фо—и—ло—тун /фо—и—лун/ фо—и—ло—тун /фо—и—лун
Кел—ки—ҳиж—ро /нинг—да—мен/ ум—р—дин—бе/ зо—р—мен.

— у — — /— у — / — у — —/ — у —

фо—и—ло—тун /фо—и—лун/ фо—и—ло—тун /фо—и—лун

Байтда фоилотун ва фоилун рукнлари саккиз марта кетма-кет такрорланиб келиши натижасида ҳосил бўлган шеърий баҳрни мадийди мусаммани солим баҳри деб аталади.

3. БАСИЙТ. Мустафъилун ва фоилун рукнларининг навбатма-навбат келиши натижасида ҳосил бўлган вазн баҳрини басийт баҳри дейилади /— — у — /— у —/. Масалан:

Эй бевафо, келмадинг, ҳаргиз менинг ёнима,
Ҳажринг нелар қилмади, бу тинмагур жонима.

(МУХТАСАР, 85-бет).

Мазкур байт рукнлари, уларнинг белгилари, вазн ва тақтиъ қонуниятлари талабларига кўра қуйидагича шаклга эгадир:

Эй—бе—ва—фо /кел—ма—динг/ ҳар—гиз—ме—нинг/ ё
ни—ма.

— — у — /— у — / — — у — /— у —

мус—тафъ—и—лун /фо—и—лун/ мус—тафъ—и—лун/ фо—и—лун

Ҳаж—ринг—не—лар /қил—ма—ди /бу—тин—ма—гур/ жо
ни—ма.

— — у — /— у — / — — у — /— у —

мус—тафъ—и—лун /фо—и—лун/ мус—тафъ—и—лун/ фо—и—лун

Ушбу байтда мустафъилун ва фоилун рукнларининг саккиз марта кетма-кет такрорланиб келиши натижасида басийти мусаммани солим деб аталувчи шеър баҳри ҳосил бўлади.

4. МУНСАРИҲ. Мустафъилун ва мафъувлоту рукнларининг такрорланишидан мунсариҳ баҳри ҳосил қилинади /— — у — /— — — у /.

Мисол: Сандек қани ҳусн аҳлида ҳам бевафо, ҳам бедард,
Мендек қани ишқ аҳлида меҳнатқашу гампарвард.
(МУХТАСАР, 86-бет)

Бу турдаги байтни рукнлари, уларнинг белгилари, вазни ва тақтиъ қонуниятларига кўра шакллантирадиган бўлсак, қуйидагича бўлади:

Сен—дек—қа—ни /ҳус—наҳ—ли—да/ ҳам—бе—ва—фо/
ҳам—бе—дар—д,

— — у — /— — у / — — у — /— — — у

мус—тафъ—и—лун /мафъ—ув—ло—ту/ мус—тафъ—и—лун/
мафъ—ув—ло—ту

Мен—дек—қа—ни /ишқ—аҳ—ли—да/ меҳ—нат—қа—шу/
гам—пар—вар—д

— — у — /— — у / — — у — /— — — у

мус—тафъ—и—лун /мафъ—ув—ло—ту/ мус—тафъ—и—лун/
мафъ—ув—ло—ту

Ушбу байтда мустафъилун ва мафъувлоту рукнларининг саккиз марта кетма-кет такрорланиб келиши натижасида арузнинг мунсариҳи мусаммани солим деб аталувчи баҳри ҳосил қилинган.

Энди мунсариҳи мусаддаси солимга бир мисол келтирайлик.

Эй фурқатинг маҳзунларга жон олғучи,
Ушшоқим кўрган чоғда ўт солғучи.

(НАВОИЙ)

Эй—фур—қа—тинг /маҳ—зун—лар—га/ жо—нол—ту—чи
— — у — /— — — у /— — у —

мус—тафъ—и—лун /мафъ—ув—ло—ту/ мус—тафъ—и—лун
Уш—шо—қ—ни /кўр—ган—чоғ—да/ ўт—сол—гу—чи.

— — у — /— — — у /— — у —

мус—тафъ—и—лун /мафъ—ув—ло—ту/ мус—тафъ—и—лун

5. ҲАЗАЖ. Мафойилун рукнининг кетма кет такрорланишидан ҳосил бўладиган шеър баҳри /у — — — / ҳазаж баҳри дейилади. Мисол:

Эннинг ойдуру, оразинг гул, сочинг сумбул,
Булар шавқидин ичармен тушу кун мул.

(НАВОИЙ)

Мазкур байт рукнлари, белгилари, вазилари ҳамда тақтиъ қонуниятларига кўра қуйидагича шаклда намоён бўлади:

Эн—гинг—ой—дур /о—ра—зинг—гул/ со—чинг—сун—бул.

у — — — /у — — — /у — — —

ма—фо—ий—лун /ма—фо—ий—лун/ ма—фо—ий—лун

Бу—лар—шав—қи /ди—ни—чар—мен/ ту—ну—кун—мул.

у — — — /у — — — /у — — —

ма—фо—ий—лун /ма—фо—ий—лун/ ма—фо—ий—лун

Байтда мафойлун рукни олти марта кетма-кет такрорланиши натижасида арузнинг ҳазажи мусаддаси солим деб аталувчи баҳри вужудга келган.

6. МУҚТАЗАВ. Мафъувлоту ва мустафъилун рукларининг кетма-кет такрорланиб келишидан ҳосил бўладиган шеърий баҳрга /— — — у/ — — у — / шундай ном берилган

Мисол:

Эй бемеҳр келгил бери, бу фурқатқа бир чора қил,

Ё йўқ эрса кўксумни ёр. бу кўнглумни овора қил.

(МУХТАСАР, 94-бет)

Руклари, белгилари, вази ҳамда тақтиъ қонуниятларига кўра бу байтнинг шакли қуйидагичадир:

Эй—бе—меҳ—р /кел—гил—бе—ри/ бу—фур—қат—қа/ бир—
чо—ра—қил,

— — — у/ — — у — / — — — у/ — — у —

мафъ—ув—ло—ту /мус—тафъ—и—лун/ мафъ—ув—ло—ту/
мус—тафъ—и—лун

Ё—йў—қэр—са/ кўн—сум—ни—ёр/ бу—кўн—лум—ни/ о—
во—ра—қил.

— — — у/ — — у — / — — — у/ — — у —

мафъ—ув—ло—ту /мус—тафъ—и—лун/ мафъ—ув—ло—ту/
мус—тафъ—и—лун

Мисолда мафъувлоту ва мустафъилун руклари саккиз марта кетма-кет такрорланиб келиши натижасида шеър баҳрининг муқтазаби мусаммани солим деб аталувчи баҳри ҳосил бўлган.

7. МУЖТАСС. Мустафъилун ва фоилотун рукларининг кетма-кет такрорланишидан мужтасс баҳри ҳосил бўлади.

/— — у — / — — у — / — / Мисол:

Ишқ аҳлиго гарчи доим кўп жаврдур, кўп жафодур,

Ҳусн аҳлига не қилайким, бемеҳру бевафодур.

(МУХТАСАР, 96-бет)

Руклари, белгилари, вази ва тақтиъ қонуниятларига кўра бу байт шундай шаклга эгадир:

Иш—қаҳ—ли—го /гар—чи—до—им/ кўп—жав—р—дур/кўп
— жа—фо—дур,

— — у — / — у — — / — — у — / — у — —

мус—тафъ—и—лун /фо—и—ло—тун/ мус—тафъ—и—лун/
фо—и—ло—тун

Ҳус—наҳ—ли—га/ не—қи—лай—ким/ бе—ме—ҳ—ру/ бе—
ва—фо—дур.

— — у — — у — — — — у — — у — —

мус—тафъ—и—лун /фо—и—ло—тун/ мус—тафъ—и—лун/
фо—и—ло—тун

Ана шу икки хил рукнинг саккиз марта кетма-кет такрорланиб келишидан ҳосил бўлган шеърий баҳр мужтасси мусаммани солим деб аталади.

8. ХАФИЙФ. Фоилотун ва мустафъилун рукларининг такрорланишидан хафийф баҳри /— у — — / — — у — / ҳосил бўлади. Бунга мисол:

Қайда эрдинг, эй маҳвашим, шарҳ қилгил.

Улгум эрди гар бир замон келмасанг бил.

(МУХТАСАР, 105-бет)

Бу байтнинг руклари, белгилари, вази ҳамда тақтиъ қонуниятларига кўра шундай шаклда кўзга ташланади:

Қай—да—эр—динг /эй—маҳ—ва—шим/ шар—ҳ—қил—гил,

— у — — / — — у — / — у — —

фо—и—ло—тун /мус—тафъ—и—лун/ фо—и—ло—тун

Ул—гум—мэр—ди /гар—бир—за—мон /кел—ма—санг—бил.

— у — — / — — у — / — у — —

фо—и—ло—тун /мус—тафъ—и—лун/ фо—и—ло—тун

Мисол тариқасида келтирилган бу байтда фоилотун ва мустафъилун руклари олти марта такрорланиб, шеър баҳрининг хафийфи мусаддаси солимини ҳосил қилган.

9. АРИЙЗ. Мафойлун ва фаувлун рукларининг кетма-кет такрорланувидан арийз баҳри /у — — — / у — — / ҳосил бўлади. Мисол:

Лабинг маржон, тишинг дур, хатинг райҳон, қадинг гул.

Сочинг анбар, юзунг ҳур, менгинг мўлтон, сўзунг мўл.

(МУХТАСАР, 84-бет).

Рукнлари, белгилари ҳамда вазн ва тақтиъ қонуниятларига кўра бу байт шундай шаклда кўзга ташланади:

Ла—бинг—мар—жон /ти—шинг—дур/ ха—тинг—рай—ҳон/
қа—динг—гул,
у — — — /у — — —/ у — — — / у — — —
ма—фо—ий—лун /фа—ув—лун/ ма—фо—ий—лун/ фа—ув—
—лун
Со—чинг—ан—бар /ю—зунг—хур/ мен—гинг—мўл—тон/
сў—зунг мул.
у — — — /у — — —/ у — — — / у — — —
ма—фо—ий—лун /фа—ув—лун/ ма—фо—ий—лун/фа—ув—
—лун

Ушбу мисолда кўзга ташланганидек, мафойилун ва фаувлун рукнлари саккиз марта такрорланиб келиши ҳосиласида арузнинг арийзи мусаммани солим баҳри яратилган.

10. АМИЙҚ. Фоилун ва фоилотун рукнларининг такрорланиб келишидан эса амийқ баҳри /— у — — / — у — — / ҳосил бўлади.

Кел бери, эй париким, ҳажридин хастадурмен,
Лаълинга ташнадурмен, зулфунга бастадурмен.
(МУХТАСАРА, 86-бет)

Рукнлари, белгилари, вазни ҳамда тақтиъ қонуниятларига кўра бу байт шундай шаклда кўзга ташланади:

Кел—бе—ри/ эй—па—ри—ким/ ҳаж—р—дин/хас—та—дур—
—мен,
— у — — /— у — — / — у — — / — у — —

фо—и—лун /фо—и—ло—тун/ фо—и—лун/ фо—и—ло—тун
Лаъ—лин—га /таш—на—дур—мен/ зул—фун—га/ бас—та—
—дур—мен.

— у — — /— у — — / — у — — / — у — —

фо—и—лун /фо—и—ло—тун/ фо—и—лун/ фо—и—ло—тун

Шеър тузилиши шаклидан кўзга ташланганидек, фоилун ва фоилотун рукнларининг саккиз марта кетма кет такрорланиб келиши натижасида амийқи мусаммани солим деб номланувчи шеър баҳри ҳосил бўлган.

III. Иккита бир хил ва битта бошқа хил рукнларнинг такрорланишидан тузилган баҳрларга қарийб, мушокил, жадийд (ёки ғариб), сарий баҳрлари киради. Қуйида ана шу баҳрлар устида мисоллар воситасида тўхталиб ўтамыз.

1. ҚАРИЙБ. Бу баҳрдаги шеър мафойилун, мафойилун, ҳамда фоилотун рукнларининг такроридан ташкил топади ва қарийб мусаддаси солим вазни деб юритилади /у — — — / у — — — / — у — — —/. Бунга мисол:
Ҷамолингдин қуёш асру бот утотлиғ,
Сочингга банда боғ ичра сумбул отлиғ.
(МУХТАСАРА, 103-бет)

Рукнлари, белгилари, вазн ҳамда тақтиъ қонуниятларига кўра бу байт шундай шаклда бўлади:

Жа—мо—линг—дин /қу—ё—шас—ру/ бо—тў—тот—лиғ,
у — — — /у — — — / — у — — —
ма—фо—ий—лун /ма—фо—ий—лун/ фо—и—ло—тун
Со—чин—га—бан /да—бо—гич—ра/ сум—бу—лог—лиғ.
у — — — /у — — — / — у — — —

ма—фо—ий—лун /ма—фо—ий—лун/ фо—и—ло—тун
Ушбу мисолда кўрганимиздек, мафойилун, мафойилун ва фоилотун рукнларининг олти марта кетма-кет келишидан ҳосил бўладиган шеър баҳри қарийби мусаддаси солим дейилади.

2. Бу баҳрдаги шеър, яъни МУШОКИЛ—фоилотун, мафойилун ва яна мафойилун рукнларининг навбатлашган ҳолда келишидан ташкил топади ва уларнинг олти марта такрорланиб келишидан мушокили мусаддаси солим баҳри ҳосил этилади.

Масалан: /— у — — / у — — — / у — — — /.
Неча сенсиз фироқингда фиғон айлай,
Нола бирла улус бағрини қон айлай.
(МУХТАСАРА, 107-бет),

Рукнлари, белгилари, вазн ва тақтиъ қонуниятларига кўра унинг шаклий кўриниши қуйидагича:

Не—ча—сен—сиз /фи—ро—қинг—да/ фи—ғо—най—лай,
— у — — /у — — — / у — — —
фо—и—ло—тун /ма—фо—ий—лун/ ма—фо—ий—лун
Но—ла—бир—ла /у—лус—бағ—ри/ ни—қо—най—лай.
— у — — /у — — — / у — — —

фо—и—ло—тун /ма—фо—ий—лун/ ма—фо—ий—лун
3. ЖАДИЙД (ҒАРИЙБ). Бу баҳрдаги шеър фоилотун, фоилотун, мустафъилун рукнларининг такрорланишидан ҳосил бўлади ва рукнларининг олти марта такрорланиши натижасида жадийди мусаддаси солим баҳри яратилади.

Масалан: Не балолиғ ҳажр эрурким, зор ўлмишам,
Келки ул кўз ҳажрида бемор ўлмишам
(МУХТАСАРА, 102-бет)

Жадийд баҳридаги ғазалдан олинган бу байт рукнлари, белгилари, вази ҳамда тақтиъ қонуниятларига кўра ушбу шаклда бўлади:

Не—ба—ло—лиғ /ҳаж—ре—рур—ким/ зо—рўл—ми—шам,
фо—и—ло—тун /фо—и—ло—тун/ мус—таф—и—лун

— у — — /— у — —/ — — у —

Кел—ки—ул—кўз /ҳаж—ри—да—бе/ мо—рўл—ми—шам.
фо—и—ло—тун /фо—и—ло—тун/ мус—таф—и—лун

— у — — /— у — —/ — — у —

Ушбу байт фоилотун, фоилотун, мустафъилун рукнларининг олти марта такрорланиб келганлиги туфайли шеър баҳри жадийди мусаддаси солим деб юритилади.

4. САРИЪ. Ушбу шеърий баҳр мустафъилун, мустафъилун мафъувлоту рукнларининг /— — у —/ — — у —/ — — у / шаклида такрорланиб келишидан ҳосил бўлади ва уларнинг шу тахлит олти марта такрорланиши сабабли ушбу баҳр жадийди мусаддаси солим баҳри деб аталади.

Худди шу баҳрдаги ғазалдан мисол тариқасида олинган ушбу:

Жонима юз дарду алам келтурдинг,
Кўнглума юз ранжу ситам келтурдинг.
(МУХТАСАР, 99-бет.)

байт рукнлари, белгилари, вази ҳамда тақтиъ қонуниятларига кўра қуйидагича шаклда бўлади:

Жо—ни—ма—юз /дар—ду—а—лам/ кел—тур—ду—нг,

— — у — /— — у —/ — — — у

мус—тафъ—и—лун /мус—тафъ—и—лун/ мафъ—ув—ло—ту
Кўнғ—лу—ма—юз /ран—жу—си—там/ кел—тур—ду—нг

— — у — /— — у —/ — — — у

мус—тафъ—и—лун /мус—тафъ—и—лун/ мафъ—ув—ло—ту

Шу тартибда рукнларнинг олти марта такрорланиб келишидан ҳосил бўлган шеър баҳрини сарийи мусаддаси солим баҳри дейилади.

ЗИҲОФЛАР. Кузатиб ўтганимиз саккиз рукн баҳрларда турли ўзгаришлар ҳосил қилган ҳолда ҳам қўлланилишини унутмаслик лозим. Бу ўзгаришлар арузшуносликда зиҳоф деб юритиладики, бу сўз арабчадан олинган бўлиб, ўзгарган, аслидан андак узоқлашган, четлашган деган маънони англатади. Бу ҳодиса аруз таркибининг энг мураккаб жиҳатларидан ҳисобланади. Зиҳоф асл рукнлардан тармоқ рукнларнинг келиб чиқишига асосланган. Бундай тармоқ рукнлар

ўзгаришларини уч гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Рукнлар таркибидаги ҳижоларнинг сон жиҳатидан ўзгариши—яъни ҳижоларнинг қисқартирилиши ёки ерттирилиши ҳодисаси.

2. Рукнлар таркибидаги ҳижоларнинг сифат жиҳатидангина ўзгариши—яъни ўта чўзиқ ҳижоларнинг чўзиқ ҳижога, чўзиқ ҳижонинг эса қисқа ҳижога айлантирилиши ҳодисаси.

3. Рукнлар таркибидаги ҳижоларнинг бир вақтнинг ўзида ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ўзгартирилиши ҳодисасидан иборат.

Аруз вази таркибининг асосини ташкил этувчи рукннинг турлича ўзгаришларга дуч келиши натижасида уларнинг ўзгарган ҳолдаги кўринишларидан ҳосил бўладиган турни фуруълар дейилади. Бу сўз арабча сўз бўлиб, шохобча, тармоқча деган маънони англатади. Ҳар бир асосий рукнда тармоқ рукнлар миқдори турлича ҳамда ранг-баранг кўринишга эгадир. Масалан, мафойилун рукнининг тармоқлари қуйидагича кўринишларда учрайди.

1. Ҳижоларнинг сон жиҳатидан ўзгариши натижасида ўз навбатида тўртта тармоқ рукнлари ҳосил бўлади:

1. Мафъувлун—мафойилун рукнининг ҳарм, яъни арабча маънодаги бўрнини кесиш зиҳофига учраб, биринчи қисқа ҳижонинг тушириб қолдирилиши натижасида ҳосил бўладиган зиҳофдир. Бунда мафойилун рукнининг биринчи ҳижоси «ма» туширилгач, қолган фойилун ҳижоси ўзига тенг мафъувлун рукни билан алмашинади ва кесик, яъни ахрам зиҳофи дейилади.

2. Фаувлун—ҳазф зиҳофидир. Бу сўз ҳам арабчадан олинган бўлиб ташлаш деган маънони билдиради. Бунда мафойилун рукнининг сўнгги ҳижоси «лун» тушириб қолдирилиб, «мафой» ҳижолар ўзига тенг бўлган «фаувлун» рукни билан алмаштирилади. Бундай ҳосила маҳзуф деб номланади.

3. Фаал—жабб зиҳофидир. Бу ҳам арабчадан олинган бўлиб бичиш деган маънони билдиради. Мазкур зиҳофга учраган рукн ўзининг кейинги икки ҳижосини қисқартиради. Масалан: мафойилун рукнининг «ийлун»-и туширилгач ҳосил бўлган «мафо» ўзига тенг бўлган «фаал» рукни билан алмаштириладики, бундай зиҳофни ажабб дейилади.

4. Фаъ—батар зиҳофидир. Бу ҳам арабча сўз бўлиб, илдиздан ағдариш деган маънони англатади. Бундай зиҳофга дуч келган рукн ўзининг аввалги ватади мажмуъ ва сабаби хафийфлари қисқартирилиши натижасида ҳосил бўлади.

Мисол: мафойилун рукнининг олдинги уч ҳижоси—«мафойй» қисқартирилишидан «лун» ҳижосигина қолади. У эса ўз навбатида ўзига тенг бўлган «фаъ» рукни билан алмаштирилади ва буни батар ёки абтар зиҳофи деб номланади.

II. Ҳижоларнинг сифат жиҳатидан ўзгаришлари натижасида ҳосил бўладиган рукнлар ҳам ўз навбатида учта тармоқдан иборат рукнларга бўлинадилар. Булар:

1. Мафойилун—қабз зиҳофи бўлиб, араб сўзидан олинган ва ушлаб қолиш, қабза қилиб олиш деган маънони билдиради. Қабз зиҳофига учраган рукн учинчи чўзиқ ҳижонинг «мафойилун»—нинг қисқа ҳижога —«мафоилун»—га айлан-тирилишидан ҳосил бўлади ва мақбуз деб юритилади.

2. Мафойилу—кафф зиҳофи бўлиб, бу арабларда «қайтариш» деган маънони билдиради. Бундай зиҳофга учраган рукн тўртинчи чўзиқ ҳижонинг қисқа ҳижога айлан-тирилишидан ҳосил бўлади ва макфуф зиҳофи дейилади.

3. Мафойилон—тасбиғ зиҳофи бўлиб, арабча тўлдириш деган маънони англатади ва бу зиҳофга учраган рукн охириги чўзиқ ҳижонинг ўта чўзиқ ҳижога айлан-тирилишидан ҳосил бўлади ва мусаббағ зиҳофи деб юритилади.

III. Ҳижоларнинг ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ўзгариши натижасида ҳосил бўладиган тармоқ рукнлар ҳам бор. Улар қуйидагича таърифланадилар.

1. Фоилун—шатар зиҳофидирки, арабча айбдор қилиш деган маънони билдиради ва зиҳофга учраган рукннинг биринчи ҳижоси туширилади ва айни вақтда, учинчи ҳижо қисқа ҳижога айлан-тириладики, мафойилундан қолган «фоилун» қисми аштар зиҳофи дейилади.

2. Фаувл—ҳамт зиҳофи бўлиб, арабча тишни синдириш деган маънони билдиради. Бу зиҳофга учраган рукндаги кейинги икки ҳижо туширилишидан ва, айни вақтда, иккинчи чўзиқ ҳижонинг ўта чўзиқ ҳижога айлан-тирилишидан ҳосил бўлади ва аҳтам зиҳофи деб юритилади.

3. Мафойилу—кафф зиҳофидир. Бу ҳам арабча қисқартириш, ташлаш деган маънони билдиради. Бу ҳижога дуч келган рукн охириги ҳижони туширади, яъни «мафойилун» дан «нун» /«н»/ ҳарфининг тушириб қолдирилиши натижасида «мафойилу» қолади ва буни мақсур ёки макфуф зиҳофи дейилади.

4. Мафъувлу—мафойилун рукнининг харб—яъни арабча сўздан олинган хароб қилиш, вайрон қилиш зиҳофига учраши натижасида биринчи ҳижонинг, яъни «ма» нинг тушириб

қолдирилиши ҳамда тўртинчи ҳижонинг қисқа ҳижога айлан-тирилишидан, ёхуд рукннинг охиридан «нун» /«н»/ ҳарфи туширилиши натижасида ҳосил бўлган «фойилу» рукни ўзига тенг мафъувлу рукни билан алмаштирилади ва буни ахраб зиҳофи дейилади.

5. Фоъ—мафойилун рукнининг залал, яъни арабча соннинг гўштсиз бўлиб қолиши деган маънони англатиб келувчи зиҳоф деб аталадики, рукннинг бунга учраши унинг биринчи учинчи ва тўртинчи ҳижоларининг туширилиши ва, айни вақтда, қолган иккинчи ҳижонинг эса ўта чўзиқ ҳижога айлан-тирилишига олиб келади ҳамда бундан азалл зиҳофи юзага келади.

Шундай қилиб, мафойилун, фаувлун ва бошқа баҳр турлари рукннинг юқоридаги каби зиҳофларига учраши натижасида унинг қуйидагидек фуруълари юзага келади:

1) Мафойилон /у — — —/ — мусаббағ.

2) Мафоилун /— — у—/ — мақбуз.

3) Мафойилу /у — — у/—мақфуф.

4) Мафойил /у — — —/ —мақсур.

5. Мафъувлун /— — — / — ахраб.

6. Мафъувлу /— — у/ — ахраб.

7. Фаувлун /у — —/ мақзуф.

8. Фоилун /— у —/— аштар.

9. Фаал /у — / — мажбуб.

10. Фаувл /у — — . / — аҳтам.

11. Фаъ /— / — абтар.

12. Фоъ /— — / — азалл.

Мафойилун рукнларининг тармоқлари шу рукннинг асосида қурилган ҳазаж баҳри вазнларида, шунингдек мафойилун рукни иштирокида тузиладиган музориъ баҳрининг вазнларида ҳам қўлланиши ҳоллари кўзга ташланади. Зеро, баҳр-аруз таркибининг асосий турларидан бўлиб, у кўплаб вазнларни ҳамда унинг тармоқларини ҳам ўз ичига олган.

Байтнинг вазнини аниқлашда кўпинча биринчи байт—матлаи вазнга мувофиқ тарзда ўқилади ва ҳар бир мисра рукнларга ажратилиб, уларнинг асли ва тармоқларидаги рукнларнинг мутаносиблиги оғзаки ва ёзма ҳолда шаклини чиқиш йўли билан ҳамда такрор ўқиш орқали аниқланади. Тармоқ рукн асл рукннинг қайси туридан ҳосил қилинганлиги

гани аниқлаб олингандан кейингина шеърнинг баҳри белги-ланади.

Шу билан бирга рукнларнинг миқдорига кўра мураббаъ, мусаддас, мусамман ва мустазод каби номланиб, улар қуйи-дагича жойлашади:

1. Ибтидоъ аруз,
Садр зарб.
2. Ибтидоъ ҳашв аруз,
Садр ҳашв зарб.
3. Ибтидоъ ҳашв ҳашв аруз,
Садр ҳашв ҳашв зарб.
4. Ибтидоъ ҳашв ҳашв ҳашв,
ҳашв аруз,
Садр ҳашв ҳашв ҳашв
ҳашв зарб.

Мисол тариқасида халқ оғзаки ижоди шеърятидан олинган бир байтга эътибор беринг:

Қизил гул гунчаси бўлсам,
Дадамнинг кенжаси бўлсам.

Бу ва бошқа байтларнинг вазнини аниқлаш учун уни ифодали ўқимоқ шартдир. Бунда аввало вази белгиланади, сўнгра:

Қи—зил—гул—гун /ча—си—бўл—сам,
у — — — /у — — —
Да—дам—нинг—кен / жа—си—бўл—сам,
у — — — /у — — —

тарзида ритмик рукнларга ажратилади, сўнгра рукн турлари аниқланади. Мазкур жараёндан маълум бўладики, биринчи, учинчи рукнлар ибтидоъ ва садр, иккинчи ва тўртинчи рукнлар эса мафойлунга тенг келадиган аруз ва зарбдир. «Фарҳод ва Ширин» достонидан олинган қуйидаги байтда янада бошқачароқ манзарани кўрамыз:

Недур аҳволинг, эй зори гарибим,
Висолим давлатидин бенасибим.

Ифодали ўқиш йўли билан байтдаги рукнларга эътибор берилса, унинг қандай /асл ёки тармоқ/ рукнлардан ҳосил бўлганлигини аниқлаш мумкин бўлади.

Не—ду—раҳ—во /лин—гэй—зор—ри/ ға—ри—бим,
у — — — /у — — —/ у — —

Ма—фо—ий—лун /ма—фо—ий—лун/ фа—ув—лун

Ви—со—лим—дав /ла—ти—дин—бе/ на—си—бим.
у — — — /у — — —/ у — —

ма—фо—ий—лун /ма—фо—ий—лун/ фа—ув—лун

Таркибий шаклдан кўриниб турибдики, биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи рукнлар мафойлунга, қолганлари эса фаувлунга тенгдир. Айни вақтда саккиз рукнли байтда ўзгача манзара кўзга ташланади.

Сайдинг қўя бер, сайёд, сайёра экан мендек,
Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек.

(ФУРҚАТ).

Байтни ифодали ўқиш орқали ҳамда қуйидагича ритмик бўлак-рукнларга ажратилади ва рукнларнинг турлари аниқланади:

1 2 3 4
Сай—динг—қў /я—бер—сай—ёд/ сай—ё—ра/ э—кан—мен—
дек,
5 6 7 8
Ол—до—ми /ни—бўй—ни—дин/ бе—чо—ра/ э—кан—мен—
—дек.

Натижада байтнинг биринчи ва бешинчи рукнлари ибтидоъ, ва садр тўртинчи ва саккизинчи рукнлари эса аруз ва зарб, қолганлари ҳашвлиги аён бўлади. Шунингдек, байтнинг биринчи, учинчи, олтинчи ва саккизинчи рукнлари мафъувлуга, иккинчи, тўртинчи, олтинчи ва саккизинчи рукнлари эса мафойлунга тенглиги ҳам маълум бўлди. Байт рукнларининг жадвали қуйидагича кўринишга эга бўлади:

1 2 3 4
Сай—динг—қў /я—бер—сай—ёд/ сай—ё—ра/ э—кан—мен—
дек,
— — у /у — — —/ — — у/ у — — —
мафъ—ув—лу /ма—фо—ий—лун/ мафъ—ув—лу/ ма—фо—
ий—лун
5 6 7 8
Ол—до—ми /ни—бўй—ни—дин/ бе—чо—ра/ э—кан—мен—
дек,
— — у /у — — —/ — — у/ у — — —
мафъ—ув—лу /ма—фо—ий—лун/ мафъ—ув—лу/ ма—фо—
ий—лун

Шаклий жадвалдан маълум бўлдики, биринчи, учинчи, бешинчи ва еттинчи руклар мафойилун рукиннинг ахраб тармоқ рукига— мафъувлуга тенг экан. Шундай экан, мазкур байтнинг вазни ҳазажи мусаммани ахраб саналади. Байт таркибига кирадиган мисраларнинг бошидаги рукилар ибтидоъ ва садр, биринчи мисра охиридаги руки аруз, иккинчи мисранинг охиридаги руки зарб, мисралар уртасидаги рукилар хашв руки дейилади.

Байтларда, шунингдек, ҳазаж баҳри мафойилун рукига асосланиб, шу асл руки ва унинг тармоқлари /фуруълари/ вазнларини аниқлаш имконини ҳам беради.

Шеърятимизда ҳазаж баҳрининг мураббаъ, мусаддас, мусамман ва мустазод вазилари қўлланилади. Шуларга бир неча мисоллар келтирамыз:

1. Ҳазажи мураббаи солим вазнидаги байтда мафойилун тўрт марта такрорланади. Бунга мисол:

Қизил гул гулчаси бўлсам,
Дадамнинг кенжаси бўлсам.

(Ўзбек халқ қўшиқларидан).

Қўшиқ байтининг баҳрга кўра шакли шундай кўринишга эга бўлади:

Қи—зил—гул—гун/ ча—си—бўл—сам,
у — — — /у — — —

ма—фо—ий—лун /ма—фо—ий—лун

Да—дам—нинг—кен /жа—си—бўл—сам.

у — — — /у — — —

ма—фо—ий—лун /ма—фо—ий—лун

2. Ҳазажи мураббаи аштар вазнидаги байтлар мафойилун ва фойилун рукилари икки мартадан иштирок этиши йўли билан ҳосил бўлади. Мисол,

Герой ёрим кўзлари,
Фонардан равшан ёнар.

(Ўзбек халқ қўшиқларидан).

Бу байтни рукиларга ажратиб кўрсак, шундай манзарани кўрамыз:

Ге—ро—ё—рим /кўз—ла—ри,
у — — — /у — — —

ма—фо—ий—лун /фо—и—лун

Фо—нар—дан—рав/ шан—ё—нар.

у — — — /у — — —

ма—фо—ий—лун/ фо—и—лун

3. Ҳазажи мусаддаси солими маҳзүф вазнида мафойилуннинг фаувлун тармоқ руки ҳам иштирок этади:

Чиқиб кенг пахта майдонларни кўрдим,
Адирда яшнаган донларни кўрдим.

(ҲАБИБИЙ).

Мазкур байтни рукиларга ажратиб, шаклий жадвалини тузсак, шундай кўринишга эга бўлади:

Чи—қиб—кенг—пах/ та—май—дон—лар/ ни—кўр—дим,
у — — — /у — — — /у — — —

ма—фо—ий—лун /ма—фо—ий—лун/ фа—ув—лун

А—дир—да—яш /на—ган—дон—лар/ ни—кўр—дим.

у — — — /у — — — /у — — —

ма—фо—ий—лун /ма—фо—ий—лун/ фа—ув—лун

4. Ҳазажи мусаддаси солими мақсур вазнидаги байтда олти рукидан иккитаси—мисралар охиридаги аруз ва зарб рукилари мафойилун рукиннинг мақсур кўринишида, яъни мафойил шаклида бўлади. Шунга мисол:

Қилур пайконларинг кўнглум ўтин тез,
Агарчи қатра бўлса шуъла ангез.

(НАВОИЙ).

Байтда шундай таркибий манзарани кузатиш мумкин:

Қи—лур—пай—кон /ла—ринг—кўнг—лум/ ў—тин—тез.

у — — — /у — — — /у — — —

ма—фо—ий—лун /ма—фо—ий—лун/ ма—фо—ийл

А—гар—чи—қат /ра—бўл—са—шуъ/ ла—ан—гез.

у — — — /у — — — /у — — —

ма—фо—ий—лун /ма—фо—ий—лун/ ма—фо—ийл

5. Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзүф вазнида мафойилуннинг қуйидагича тармоқ рукилари ҳам иштирок этганлигини кўриш мумкин:

Ҳар дам менга юз жазо қилурсан.

Минг дардга мубтало қилурсан.

(ОГАҲИЙ).

Ҳар—дам—мен /га—юз—жа—фо/ қи—лур—сан,
— — у/у — у — /у — —

мафъ—ув—лу /ма—фо—ий—лун/ фа—ув—лун

Минг—дар—д /га—муб—та—ло/ қи—лур—сан
— — у/у — у — /у — —

мафъ—ув—лу /ма—фо—ий—лун/ фа—ув—лун

6. Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақсур вазнида эса янада бошқача манзара кўзга ташланади:

Тушгил бу жаҳонни, эй дилафгор,

Бир дилбари шўҳи ноз кирдор.

(ОГАҲИЙ).

1 2 3
Туш—гил—бу /жа—ҳон—ни—эй/ ди—лаф—гор,
— — у /у — у — /у — —

мафъ—ув—лу /ма—фо—и—лун/ ма—фо—ийл
4 5 6

Бир—дил—ба /ри—шў—ҳи—но/ з—кир—дор.
— — у /у — у — /у — —

мафъ—ув—лу /ма—фо—и—лун/ ма—фо—ийл

7. Ҳазажи мусаммани солими мусаббағ вазнидаги байтда аруз ва зарб руқилари мафойлуннинг мусаббағ тармоқ руқилга тенглиги кўзга ташланади:

Қизил ёхуд қаро ё кўк тўнунг ҳар бир эрур мавзун,
Нечунким ой либоси ҳам шафақ, ҳам кеча, ҳам гардун.
(НАВОИЙ).

1 2 3
Қи—зил—ё—худ /қа—ро—ё—кўк/ тў—нунг—ҳар—бир/
4

э—рур—мав—зун,
у — — — /у — — — / у — — — / у — — — —

ма—фо—ий—лун/ ма—фо—ий—лун/ ма—фо—ий—лун/
ма—фо—ий—лон

5 6 7
Не—чук—ким—ой /ли—бо—си—ҳам/ ша—фақ—ҳам—ке/
8

ча—ҳам—гар—дун.
у — — — /у — — — / у — — — / у — — — —

8. Ҳазажи мусаммани ахраби солим вазнидаги байтнинг биринчи, учинчи, бешинчи ва еттинчи руқилари мафъувли

шаклида бўлиб, унинг қуйидагича шакллари ҳам учрайди:

Ул дилбари раънога ман ёр бўлай дерман,
Май берса манго андин бир қатра тотай дерман.
(МАШРАБ).

1 2 3
Ул—дил—ба /ри—раъ—но—га/ ман—ё—ри
4

бў—лай—дер—ман,
— — у/у — — — /у — у/у — — —

мафъ—ув—лу /ма—фо—ий—лун/ мафъ—ув—лу/
ма—фо—ий—лун

Май—бер—са /ман—го—ан—дин/ бир—қат—ра/
то—тай—дер—ман.

— — у /у — — — / — — у/ у — — —

мафъ—ув—лу /ма—фо—ий—лун/ мафъ—ув—лу/
ма—фо—ий—лун

9. Ҳазажи мусаммани аштари солим вазнидаги байтнинг биринчи, учинчи, бешинчи ва еттинчи руқилари фоилунга тенг бўлиб, у қуйидаги кўринишга эгадир:

Келди очилур чоғи, ўзлигинг намоён қил,
Парчалаб кишанларни ҳар томон паришон қил,

(ҲАМЗА).

Кел—ди—о /чи—лур—чо—ғи/ ўз—ли—гинг/
на—мо—ён—қил,
— у — /у — — — / — у — /у — — —

фо—и—лун /ма—фо—ий—лун/ фо—и—лун/ма—фо—ий—лун

Пар—ча—лаб /ки—шан—лар—ни/ ҳар—то—мон/
па—ри—шон—қил.
— у — /у — — — / — у — /у — — —

фо—и—лун /ма—фо—ий—лун/ фо—и—лун/ма—фо—ий—лун

10. Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнидаги байтнинг биринчи ва бешинчи руқилари мафъувлунга, тўртинчи ва саккизинчи руқилари эса фаувлунга тенг бўлиб, унинг шакл кўриниши қуйидагича:

Ул шайхки, минбар уза афсунга берур тул,
Шайтондур ўзи, мажлисининг аҳли сурук гул.
(НАВОИЙ).

Ул—шай—х /ки—мин—бар—у/ за—аф—сун—га/
 мафъ—ув—лу /ма—фо—ий—лу/ ма—фо—ий—лу
 — — у /у — — у/ у — — у/ у — —
 Шай—тон—ду /рӯ—зи—маж—ли/ си—нинг—аҳ—ли/
 мафъ—ув—лу /ма—фо—ий—лу/ ма—фо—ий—лу
 — — у /у — — у/ у — — у/ у — —

II. Ҳазажи ахраби макфуфи маҳзуфи мустазодда биринчи, бешинчи, етттинчи ва ўн биринчи рукнлар мафъувлуга, иккинчи, учинчи, саккизинчи ва тўққизинчи рукнлар мафойилуга, тўрттинчи, олтинчи ва ўн иккинчи рукнлар эса фаувлунга тенг бўлиб, унинг белгилари шундай кўринишга эгадир:

Ишқинг ўтидин ўртанадур жони низорим,
 ул навъики машъал,
 Хокистар ўлуб елга борур гарди ғуборим,
 жисмим бўлубон ҳал. (МУНИС).
 Иш—қин—гӯ /ти—ди—нӯр—та/ на—дур—жо—ни/
 ни—зо—рим,
 мафъ—ув—лу /ма—фо—ий—лу/ ма—фо—ий—лу/
 фа—ув—лун
 ул—навъ—и /ки—машъ—ал,
 мафъ—ув—лу/ фа—ув—лун
 Хо—қис—та /рӯ—лу—бел—га/ бо—рур—гар—ди/
 ғу—бо—рим,
 мафъ—ув—лу /ма—фо—ий—лу/ ма—фо—ий—лу/
 фа—ув—лун
 жис—мим—бӯ/ лу—бон—ҳал.
 мафъ—ув—лу/ фа—ув—лун

Мавзу бўйича топшириқлар:

1. Ҳазажи мураббаи макфифи макзуф вазнидаги байтда мафойилу фаувлун рукиларининг иштирокини кузатинг ва уларнинг белгиларига эътибор беринг:

Қадинг сарви равондур,
 Кўзунг офати жондур.
 (МУХТАСАРА, 53-бет)

2. Ҳазажи мураббаи мақбуз вазнидаги мазкур байтда мафоилун тармоқ рукининг иштирокини кузатинг ва унинг белгиларига эътибор беринг:

Бери кел, эй кўзи қаро,
 Тараххум эт фироқ аро.
 (МУХТАСАРА, 53-бет)

3. Ҳазажи мураббаи мақбузи маҳзуф вазнидаги байтда мафоилун, фаувлун тармоқ рукиларининг иштирокини кузатинг ва уларнинг белгиларини диққат билан кузатинг:

Кўзумдадур жамоли,
 Кўнглумдадур хаёли.
 (МУХТАСАРА, 53-бет)

4. Ҳазажи мураббаи ахраби солим вазнидаги байтда мафъувлу, мафойилун каби тармоқ, солим рукиларининг иштирокини кузатинг ва уларнинг белгиларини аниқланг:

Он ғунчаи хандон ку,
 Он шўҳи сухандон ку.
 (МУХТАСАРА, 53-бет)

5. Ҳазажи мусаддаси мақбузи мақсур вазнидаги байтда мафоилун мафойил тармоқларига хос рукилар иштирокини кузатинг ва уларнинг белгиларини аниқланг:

Қани сенга менинг каби вафодор,
 Қани менга сенинг каби жафокор.
 (МУХТАСАРА, 50-бет)

6. Ҳазажи мусаддаси ахраби макфуфи солим вазнидаги байтда мафъувлу, мафойилун каби тармоқ солим рукиларининг иштирокини кузатинг ва уларнинг белгиларини аниқланг:

Аз лаъли ту як бўса талаб кардам,
 Аз чашми ту сад тиғи бало хурдам.
 (МУХТАСАРА, 51-бет)

7. Ҳазажи мусаммани мақбузи маҳзуф вазнидаги байтда мафоилун, фаувлун тармоқ рукиларининг иштирокини кузатинг ва уларнинг белгиларини аниқланг:

Вафони кам билурсан, сенинг бирла кетай мен,
 Жафони кўп қилурсан, бошим олиб кетай мен.
 (МУХТАСАРА, 45-бет)

8. Ҳазажи мусаммани мақбузи солим вазнидаги байтда мафойлун, мафойилун тармоқ, солим рукнларининг иштирокини кузатинг ва унинг белгиларини аниқланг:

Кел эй рафиқи гулчеҳра, келгур раҳиқи гулранг,
Ўзунг ичиб, менга қуй, кутар наво тузуб чанг.

(МУХТАСАРА, 45-бет.)

9. Ҳазажи мусаммани макфуфи ахрам вазнидаги байтда мафойилу, мафъувлун тармоқ рукнларининг иштирокини кузатинг ва уларнинг белгиларини аниқланг:

Қани сенча дилдоре, қани менча дилдода,
Қани сен каби саркаш, қани мендек афтода.

(МУХТАСАРА, 46-бет)

10. Ҳазажи мусаммани макфуфи мақзуф вазнидаги байтда мафойилу, фаувлун, тармоқ рукнларининг иштирокини кузатинг ва уларнинг рукнларини аниқланг:

Ба руҳ моҳи тамоми, ба қад сарви равони
Ба лаб роҳати руҳи, ба чашм офати ҷони.

(МУХТАСАРА, 46-бет)

Арузшунос олимлар тузган доиралар ўхшаш баҳрлар гуруҳидан иборат бўлиб, улар бир-бирига яқинлик ва умумийлик хусусиятига эгадир. Бу тоифадаги доиралар Навоийга ча бешта бўлиб, қуйидагича номланганлар: муъталифа, мухталифа, мунтазиа, муттафиқа, муштабиҳа доиралари.

Аруз илмининг билимдонларидан Навоий ва Бобур ХУ аср адабий ҳаётида мавжуд бўлган, анъанавий истеъмолда бўлган, лекин унутилган ҳамда мухтараъ этилган, яъни янги ихтироъ қилинган доираларни тушунтириш билан бирга, бу борада ўзлари ҳам иккитадан доирани кашф этиб, уни янада бойитдилар. Бу борада Алишер Навоий томонидан кашф қилинган доираи мужтама /яъни жамланувчи, йиғинди доира/, «доираи мухталифа» /ихтилоfli деган маънода/ каби доиралар ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур «доираи мужталибаи музоҳафа», «мужталибаи мухтараа» каби доираларни кашф қилишиб, аруз таркибидаги доиралар миқдорини тўққизтага етказдилар. Ушбу доиралар «Мухтасар»да қуйидагича тартибда келтирилади: 1. Муттафиқа. 2. Мужталиба. 3. Мужталибаи музоҳафа. 4. Мужталибаи мухтараа. 5. Муъталифа. 6. Мухталифа. 7. Мужтабиҳа. 8. Мунтазиа. 9. Мужтабиҳаи солим.

Ўз навбатида, доиралар ушбу баҳрлардан иборатдир:

1. Доираи муттафиқа мутақориб ва мутадорик баҳрларидан;
2. Доираи мужталиба ражаз, рамал, ҳалаж баҳрларидан;
3. Доираи мужталибаи музоҳафа рамал, ҳазаж ва ражаз баҳрларидан;
4. Доираи мужталибаи мухтараа ҳазаж, рамал баҳрларидан;
5. Доираи муъталифа вофир, комил баҳрларидан;
6. Доираи мухталифа тавийл, мадийд, арийз, басийт, амийқ баҳрларидан;
7. Доираи мужтабиҳа мунсарих, музориъ, муқтазаб ва мужтасе баҳрларидан.
8. Доираи мунтазиа саръ, жадийд, хафийф, мушокил баҳрларидан;
9. Доираи мужтабиҳаи солим жадийд, қарийб, мунсарих, хафийф баҳрларидан иборатдир.

Бир ўзакли баҳрлар учун байт ёки мисрадаги бўлақлар турли жойлардан бошлаб ўқилса, бу ўзак атрофида уюшган баҳрлар ташкил топаверади. Мисол тариқасида қуйидаги мисрани таҳлил қилиб кўрайлик.

Юзи рашки хуршиди анвар бўлубтур.

Бу мисра рукнлари ва уларнинг белгилари шундай;

Ю—зи—раш ки—хур—ши ди—ан—вар бў—луб—тур.
у — — у — — у — — у — —

фаувлун фаувлун фаувлун фаувлун

Мазкур шаклий белгиларга кўра бу мисра мутақориб баҳрида ёзилганлигини кўрдик. Агар шу мисрани «рашки» сўзидан бошлаб ўқисак, шундай манзара ҳосил бўлади;

Рашки хуршиди анвар бўлубтур юзи.

Бу мисра рукнлари ва уларнинг белгилари шундай кўринишга эга;

Раш—ки—хур ши—ди—ан вар—бў—луб тур—ю—зи.

— у — — у — — у — — у —

фоилун фоилун фоилун фоилун

Бундай шакл белгиларига кўра мисранинг мутадорик баҳрида ёзилганлиги маълум бўлади.

Ана шу келтирилган мисоллардан айна вақтда мутақориб ва мутадорик баҳрларининг ўзакдошлари «доираи муттафиқа»да акс этганлигини ҳам кўриш мумкин. Бошқача қилиб гапириладиган бўлса, бир баҳр доираси қайси сўз билан бошланса, навбатдаги баҳр худди шундай сўз билан тугайди. Бу қонуниятлар бошқа доиралардаги баҳрларга ҳам тааллуқли бўлиб, уларни тавсия этилган иловаларда ҳам кўриш мумкин.

ТАҚТИЪ ВА УНИНГ ҚОИДАЛАРИ

Аруз таркибида битилган асар баҳрларининг фақат тақтиълар ёрдамидагина аниқлаш мумкин. Байт ёки мисра таркибидаги сўз ўзақлари ва негизларини, асл ёки тармоқ рукнларига бўлишда тақтиъ қоидалари ғоят қўл келади. Шунга кўра тақтиъ байт ва бир мисра таҳлили бўлиб, шеърнинг бир-бирига тенг, мутаносиб бўлақларга ажратилиши ҳамдир,

Тақтиъ арабча сўз бўлиб, бўлақларга ва қисмларга бўлиш демакдир. Унинг асосий қоидаси сўз ўзақлари ва негизларининг ёзилишига қараб эмас, балки талаффуз қилинишига қараб ва вазн талаблари асосида қисмларга ажратишдан иборатдир. Бу каби ҳолатларни араб ёзувида ва ўзбек тилининг Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур давридаги имло билан таниш бўлган китобхоннинг тушуниши қийин эмас.

Тақтиъ ҳақидаги маълумотлардан хабардор бўлиш учун унинг қоидаларини яхши билиш, албатта, зарур. Бу қоидалар шулардан иборат;

1. Байт ёки бир мисрадаги сўз ўзақлари ва негизларини асл ёки тармоқ рукнларга мослаб тақсимлаш.

2. Бу иш жараёнида сўз ўзақлари ва негизларининг ёзилишида эмас, балки вазн талабига кўра уларнинг талаффузи, ҳарфлар хусусияти ҳамда ўқилишига асосий эътибор берилади. Масалан, фарёд ёзилган бўлса ҳам, яъни қисқа ҳижо бир ҳарфдан иборат бўлса-да, вазн талабига кўра унга касра ёки замма /қисқа «и» ёки «у»/ қўшиб ўқилади. Мисол; фар—ё—ди, маъ—ю—си, фирдавс—фир—дав—си, бозор—бо—зо—ри, ғариб —ға—ри—би, шох —шо—хи, ақл—ақ—ли, илм—ил—ми, халқ—хал—қи, хал—қу, шод—шо—ди, зор—зо—ри, дод—до—ди, до—ду, ёд—ё—ди—ёду, меҳр—меҳ—ри, меҳ—ру, шодмон—шо—ди—мон тарзида талаффуз этиш талаб қилинади. Қисқа қилиб гапирганда, аруз илмининг қонуниятларини ва тақтиъ қоидаларини ёд билмоқ ҳамда қуйидаги талабларга, албатта, амал қилиш лозим;

1. Байт ёки бир мисра шеър ифодали ўқиш йўли билан ибтидоъ, ҳашв, аруз ва садр, ҳашв, зарбларининг қандай рукнлардан иборатлиги аниқланади.

2. Байт таркибидаги рукнларнинг солим ёки зиҳоф-тармоқлиги ва уларнинг белгилари кўрсатилади.

3. Ахрам ва ахраб гуруҳидаги рубойлар ҳам биринчи ва иккинчи талабларга кўра таҳлил қилинади.

4. Баҳрнинг мураббаъ, мусаддас, мусамман ва мустазод баҳрларига мансублиги кўздан кечирилади.

Ана шу қондалар ҳамда талаблар чуқур ўзлаштириб олингандан кейингина ҳар бир китобхон аруз таркибидаги ҳар бир шеър вазнини тўғри аниқлай олиш иқтидорини эгаллаган ҳисобланади.

РУБОИЙ ВАЗНЛАРИ

Шеърятимиздаги анъанавий жанрлардан бири рубойдир. Рубойлар ҳам ҳазаж баҳрида ёзилса-да, бир оз вазнлари мураккаброқдир. Уларда асл ва тармоқ рукилар иштирок этади. Бундан ташқари, рубойларда биринчи, тўртинчи мисралар баъзан бир хил вазнда, учинчи мисра эса бошқача вазнда, шунингдек тўртта мисранинг ҳар бири алоҳида алоҳида вазнда ёзилиши ва бошқа кўринишларда ҳам учраб қўйидаги асл ва тармоқ рукиларидан ташкил топади;

- | | |
|--------------|----------|
| 1. Мафойилун | — солим |
| у — — — | |
| 2. Мафъувлун | — ахрам |
| — — — — | |
| 3. Мафъувлу | — ахраб |
| — — у | |
| 4. Мафойилу | макфуф |
| у — — у | |
| 5. Мафоилун | — мақбуз |
| у — у — | |
| 6. Фоилун | — аштар |
| — у — | |
| 7. Фаувл | — аҳтам |
| у — — | |
| 8. Фаал | — ажабб |
| у — | |
| 9. Фоъ | — азалл |
| — — | |
| 10. Фаъ | — абтар |
| — | |

Шарқ адабиётида ўзига хос рубойлар тўрт мисрадангина иборат булиб, уларда иштирок этувчи асл ва тармоқ рукиларнинг таърифига кўра ахрам ҳамда ахраб тоифала-

рига бўлинади. Уларнинг таърифи-хусусиятлари шундаки, ахрам тоифасидаги рубойлар фақат ҳазаж баҳрининг тармоқ руки бўлмиш мафъувлундан, ахраб тоифасидаги рубойлар эса мафъувлундан бошланади.

Бироқ, шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқ жоиздирки, энг яхши рубойларда фалсафий ва ахлоқий фикрлар, ҳикматли сўзлар гоёт қиёмга етказилган бўлади. Биринчи мисрада шоирнинг ўқувчига айтмоқчи бўлган фикри ўртага ташланади, иккинчи мисрада биринчи мисрадаги фикрга нисбатан қарама-қарши фикр изҳор қилинади, учинчи мисра шоирнинг тўртинчи мисрада билдирмоқчи бўлган хулосасига воситачи кўприк вазифасини адо этади ва тўртинчи мисра аввалги мисраларнинг якуний хулосаси—шоирнинг асосий мақсади, гоёси аксин топади.

АХРАМ ГУРУҲИДАГИ ВАЗНЛАРНИНГ РУКИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БЕЛГИЛАРИ

- | | | | |
|---------------|-----------|-----------|---------|
| 1. Мафъулун | мафъувлу | мафойилун | фаъ |
| — — — — | — — — — | у у — — | — — |
| 2. Мафъувлун | мафъувлу | мафойилун | фоъ |
| — — — — | у у — — | — — — — | |
| 3. Мафъувлун | мафъувлу | мафойилу | фавл |
| — — — — | — — — — | у у — — | у у — — |
| 4. Мафъувлун | мафъувлу | мафойилу | фаувл |
| — — — — | — у у — — | у у — — | |
| 5. Мафъувлун | мафъувлун | мафъувлун | фаъ |
| — — — — | — — — — | — — — — | |
| 6. Мафъувлун | мафувлун | мафъувлун | фоъ |
| — — — — | — — — — | — — — — | |
| 7. Мафъувлун | мафъувлун | мафъувлу | фаал |
| — — — — | — — — — | — — — — | у у — — |
| 8. Мафъувлун | мафъувлун | мафъувлу | фаувл |
| — — — — | — — — — | — — — — | у у — — |
| 9. Мафъувлун | фоилун | мафойилун | фаъ |
| — — — — | — — — — | у у — — | — — — — |
| 10. Мафъувлун | фоилун | мафойилун | фоъ |
| — — — — | — у — — | у — — — | — — — — |
| 11. Мафъувлун | фоилун | мафойилу | фаал |
| — — — — | — — — — | у — — — | у у — — |
| 12. Мафъувлун | фоилун | мафойилу | фаувл |
| — — — — | — у — — | у — — — | у — — — |

Бундан кўринадики, мазкур гуруҳдаги рубойларда ҳар бир мисра бошида келган рукнлар мафъувлун, иккинчи рукнлар мафъувлу, мафъувлу, мафъувлун, учинчи рукнлар мафойилун, мафойилу, мафъувлун, мафъувлу, мафойилу, тўртинчи рукнлар эса фаъ, фоъ, фаал, фаул (фаъ, фоъ, фаал, фаул, фаъ, фоъ, фаал, фаул) ҳам бўлиши мумкин. Энди ана шу рукнларнинг баъзиларини ушбу шеърий мисоллар воситасида текшириб кўрайлик;

1. Мехоҳам то резам, эй турфа нисор,
 Ҳар соат дар пой ту чоң баҳри нисор.
 Кай борам бе лаълат аз дийда гуҳор,
 Гар бошад лаҳзае маро пеши ту бор.
 (МУХТАСАР, 57-бет.)

Ме—хо—ҳам то—ре—зам эй—тур—фо ни—гор,
 — — — — — — у у — —
 мафъ—ув—лун мафъ—ув—лун мафъ—ув—лу фаул

Ҳар—со—ат дар—по—йи ту—чоң баҳ—ри ни—сор.
 — — — — — у у — — у у — —

мафъ—ув—лун мафъ—ув—лу ма—фо—ий—лу фаул

Кай—бо—рам бе—лаъ—лат аз дий—да гу—ҳор,
 — — — — — у у — —

мафъ—ув—лун мафъ—ув—лун мафъ—ув—лу фаул

Гар—бо—шад лаҳ—за—е ма—ро—пе—ши ту—бор.
 — — — — у — у — — у у — —

мафъ—ув—лун фо—и—лун ма—фо—ий—лу фаул

Бу рубойнинг биринчи ва учинчи мисралари ҳазажи мусаммани ахрами ахраби аҳтам, иккинчи мисраси ҳазажи мусаммани ахрами ахраби макфуфи аҳтам, тўртинчи мисраси эса ҳазажи мусаммани аштари макфуфи аҳтам вазнларида битилганлигини аниқлаш имконига эга бўлди.

2. Эй маҳваш ўтгай бу саркашлик ҳам,

Раҳм айлаб бу қулга жафони қил кам.

То Тангри асрагай халойиққа сени,

Айлармен юз дуо сенинг сори дам.

(МУХТАСАР, 59-бет)

Эй—маҳ—ваш ўт—гай—бу сар—каш—лик ҳам,

— — — — — у — — — — —
 мафъ—ув—лун мафъ—ув—лу мафъ—ув—лун фаъ

Раҳ—май—лаб бу—қул—га жа—фо—ни—қил кам

— — — — — у у — — — — —
 мафъ—ув—лун мафъ—ув—лу ма—фо—ий—лун фаъ

То—танг—ри ас—ра—гай ха—ло—йиқ—қа се—ни

— — — — у — у — — у у — —
 мафъ—ув—лун фо—и—лун ма—фо—ий—лу фаал

Ай—лар—мен юз—ду—о се—нинг—со—ри дам

— — — — у — у — — у — —
 мафъ—ув—лун фо—и—лун ма—фо—ий—лу фаъ

Бу рубойнинг биринчи мисраси ҳазажи мусаммани ахраби абтар, иккинчи мисраси ҳазажи мусаммани ахрами ахраби солими абтар, учинчи мисра ва тўртинчи мисраси эса ҳазажи мусаммани ахрами аштари макфуфи абтар вазнларида ёзилганлиги маълум бўлади. Буни синф дарс тахтасига ёки жадвалига ёзиб кўрсатилади.

Ахрам гуруҳига кирувчи ушбу рубойларни ҳамда уларнинг белгиларини текширишни машқ қилиб кўринг;

1. Дар гулшан ашкафшон мегаштам жўш,
 Аз гул омад бўйи ту рафтам аз хуш.
 Чун гуфтам бо гул зи чамолат сухане,
 Мурғон карданд сўйи ман як-як гуш.
 (МУХТАСАР, 57—58-бетлар)

2. Гоҳе дорад зулфат дарҳам маро,
 Гоҳе бахшад лаъли ту марҳам маро.
 Ман дониستم чу руст хат кард рухат,
 Н-охир сўзад рухи ту аз ғам моро.
 (МУХТАСАР, 58-бет)

3. Эй сенсиз умрумдин осойиш йўқ,
 Қўз истарким, кўрса жамолингни тўқ,
 Келгилким бир қатла узорингни кўрай,
 Қим ҳажринг кўп урди бу кўксумга ўқ.
 (МУХТАСАР, 59-бет)

4. Эй сандин ўлуб бағрим ҳам кўксум доғ,
Кўнглум ўту ул ўтга тўкуб ашким, ёғ.
Тан ўлса гаминг ичра жонингга фидо,
Жон куйса муҳаббатингда сен бўлгил соғ.
(МУХТАСАР, 60-бет)

АХРАБ ГУРУҲИДАГИ ВАЗНЛАРНИНГ РУКНЛАРИ ВА
УЛАРНИНГ БЕЛГИЛАРИ

1. Мафъувлу мафойилу мафойилун фаъ
— — у у — — у у — — — —
2. Мафъувлу мафойилу мафойилун фоъ
— — у у — — у у — — у — —
3. Мафъувлу мафойилу мафойилу фаал
— — у у — — у у — — у у —
4. Мафъувлу мафойилу мафойилу фаувл
— — у у — — у у — — у у — —
5. Мафъувлу мафойилун мафъувлун фаъ
— — у у — — — — — — — —
6. Мафъувлу мафойилун мафъувлун фоъ
— — у у — — — — — — — —
7. Мафъувлу мафойилун мафъувлу фаал
— — у у — — — — — — у у —
8. Мафъувлу мафойилун мафъувлу фаувл
— — у у — — — — — — у у — —
9. Мафъувлу мафойилун мафойилун фаъ
— — у у — — у у — — — — —
10. Мафъувлу мафойилун мафойилун фоъ
— — у у — — у у — — — — у — —
11. Мафъувлу мафойилун мафойилу фаал
— — у у — — у у — — у у —
12. Мафъувлу мафойилун мафойилу фаувл
— — у у — — у у — — у у — —

Келтирилган мисоллардан маълум бўладики, мазкур гуруҳдаги рубойларда ҳар бир мисра бошида келган рукнлар мафъувлу, иккинчи рукнлар мафойилу, мафойилун, мафойилун учинчи рукнлар мафойилун, мафойилу, мафъувлун, мафъувлу мафойилун, мафойилу, тўртинчи рукнлар эса фаъ ёки фоъ, фаал, ёки фаувл, фаъ

ёки фоъ, фаал ёки фаувл. фаъ, фоъ, фаал ёки фаувл шаклида келиши кўзга ташланди. Энди ана шу қондага амал қилган ҳолда улардан баъзиларини қуйидаги мисоллар вәситасида текширишни машқ қилиб кўрайлик;

1. Бар хоки дарат ҳар дам рух месоям,
Зон равшанийи басар ҳаме афзоям.
Бошад, ки зи дард оҳе аз гавҳари ашқ,
Меҳнаткадаи хеш ҳаме ороям.
(МУХТАСАР, 58-бет)

Бу рубойнинг рукнлари ва белгилари шундай шаклда кўринади;

Бар—хө—ки да—рат—ҳар—дам рух—ме—сө ям,

— — у у — — — — — — — —
мафъ—ув—лу ма—фө—ий—лун мафъ—ув—лун фаъ
Зон—рав—ша ни—йи—ба—сар ха—ме—аф—зо ям.

— — у у — — у — — — — —
мафъ—ув—лу ма—фө—ий—лун ма—фө—ий—лун фаъ
Бо—шад—ки зи—дар—д—о хе—аз—гав—ҳа—ри ашқ,

— — у у — — у — — у у — —
мафъ—ув—лу ма—фө—ий—лун ма—фө—ий—лу фа—увл
Меҳ—нат—ка да—йи—хе—и ҳа—ме—ө—рө ям.

— — у у — — у у — — — — —
мафъ—ув—лу ма—фө—ий—лу ма—фө—ий—лун фаъ

Бу рубойнинг биринчи мисраси ҳазажи мусаммани ахраби солими аштари абтар, иккинчи мисраси ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи аштари абтар, учинчи мисраси ҳазажи мусаммани солими макфифи аҳтам, тўртинчи мисраси эса ҳазажи мусаммани ахраби солими абтар вазнида ёзилганлигини кўрамиз.

2. Бир лаҳза кўнгул сенсиз ҳолин билмас,
Жаврингни кўнгулга, эй париваш, қил бас.
Ҳажрингда фигонимга улус нола қилур,
Қил ҳолима раҳмким эрур мен бекас.

(МУХТАСАР, 59-бет.)

Рубойнинг рукнлари ва унинг белгиларини ушбу шакл ёрдамида баён қилиб берилади;

Бир—лаҳ—за кўн—гул—сен—сиз ҳо—лин—бил мас,
 — — у у — — — — —
 мафъ—ув—лу ма—фо—ий—лун мафъ—ув—лун фаъ
 Жав—ринг—ни кўн—гул—га—эй па—ри—ваш—қил—бас.
 — — — у — у — — — — —
 мафъ—ув—лу— ма—фо—и—лун ма—фо—ий—лун фаъ
 Ҳаж—ринг—да фи—ғо—ним—га у—лус—но—ла қи—лур,
 — — у у — — у у — — у у — —
 мафъ—ув—лу ма—фо—ий—лу ма—фо—ий—лу фа—ал
 Қил—ҳо—ли ма—раҳ—м—ким э—рур—мен—бе кас.
 — — у у — — у — — — — —
 мафъ—ув—лу ма—фо—и—лун ма—фо—ий—лун фаъ

Кўринадики, бу рубойнинг биринчи мисраси ҳазажи мусам-
 мани солими ахрами абтар, иккинчи мисраси ҳазажи мусам-
 мани ахраби мақбузи солими абтар, учинчи мисраси ҳазажи
 мусаммани ахраби макфуфи ажабб, тўртинчи мисраси эса
 ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар вазнида
 битилганлигини тегишли жадвал воситасида уқдирилади.

Кўрсатилган мисоллардан келиб чиққан ҳолда ахраб гу-
 руҳига кирувчи ушбу рубойларнинг белгиларини аниқлаш
 учун машқ қилиб кўринг;

1. Эй сендин улуб бағрим ҳам кўксум дор,
 Кўнглум ўту ул ўтка тўкуб ашким ёғ.
 Тан ўлса ғамин ичра жонингга фидо,
 Жон куйса муҳаббатингда сен бўлгил соғ.

(МУХТАСАР.59-бет)

2. Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
 Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
 Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
 Булбулга тикандек ошиён бўлмас эмиш.

(НАВОИЙ. Хазойинул маоний. Тошкент, 75⁹-бет.)

3. Кўз бирла қошинг яхши, қабоғинг яхши,
 Юз бирла сўзинг яхши, дудоғинг яхши.
 Энг бирла менгинг яхши, сақоғинг яхши,
 Бир-бир не дейин, бошдин аёғинг яхши.

(Ўша асар, 772-бет.)

4. Сөн гулсану мен фақир булбулдурмен,
 Сен шуъласану ул шуълага мен қулдурмен.
 Нисбат йўқ деб ижтиноб айламаким,
 Шоҳмен элга вале сенга қулдурмен.

(БОБУР. Танланган асарлар. Тошкент, 1958, 148-бет)

5. Ғайрат; тўхтамай мен жадал юрдим дер,
 Меҳнат; экканимни барвақт ўрдим дер.
 Билим; мушкулларни тез кемирдим дер.
 Уч дўстнинг кучидан улка баҳра ер.

(Мақсуд ШАЙХЗОДА. Танланган асарлар.
 6 жилдлик, II жилди. Тошкент, 1971, 308-бет.)

ФОИЛОТУН РУКНИНИНГ ТАРМОҚЛАРИ.

Бу рукнинг ўзгартирилиши натижасида қатор тармоқ руклари ҳосил бўлишини аниқроқ тасаввур этмоқ учун ушбу жадвалга мурожаат қиламиз.

№ Рукнинг номи Ҳосил бўлган тармоқ Номланиши ва унинг ўзгариши руклари, унинг белгилари

1. Фоилотун—фоилотон фоилотон тасбиғ—ар. тўлдириш
— у — — мусаббағ
2. Фоилотун—фоилотун файлотун хабн—ар. қисқартириш
у у — — махбун
3. Фоилотун—файлотон файлотон қисқартириш ва тўлдириш
у у — — махбун мусаббағ
4. Фоилотун—фоилоту фоилоту кафф—ар. қайтариш
— у — у макфуф
5. Фоилотун—файлоту файлоту шакл—ар. тушовлаш
у у — у машкул
6. Фоилотун—мафъувлун мафъувлун ташъис—ар. сочмоқ
— — — — мушаъас
7. Фоилотун—фоилун · фоилун хазф—ар. ташлаш
— у — — маҳзуф
8. Фоилотун—файлун файлун хабн—ар. қисқартириш
у у — — махбун мақсур
9. Фоилотун—фоилон фоилон каср—ар. ўраб олиш,
— V — — мақсури
ёки қисқартириш; сарой мусаббағ
фоилот камлик, етмаслик
10. Фоилотун—файлон файлон хабн—ар. қисқартириш
у у — — махбун
иккинчи ҳарфни ташлаш мақсури
11. Фоилотун—фаълун фаълун (катъ—ар. кесиш)
— — — — мақтаъ
12. Фоилотун—фаълон фаълон (тасбиғ—ар. тўлдириш)
— — — — муқтаъ
13. Фоилотун—фаал фаал (рабъар. тўрт, бўлмоқ,
V — — тўртинчи қисмини олмоқ марбуъ
14. Фоилотун—фаувл фаувл (жабб—ар. бичиш) марбуъ
у — — мусаббағ
15. Фоилотун—фаъ фаъ (жаҳф—ар. нуқсонли қилиш
— — — — мажхуф
16. Фоилотун—фоъ фоъ (залал—ар. соннинг гўштсизланиши
— — — — мажхуфи-мусаббағ

РАМАЛ БАҲРИ ВА УНИНГ ВАЗНЛАРИ

Бу баҳр шарқ адабиётида. жумладан ўзбек, форс-тожик шеъриятида кўп қўлланиши билан, айни вақтда, ўлчов вазифасини ҳам утайди. Бу вазнда Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мунис, Огаҳий, Саъдий, Ҳофиз, Камол Хўжандий, Жомий бошқа кўпгина шоирлар кўп ва хўб ғазаллар битгандирлар. Бойси улдирки, мазкур баҳр салису равонлиги, уйноқлиги, бадийлиги билан инсоннинг ички нозик кечинмаларини теран ифодалашга ғоят қобил баҳр ҳисобланади.

Рамал баҳрининг асли солим ва зиҳф руклари такрори натижасида барпо бўлганлигини Бобурнинг «Мухтасар» асарида келтирилган ушбу мисоллар воситасида текшириб кўрайлик:

1. Эй жалолу раҳматингдин гар залилу гар муаззаз,
Сафҳайи кавнайи улуб онинг тирозидин мутарраз.
(МУХТАСАР, 69-бет).

Ушбу байт руклари ва уларнинг белгилари қуйидагича шаклда берилади:

Эй—жа—ло—лу раҳ—ма—тинг—дин гар—за—ли—лу
гар—му—аз—заз
— у — — — у — — — у — — — у — —
фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун
фо—и—ло—тун
Саф—ҳа—йи—кав най—ну—лу—бо нинг—ти—ро—зи
дин—му—тар—раз.

— у — — — у — — — у — — — у — —
фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун
фо—и—ло—тун

Байтда фоилотун руклари санкиз марта такрорланганлигидан ҳам кўриниб турибдики, унинг вазни рамали мусамман солим гуруҳидандир.

2. То ба кай гирьям базори ҳамчу абри навбаҳорон.
Аз сари андуҳу ҳасрат дар фироқи гулғуздорон.

Бу байтнинг руклари ва белгилари эса қуйидагича шаклда кўрсатилади:

То—ба—кай—гирь ям—ба—зо—ри ҳам—чу—аб—ри
нав—ба—ҳо—рон.
— у — — — у — — — у — — — у — —

фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун
фо—и—ло—тун
Аз—са—ри—ан ду—ху—ҳас—рат дар—фи—ро—қи
гул '—у—зо—рон.
— у — — — у — — — у — — — у — —
фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун
фо—и—ло—тун

Бу байтда эса фоилотун солим рукнлари олти марта ва фоилотун тармоқ рукнлари эса икки мартагина такрорланганлиги уқдирилиб, шу боис байт вазни рамали мусаммани солими мусаббағга тааллуқлиги айтилади.

3. Дӯш бар ёди ту чашмам дам ба дам хун мегирист,

Сўзи ман медиду аз ман шамъ афзун мегирист.

(МУХТАСАР, 70-бет).

Бу байтнинг рукнлари ва белгиларини қуйидагича шаклда аниқлаймиз:

Дӯ—ш—бар—ё ди—ту—чаш—мам дам—ба—дам—хун
ме—ги—рист.
— у — — — у — — — у — — — у — —
фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун
фо—и—ло—тун
Сӯ—зи—ман—ме ди—ду—аз—ман шам—ъ—аф—зун
— у — — — у — — — у — —
ме—ги—рист.
— у — —

фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун
фо—и—лон

Ушбу байтда фоилотун солим рукнлари олти марта ва фоилон тармоқ рукнлари икки марта кетма-кет келганлигини таъкидлаб, шу боис байт рамали мусаммани солими мақсур вазнида ёзилганлигини тушунтирамиз.

4. Вақти он омад, ки ман сар дар парешони ниҳам,

Рўйи зебо бинаму бар хок пешони ниҳам.

(МУХТАСАР, 70-бет).

Бу байтнинг рукнлари ва белгилари шундай шаклда бўлади:

Вақ—ти—о—но мад—ки—ман—сар дар—па—ре—шо
ни—ни—ҳам,
— у — — — у — — — у — — — у — —
фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун
фо—и—лун
Рӯ—йи—зе—бо би—ра—му—бар хо—к—пе—шо
ни—ни—хам
— у — — — у — — — у — — — у — —

фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун
фо—и—лун

Байтда фоилотун солим рукнлари олти марта ва фоилун тармоқ рукнлари эса икки марта такрорланганлиги боис у рамали мусаммани солими мақсур вазнида битилган байт эканлиги уқтирилади.

5. Лаълинг боғланди жоним ҳажр элидин ол

Зулфунга чирмашди кўнглум қилмағил помол.
(МУХТАСАР, 70-бет)

Ушбу байт рукнлари ва белгиларини қуйидагича шаклда аниқлаймиз:

Лаъ—лин—га—боғ лан—ди—жо—ним ҳаж—рэ—ли—дин
ол,

— у — — — у — — — у — — — — — —
фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фоъ
Зул—фун—га—чир маш—ти—кўнг—лум қил—ма—ғил
— по мол.

— у — — — у — — — у — — — — — —
фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фоъ

Мазкур байтда фоилотун солим рукнлари олти марта ва фоъ тармоқ рукнлари икки марта такрорланганлигидан унинг вазни рамали мусаммани солими мажҳуфи мусаббағ эканлиги маълум бўлади.

Хун сўзад э-оташи ғам ҷисми нафгорам,

Гўш бо қавли рақибон мекунад ёрам.

(МУХТАСАР, 70-бет).

Бу байтнинг рукнлари ва уларнинг белгиларини қуйидагича тарзда аниқлаймиз:

Ху—н—су—зад зо—та—ти—ғам ҷис—ми—аф—го рам.

— у — — — у — — — у — — — — — —
фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фаъ
Гў—ш—бо—қав ли—ра—ки—бон ме—ку—над—ё рам.

— у — — — у — — — у — — — — — —
фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фаъ

Бунда фоилотун солим рукнлари олти марта ва фаъ тармоқ рукнлари икки марта такрорланганлиги сабабли байт вазни арузнинг рамали мусаммани солими мажҳуфга тааллуқли эканлиги уқдирилади.

7. Қошига боргали кўнгул ўзига келмади Ҷетай,

Юзини кўргали кўзум кўзига илмади ул ой.

(МУХТАСАР, 70-бет).

Унинг рукилари ҳамда белгиларини шундай тарзда аниқлай-
миз:

Қо—ши—га—бор га—ли—кўн—гул ў—зи—га—кел
ма—ди—не—тай,

у у — — у у — — у у — — у у — —
фа—и—ло—тун фа—и—ло—тун фа—и—ло—тун фа—и—ло—тун

Ю—зи—ни—кўр га—ли—кў—зим кў—зи—га—ил
ма—ди—ул—ой.

у у — — у у — — у у — — у у — —
фа—и—ло—тун фа—и—ло—тун фа—и—ло—тун фа—и—ло—тун

Байтда файлотун рукилари саккиз марта қайтарилиб ке-
лишига асосланиб, унинг вазни арузнинг рамали мусаммани
махбун баҳрига тааллуқли эканлигини тушунтирамиз.

8. Келгил эй ороми жон, неча тортай интизор,
Қилди ҳажринг нотавон, қилди ишқинг беқарор.
(МУХТАСАР, 70-бет).

Байтнинг рукилари ва белгиларини қуйидагича аниқлай-
миз:

Кел—ги—лэй—о ро—ми—жон не—ча—тор—тай
ин—ти—зор,

— у — — — у — — — у — — — у — —
фо—и—ло—тун фо—и—лон фо—и—ло—тун фо—и—лон
Қил—ди—ҳаж—ринг но—та—вон қил—ди—иш—қинг
бе—қа—ро—р

— у — — — у — — — у — — — у — —
фо—и—ло—тун фо—и—лон фо—и—ло—тун фо—и—лон

Байтда файлотун солим рукилари ва файлон тармоқ
рукилари тўрт мартадан иштирок этганлиги боис байт аруз-
нинг рамали мусаммани солими мақсур вазнида ёзилган, де-
ган хулосага эга бўламиз.

9. Мени ҳижрон ўлтурур, бери келгил эй санам,
Давлати васлинг била мени қилгил муҳтарам.
(МУХТАСАР, 71-бет).

Бунинг рукиларини ҳамда уларнинг белгиларини қуйидаги-
ча қолипда аниқлаймиз:

Ме—ни—ҳиж—ро нўл—ту—рур бе—ри—кел—ги
лэй—са—нам.

— у — — — у — — — у — — — у — —

фо—и—ло—тун фо—и—лун фо—и—ло—тун фо—и—лун

Дав—ла—ти—вас линг—би—ла ме—ни—қил—гил
муҳ—та—рам.

— у — — — у — — — у — — — у — —

фо—и—ло—тун фо—и—лун фо—и—ло—тун фо—и—лун

Бу байт арузнинг рамали мусаммани солими маҳзуф ваз-
нида ёзилган бўлиб, унда мазкур баҳр қондасига кўра фои-
лотун солим рукилари тўрт марта ва файлон тармоқ руки-
лари ҳам тўрт марта кетма-кет такрорланиб келган.

10. Санам, лутф намо ба мани хаста чигар,
Набувад ғайри туям ба чаҳон ёри дигар.

(МУХТАСАР, 71-бет).

Байтнинг рукиларини ва уларнинг белгиларини қуйидаги-
ча қолипда аниқлаймиз:

Са—на—мо—лут ф—на—мо ба—ма—ни—хас та—чи—гар,
у у — — у у — — у у — — у у — —

фа—и—ло—тун фа—и—лун фа—и—ло—тун фа—и—лун

На—бу—вад—ғай ри—ту—ям ба—ча—хон—ё
ри—ди—гар.

у у — — у у — — у у — — у у — —

фа—и—ло—тун фа—и—лун фа—и—ло—тун фа—и—лун

Байт арузнинг рамали мусаммани маҳбуни маҳзуф вазни-
га мансуб бўлиб, буни унда файлотун тармоқ рукилари
тўрт марта ва файлон тармоқ рукилари ҳам тўрт марта иш-
тирок этганлигида кўриш мумкин.

11. Лоланинг ғунчасидан бағрим ўлубтур тўла қон,
Ваҳки эл ғофилу куйдирди мани доғи фиғон.

(МУХТАСАР, 72-бет).

Байт рукиларини ва унинг белгиларини қуйидагича қо-
лип воситасида аниқлаймиз:

Ло—ла—нинг—ғун ча—си—дек—бағ ри—му—лўб—тур
тў—ла—қон,

— у — — у у — — у у — — у у — —
фо—и—ло—тун фа—и—ло—тун фа—и—ло—тун фа—и—лон

Ваҳ—ки—эл—го фи—лу—куй—дур ди—ма—ни—до
ги—фи—ғон.

— у — — у у — — у у — — у у — —
фо—и—ло—тун фа—и—ло—тун фа—и—ло—тун фа—и—лон

Байт аруз вазнининг рамали мусаммани солими маҳбуни

мақсур вазнига мансуб бўлиб, буни фоилотун солим руқилари икки марта, фаилотун тармоқ руқилари тўрт марта ва фаилон тармоқ руқилари эса икки марта иштирок этганлигидан кўриш мумкин.

12. Кўзидур усрук, юзидур гул-гул,

Анга мен шайдо, анга мен булбул

(МУХТАСАРА, 72-бет).

Байтнинг руқиларини ҳамда унинг белгиларини қуйидагича тахлитда аниқлаймиз:

Кў-зи-дур-ус рук ю-зи-дур-гул гул
у у — — — — у у — — — —

фа-и-ло-тун фаъ фа-и-ло-тун фаъ
Ан-га-мен-шай до ан-га-мен-бул бул

у у — — — — у у — — — —

фа-и-ло-тун фаъ фа-и-ло-тун фаъ

Байт арузнинг рамали мусаммани мажбури мажхуф вазнига мансуб бўлиб, буни биз унда фаилотун ва фаъ тармоқ руқиларининг тўрт марта такрорланиб келишидан кўриб турибмиз.

13. Ким қилур вафо менингча, ким чекар жафо менингча,

Кимдадур сафо сенингча, кимдадур бало сенингча.

(МУХТАСАРА, 12-бет).

Бунинг руқилари ҳамда уларнинг белгиларини қуйидагича қолип воситасида аниқлаймиз:

Ким-қи-лур-ва фо-ме-нинг-ча ким-че-кар-жа
фо-ме-нинг-ча

— у — у — у — у — у — у — у — у
фо-и-ло-ту фо-и-ло-ту фо-и-ло-ту фо-и-ло-ту
Ким-да-дур-са фо-се-нинг-ча ким-да-дур-ба
ло-се-нинг-ча.

— у — у — у — у — у — у — у — у
фо-и-ло-ту фо-и-ло-ту фо-и-ло-ту фо-и-ло-ту

Мазкур байт аруз бахрининг рамали мусаммани макфуф вазнига мансубдирки, буни унда фоилоту тармоқ руқиларининг саккиз марта иштирок этганлигида кўрамиз.

14. Гам чериги беҳаддир чораси будур Бобур,

Бодани кўмак келтур, жомни ҳимоят тут.

(МУХТАСАРА, 72-бет).

Байтнинг руқилари ва белгилари қуйидагича:

Гам—че—ри—ги бе—ҳад—дур чо—ра—си—бу

дур—Бо—бур,

— у — у — — — — у — у — — —
фо-и-ло-ту мафъ-ув-лун фо-и-ло-ту

мафъ-ув-лун

Бо—да—ни—ку мак—кел—тур жо—м—ни—хи

мо-ят-тут.

— у — у — — — — у — у — — —
фо-и-ло-ту мафъ-ув-лун фо-и-ло-ту

мафъ-ув-лун

Мазкур байт аруз бахрининг рамали мусаммани макфуфи мушаъас вазнига мансубдирки, буни унда фоилоту ва мафъулун тармоқ руқилари тўрт мартадан иштирок этганлигидан англашимиз мумкин.

15. Оразинг гулу суман, кўзунг оҳуйи Хўтан,

Ҳар бирига волаву ҳар бирига бандаман.

(МУХТАСАРА, 72-бет).

Байт руқилари ва белгилари шундай тарзда намоён бўлади:

О—ра—зинг—гу лу—су—ман кў—зун—го—ху
йи—Хў—тан

— у — у — у — — у — у — у —
фо-и-ло-ту фо-и-лун фо-и-ло-ту фо-и-лун

Ҳар—би—ри—га во—ла—ву ҳар—би—ри—га бан—да—ман.

— у — у — у — — у — у — у —
фо-и-ло-ту фо-и-лун фо-и-ло-ту фо-и-лун

Байт арузнинг рамали мусаммани макфуфи маҳзуф вазнига мансубдирки, буни унда фоилоту ва фоилун тармоқ руқиларининг тўрт мартадан такрорланувидан англаб оламиз.

16. Зулфию сочи мушку сунбулум,

Ҳаддию юзи лолаву гулум.

(МУХТАСАРА, 73-бет).

Байтнинг руқилари ва белгилари қуйидагича намоён бўлади:

Зул—фи—ю—сө чи муш—ку—сун—бу лум.

— у — у — — у — у —

фо-и-ло-ту фаъ фо-и-ло-ту фаъ

Ҳад-ди-ю-ю зи ло-ла-ви-гу лум.

— у — у — — у — у —

фо-и-ло-ту фаъ фо-и-ло-ту фаъ

Байт аруз баҳрининг рамали мусаммани макфуфи маҳзуф вазнига мансуб бўлиб, буни биз унда фоилоту ва фаътармоқ рукнларининг тўрт мартадан қатнашувидан англашимиз мумкин.

17. Гуфт воҳид аз биҳиштам деҳ хабар,
Гуфтамаш зинҳор номи деҳ мабар.
(МУХТАСАР, 75-бет).

Байт рукнлари ва белгилари қуйидагича намоён бўлади:

Гуф—т—зо—ҳи даз—би—ҳиш—там деҳ—ха—бар,
— у — — — у — — — у — —
фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фо—и—лун
Гуф—та—маш—зин ҳо—р—но—ми деҳ—ма—бар.
— у — — — у — — — у — —
фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фо—и—лун

Байт аруз баҳрининг рамали мусаддаси солими маҳзуф вазнига мансубдирки, буни биз унда фоилотун рукнларининг тўрт марта ва фоилун рукнларининг эса икки марта иштирок этганлигидан англаймиз.

18. Эй, ки рўйи ту ҳаёти чои аст,
Дийда чояд шуду чойи он аст.
(МУХТАСАР, 75-бет).

Байтнинг рукнлари ва белгилари қуйидагича намоён бўлади:

Эй—ки—ру—йи ту—ҳа—ё—ти чо—наст,
— у — — — у — — — — —
фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фаъ—лон
Дий—да—чо—ят шу—ду—чо—йи о—наст.
— у — — — у — — — — —
фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фаъ—лон

Байт аруз баҳрининг рамали мусаддаси солими мақтуби мусаббағ вазнига мансуб бўлиб, буни биз унда фоилотун солим рукнлари тўрт марта ва фаълон тармоқ рукнларининг икки марта қатнашаётганлигида кўришимиз мумкин.

19. Чашми он дорам, ки гоҳе,
Афгани суям нигоҳе,
(МУХТАСАР, 76-бет).

Байтнинг рукнлари ва белгилари қуйидагича намоён бўлади:

Чаш—ми—он—до рам—ки—го—ҳе,
— у — — — у — — — — —
фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун
Аф—го—ни—су ям—ни—го—ҳе.
— у — — — у — — — — —
фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун

Байт аруз баҳрининг рамали мураббаи солим вазнига мансуб бўлиб, буни биз унда фоилотун солим рукнлари тўрт марта иштирок этганлигидан кўришимиз мумкин.

20. Гузар айла манго,
Назар айла манго.

(МУХТАСАР, 76-бет).

Байтнинг рукнлари ва уларнинг белгилари қуйидагича тарзда намоён бўлади:

Гу—за—рай—ла ман—го,
у у — у у —
фа—и—ло—ту фа—ал
На—за—рай—ла ман—го.
у у — у у —
фа—и—ло—ту фа—ал

Мазкур байт аруз баҳрининг рамали мураббаи машкули марбуъ вазнига мансубдирки, буни биз унда фоилоту ва фаал рукнлари иштирок этганлигидан англаймиз.

Ушбу мисоллардан маълум бўладики, арузнинг рамал баҳри ва унинг вазилари шеърятимизда гоҳат унумли қўлланиб келинган. Бунга Саъдий, Жомий, Ироқий, Тирозий, Осафий, Навоий, Лутфий, Бобур, Нишотий, Мунис, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий каби қатор классик шоирларимиз ҳам самарали ижод қилганликлари ҳам яққол мисол бўла олади.

Топшириқлар: ушбу байтларни мустақил текшириб, вазиларининг қайси баҳрга мансублигини аниқлашни машқ қилинг.

1. Келгил эй ороми жон, неча тортай иптизор,
Қилди ҳажринг нотавон, қилди ишқинг беқарор.
(МУХТАСАР, 71-бет).
2. Кўзларинг мендин ўлди жону дил,
Сарви қаддингдин бўлди по дар гил.
(МУХТАСАР, 70-бет).
3. Не малак андоқ эрур, не эрур онча киши,
Камар анинг муқирри, қуёш анинг қиёши.
(МУХТАСАР, 72-бет).
4. Пойи Маҷнун ба ҳамин силсилаи савдо дошт,
Ҳар ки девона шуд, ин силсиларо дар по дошт.
(МУХТАСАР, 72-бет).
5. Қани сенча дилдоре, қани менча дилдода,
Қани сен каби саркаш, қани мендек афтода.
(МУХТАСАР, 73-бет).

6. Сендек манга бир ёри жафокор топилмас,
Мендек санга бир зори вафодор топилмас.
(МУХТАСАРА, 74-бет).

7. Махи ман баҳри худо,
Ба сўйи банда биё.

(МУХТАСАРА, 76-бет).

8. Ҳлодур мен нетайин,
Санга нетиб етайин.

(МУХТАСАРА, 76-бет).

9. Банда алар бирла гирифтор эдим,
Барчасидин воқифи асрор эдим.
(УЧ БУЛБУЛ ГУЛШАНИ, ТОШКЕНТ, 1986, 8 бет).

10. Одами эрсанг, демагил одами,
Оники, йўқ халқ ғамидин ғами.

(НАВОИЙ).

11. Шоҳ эди ул дам ўзи дар ниқоб,
Чунки бўлур абр ичида офтоб.
(УЧ БУЛБУЛ ГУЛШАНИ 113-бет).

12. Қилди ўшал ҳолида Юсуфни ёд,
Қилди фиरोқ ўти вужудин барбод.

(ҶША АСАРА, 121-бет).

13. Яша шўро, яша шўро!
Сен яшайдирган замон.
Ишчи ўғли, шуҳратингдан
Балқисин рўйи жаҳон!

(ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ).

14. Ҳар муроднинг бошидур, ҳар муддаонинг гавҳари
Ҳар маразларнинг шифоси, яъни Луқмондур китоб.
(ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ).

15. Ҳар бири ҳам; «Олганимиз йўқ» деди.
Инди қасам; «Кўрганимиз йўқ» деди.

(ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ).

16. Офарин этдилар онинг сўзига,
Тангани холис берубон ўзига.

17. Мирзо Бобур—сен, фиғонинг
Солди олам узра ўт.
Шоҳ Машраб қани сенда
Урди туғён, ўзбегим.

18. Билсанг, уйим шаҳарда,
Келдим сенга саҳарда
Юр, хўп десанг агарда—,
Ё шунда қоласанму?

(ЭРКИН ВОҲИДОВ).

МУЗОРИЪ БАҲРИ ВАЗНЛАРИ

Мафойилун ва фоилотун руқиларининг такрорланишидан музориъ баҳри ҳосил бўлади. Унинг музориъи мусаммани мусаддас ва мураббаъ вазилари шеърятимизда самарали қўлланилиб келинмоқда. Мисол тариқасида қуйидаги байтларга мурожаат қилайлик:

1. Хатнинг аро узоринг сабза ичида лола,
Ул чашми пурҳуморинг лоладаги ғазола.
(МУХТАСАРА, 92-бет).

Унинг руқиларини ва уларнинг белгиларини қуйидагича шаклда кўрсатамиз:

Хат—тин—га ро—у зо—ринг саб—за—и чи—да—ло—ла,
— — — у — — — — — у — — —
мафъ—ув—лу фо—и ло—тун мафъ—ув—лу фо—и ло—тун
Ул—чаш—ми пур—ху—мо—ринг ло—ла—да ги—га—зо—ла
— — — у — — — — — у — — —

мафъ—ув—лу фо—и ло—тун мафъ—ув—лу фо—и ло—тун
Мазкур байт арузнинг музориъи мусаммани аҳраби солим вазнига мансуб бўлиб, буни биз унда мафъувлу тармоқ ҳамда фоилотун солим руқилари тўрт мартадан иштирок этганлигига қараб белгилаймиз.

2. Биномез вэй нигорий парирўй,
Шакарлафзу лолачеҳру суманбўй.
(МУХТАСАРА, 93-бет).

Унинг руқиларини ҳамда уларнинг белгиларини қуйидагича шаклда кўрсатамиз:

Би—но—ме—з вэй—ни—го—ри па—ри—рўй,
— — — у — — — у — — — у — — —
ма—фо—ий—лу фо—и ло—ту ма—фо—ийл
Ша—кар—лаф—зу ло—ла—чеҳ—ру су—ман—бўй.
— — — у — — — у — — — у — — —
ма—фо—ий—лу фо—и ло—ту ма—фо—ийл

Байт аруз баҳрининг музориъи мусаддаси аҳраби макфуфи мақсур вазнига мансуб бўлиб, буни биз унда мафойилу, фоилоту ва мафойил руқилари икки мартадан қатнашганлигига қараб белгилаймиз.

3. Диламро чафо сазост,
Ки у бар раҳи хатост.
(МУХТАСАРА, 91-бет).

МАФЪУВЛОТУ РУКНИНИНГ ТАРМОҚЛАРИ

Шеърятимизда мафъувлоту рукнининг ўзи якка ҳолда қўлланилмаса-да, мустафъилун руки билан қўшилган ҳолда мунсариҳ, муқтазаб ва сариҳ баҳрларини ҳосил қилишда иштирок этишини кузатиш мумкин. Айни вақтда, унинг: мафойилу /у — — у/ — махбун, фойлоту /— у — у / — матвий, файлоту /у у — у/ — махбул, мафъувлун /— — / — макшуф, мафъувлон /— — — / — мавқуф, мафъувлу /— — у/ — марфуъ, фаълун / — — / — аслам, фаъ / — / — манхур, фоъ / — — / — маждуъ, фаувлун /у — — / — махбуни макшуф, фаувлон /у — — — / — махбуни мавқуф, фойлун /— у — / — матвийи мақфуф, файлун /у у — / — махбуни матвийи макшуф каби тармоқ рукнлари ҳам маъжудлигини баъзи мисоллар воситасида кўришимиз мумкин. Масалан;

1. Ишқ юки айлади сипеҳри аълони ҳам
Не ажаб ар айласа менинча шайдони ҳам.
(МУХТАСАР, 87-бет).

Байтнинг рукилари ҳамда уларнинг белгилари қуйидагича тарзда намоён бўлади;

Иш—қ—ю—ки ай—ла—ди си—пеҳ—ри—аъ ло—ни—ҳам,
— у у — — у — у — у — — у —
муф—та—и—лун фо—и—лун ма—фо—и—лун фо—и—лун
Не—а—жа—бар ай—ла—са ме—нинг—ча—шай
до—ни—ҳам.

— у у — — у — у — у — — у —
муф—та—и—лун фо—и—лун ма—фо—и—лун фо—и—лун

Байт аруз баҳрининг мунсариҳи мусаммани матвийи макфуфи махбур вазнига мансуб бўлиб, буни биз муфтаилун рукилари икки марта, фойлун рукиларининг эса тўрт марта ва мафойилун тармоқ рукиларининг икки марта қатнашганлигидан англаймиз.

2. Не қилайинким, қошимга келмади ёр.
Ўлдуму бир ҳам бошимга келмади ёр.
(МУХТАСАР, 89-бет),

Байт рукилари ва уларнинг белгилари қуйидагича шаклда намоён бўлади;

Не—қи—ла—йин ким—қо—шим—га кел—ма—ди—ёр.
— у у — — у — — — у у —
муф—та—и—лун фо—и—ло—ту муф—та—и—лон
Ўл—ду—му—бир ҳам—бо—шим—га кел—ма—ди—ёр.
— у у — — у — у — — у у —
муф—та—и—лун фо—и—ло—ту муф—та—и—лон

Байт аруз баҳрининг мунсариҳи мусаддаси матвийи макфуфи музолл вазнига мансубдирки, буни биз унда муфтаилун тармоқ рукилари икки марта, фойлоту рукилари ҳам икки марта, муфтаилон тармоқ рукилари эса икки марта иштирок этганлигидан англашимиз мумкин.

3. Вақтро ғанимат дон он қадар, ки битвони,
Ҳосил аз ҳаёт эй чон, як дамаст то дони.
(МУХТАСАР, 95-бет).

Байт рукилари ва уларнинг белгилари қуйидагича тарзда аниқланади:

Вақ—т—ро—га ни—мат—дон он—қа—дар—ки
бит—во—ни.
— у — у — — — — у — у — — —
фо—и—ло—ту мафъ—ув—лун фо—и—ло—ту
мафъ—ув—лун
Ҳо—си—лаз—ха ё—тэй—чон як—да—мас—т
то—до—ни.
— у — у — — — — у — у — — —
фо—и—ло—ту мафъ—ув—лун фо—и—ло—ту
мафъ—ув—лун

Байт аруз баҳрининг мунсариҳи мусаммани матвийи макшуф вазнига мансуб бўлиб, буни унда фойлоту тармоқ рукилари тўрт марта ва мафъувлун тармоқ рукилари ҳам тўрт марта қўлланганлигидан кўраимиз.

4. Не қилайин ёр мени билмайдур,
Лутф қилиб раҳм манга қилмайдур.
(МУХТАСАР, 100-бет).

Байт рукилари ва уларнинг белгилари қуйидагича тарзда аниқланади;

Не—қи—ла—йин ё—р—ме—ни бил—май—дур,
— у у — — у у — — — —
муф—та—и—лун муф—та—и—лун мафъ—ув—лун
Лут—ф—қи—либ раҳ—м—ман—га қил—май—дур.
— у у — — у у — — — —
муф—та—и—лун муф—та—и—лун мафъ—ув—лун

Байт аруз баҳрининг сариъ мусаддаси матвийи макшуф
вазнига мансубдирки, буни биз муфтаилун тармоқ руқилари
тўрт марта, мафъувлун тармоқ руқилари эса икки мартадан
иштирок эттирилишдан кўраммиз.

МАФЪУВЛОТУ руқни ва тармоқ руқиларининг мустафъ-
илун руқни билан қўшилиб, мунсарих, муқтазаб ва сариъ
баҳрларида иштирок этган ҳолда келишини қўйидаги байт-
лар мисолида тадқиқ қилиб кўринг.

1. Барги дарахтони сабз дар назари ҳушъёр,
Ҳар варақе дафтарест, маърифати кирдикор.
(МУХТАСАРА, 87-бет).
2. Зи рўйи худ як соат фикан никобат,
Чаҳон шавад то равшан зи офтобат.
(МУХТАСАРА, 88-бет).
3. Ҳар кунда юзингни кўрмак эрур ҳавасим,
Ҳар кеча сочингни хаёлидур ҳамнафасим.
(МУХТАСАРА 95-бет).
4. Ёр бизни зор қилур,
Зор бизни ёр қилур.
(МУХТАСАРА, 96-бет).
5. Нест чун ту сарви чаман,
Гульзору гунчадаҳан.
(МУХТАСАРА, 96-бет).
6. Карам қилиб берига кел, эй санам
Назар қилиб бандани қил мўхтарам.
(МУХТАСАРА, 101-бет).
7. Менча қани вафодор,
Сенча қани жафокор.
(МУХТАСАРА, 102-бет).
8. Не балолиғ ҳажр эрурким зор ўлмишам,
Келки, ул кўз ҳажрида бемор ўлмишам.
(МУХТАСАРА, 101-бет).

ФАУВЛУН РУҚНИНИНГ ТАРМОҚЛАРИ

Бу руқни таркибидаги ҳижолаарнинг ўзгаришидан унинг
фаълун /— —/—аслам, фаал /у —/— маҳзуф, фаувлу
/у — у/— мақбуз, фаълу /— у —/— асрам, фаувл /у — —/—
мақсур ва фаъ /—/— абтар каби тармоқлари ҳосил бўлади.

Фаувлун руқни ва унинг тармоқлари классик шеърияти-
мизда гоаят унумли қўлланилганлигини қўйидаги шеърий ми-
соллар орқали тадқиқ қилиб кўраммиз.

1. Нигорим сенсиз қарорим йўқтур,
Қарорим сенсиз нигорим йўқтур.
(МУХТАСАРА, 35-бет).

Байтнинг руқилари ва уларнинг белгилари қўйидагича
аниқланади:

Ни—го—рим сен—сиз қа—ро—рим йўқ—тур,
у — — — — у — — — —
фа—ув—лун фаъ—лун фа—ув—лун фаъ—лун
Қа—ро—рим сен—сиз ни—го—рим йўқ—тур,
у — — — — у — — — —
фа—ув—лун фаъ—лун фа—ув—лун фаъ—лун

Байтнинг вазни арузнинг мутақориби мусаммани солими
аслам баҳрига мансуб бўлиб, буни унда фаувлун солим ҳам-
да фаълун тармоқ руқилари тўрт мартадан қўлланилганлигидан
кўриш мумкин.

2. Диламро бо доғи чафо сўхтй,
Маро монда дилро чаро сўхтй.

(МУХТАСАРА, 34-бет).

Байт руқилари ва уларнинг белгилари қўйидагича
аниқланади:

Ди—лам—ро бо—до—ғи ча—фо—су х—тй,
у — — — — у — — — — у — — — —
фа—ув—лун фа—ув—лун фа—ув—лун фаъ—ал
Ма—ро—мон да—дил—ро ча—ро—сў х—тй
у — — у — — у — — у — —
фа—ув—лун фа—ув—лун фа—ув—лун фаъ—ал

Байт аруз баҳрининг мутақориби мусаммани солими маҳ-
зуф вазнига мисол бўлади. Чунки унда фаувлун солим руқилари
олти марта ва фаал тармоқ руқилари эса икки марта
қўлланилган.

3. Ҳолатим ул пари билмади.
Бир замон қошима келмади.
(МУХТАСАР, 42-бет),

Байтнинг руклари ва уларнинг белгиларини қуйидагича тарзда аниқлаймиз;

Ҳо—ла—ти мул—па—ри бил—ма—ди,
— у — — у — — у —
фо—и—лун фо—и—лун фо—и—лун
Бир—за—мон қо—ши—ма кел—ма—ди.
— у — — у — — у —
фо—и—лун фо—и—лун фо—и—лун

Байт аруз баҳрининг мутадорик мусаддаси солим вазнига мисол бўла олади. Чунки унда фоилун солим руклари олти марта қўлланилгандир.

4. Юзидур гулгул,
Анга мен булбул.
(МУХТАСАР, 43-бет).

Бу байтнинг руклари ва уларнинг белгилари қуйидагича аниқланади;

Ю—зи—дур гул—гул,
у у — — —
фа—и—лун фаъ—лун
Ан—га—мен бул—бул.
у у — — —
фа—и—лун фаъ—лун

Байтда фаилун ва фаълун тармоқ руклари икки мартадан қўлланганлиги сабабли уни аруз баҳрининг мутадорик мураббаи махбуни матвийи макшуфи аслим вазнига мансуб байт дейилади.

Амалий машгулот сифатида қуйидаги шеърларнинг вазинларини аниқланг:

1. Як гули мақсуд дар ин бўстон,
Чида нашуд бе мадади дўстон.
(САНЪАТИ СУХАН, 27-бет).
2. Музайян айладим гуфторими Бедил сўзи бирла
Чу гуллардин гулоб олмоқ Ҳаким аҳлига одатдур.
(МАҲМУД ҲАКИМ ЯЙФОНИЙ).
3. Ким ёр анга илм толиби илм керак,
Ўргангали илм толиби илм керак.
Мен толиби илму толиби илме йўқ,
Мен бормен илм толиби илм, керак.
(БОБУР).

Ушбу рисолада кўзда тутилган ҳажм шеърлятимизда қўлланилиб келинган баҳрларнинг барча вазинлари тўғрисида мисоллар асосида маълумот бериш имконини беролмайди. Шу боис амалда кўпроқ қўлланилиб келинган вазинлар устидагина тўхталдик.

КПСС Марказий Қўмитасининг 1989 йил сентябрь Пленуми «Ленинча принциплар асосида миллатлараро муносабатларнинг янги сифати сари» шиори остида утганлиги даврни, воқеликни қайта қуриш талаблари нуқтаи-назаридан идрок этишнинг намунаси бўлди.

Мамлакатимизда яшовчи юздан ортиқ миллат ва элатларнинг иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётидаги мавжуд «Турғунлик идеологияси ва психологияси маданият, адабиёт ва санъат соҳасининг ҳолатига ҳам таъсир қилди.

Аҳвол яна шу билан ҳам чигаллашдики, бадиий ижодга партиявий ёндашув кўпинча идоравий ёндашув билан, соф ижодий жараёнларга асосиз аралашув билан, дидга ёқиш ва ёқмаслик билан, ғоявий таъсир ва раҳбарлик методлари эса маъмурий қарорлар билан алмаштирилди». 1

Худди шу аҳволни ўрта умумий таълим ҳамда ҳунар-техника мактабларида ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ҳам кўриш мумкин. Кейинги йилларда таълим-тарбия ишларида талайгина ишлар амалга оширилганлигига қарамастан тарбия иши асл моҳиятидан, кузатилган мақсаддан анча четда қолиб келди. Ўрта умумий таълим ва олий ўқув даргоҳларида, айниқса, педагогика олийгоҳларининг филология қўллийларида адабиёт назарияси фани талаб даражасида ўқитилмаётганлиги орқасида аруз таркибини ўқитиш услубларига доир масалалар ҳамон эътибордан четда қолиб келаётганлиги жуда ачинарли ҳолдир.

Бу ўринда аруз назарияси асосларини ўргатишга доир йўл-йўриқ қўлланмаларининг йўқлигини, унга жиддий қўл урилмай келинганлигини назарда тутган ҳолда бу катта хатони тезда бартараф этиш қайта қуриш ва мустақиллик даврининг талабларидан ҳисобланади. Ушбу рисола миз худди шу йўлдаги жиддий уринишлардандирки, унда асосан ўрта умумий таълим, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари дастуриламаларида ўрганилиши лозим бўлган асарлар асосидаги мисоллар заминидан аруз назарияси ва вазин таркибидаги баҳрлар, уларнинг вазинлари, рубойи ва унинг гуруҳларига доир

1. КПСС МҚ Пленумининг материаллари, Тошкент, 1987.
15-бет.

манзулар билан чегараланса-да, бу борадаги камчиликларни бир қадар тулдиришда назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга бўлади, деган умиддамиз.

2. Арабча, тожикча китоблар ўқуш
Бизнинг тилимизга бу юмги ўқуш (143).
(Юсуф Хос Хожиб).

Байт руқилари ва уларнинг белгилари қуйидагича ҳолатларга эгадир:

А—раб—ча то—жик—ча ки—тоб—лар ў—қуш,
у — — у — — у — — у — —
фа—ув—лун фа—ув—лун фа—ув—лун фа—ал
Би—зинг—ти ли—миз—га бу—юм—ғи ў—қуш.
у — — у — — у — — у — —
фа—ув—лун фа—ув—лун фа—ув—лун фа—ал
солим солим солим маҳзуф

Хулоса шулки, байт аруз баҳрининг мутақориб мусаммани солими маҳзуф вазнида ёзилган.

3. Биликтин аюрман сузумға ула,
Биликлик, ё дўст, ўзунгни ула (174)
(Ахмад Югнакий).

Би—лик—тин а—юр—ман сў—зум—ға у—ла,
у — — у — — у — — у — —
фа—ув—лун фа—ув—лун фа—ув—лун фа—ал
Би—лик—лик ка—ё—дўс тў—зунг—ни у—ла
у — — у — — у — — у — —
фа—ув—лун фа—ув—лун фа—ув—лун фа—ал
солим солим солим маҳзуф

Шунга кўра байт мутақориб мусаммани солими маҳзуф вазнида битилган.

4. Кун ҳамалга кирди эрса, келди олам наврўзи.
Кечти Бахман замҳарир қиш, қолмади қори, бузи (205).
(Рабғузий).

Ушбу байт руқилари ва уларнинг белгилари қуйидагича ҳижолаарга эга бўлинган ҳолда намоён бўлади;

Кун—ҳа—мал—га кир—ди—эр—са кел—ди—о—лам
нав—рў—зи,
у — — у — — у — — у — —
Кеч—ти—Бах—ман зам—ҳа—рир—қиш қол—ма—ди—қо
ри—бу—зи.
у — — у — — у — — у — —
фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун
солим солим солим маҳзуф

Вазиларнинг шу тахлит тузилишидан ҳосил бўлган байт-ни рамали мусаммани солими маҳзуф баҳрига мансуб байт-лар гуруҳига қўшамиз.

7. Саби эснаюрда, йиғоч бонг солар.
Булут йиғлаюрда чечаклар қулар (206).
(РАБҒУЗИЙ),

Байтнинг руқилари ва уларнинг белгилари қуйидагича ҳижолаарга бўлинган ҳолда намоён бўлади;

Са—бо—эс но—юр—да йи—ғоч—бонг со—лар,
у — — у — — у — — у — —
Бу—лут—йиғ ла—юр—да че—чак—лар ку—лар
у — — у — — у — — у — —
фа—ув—лун фа—ув—лун фа—ув—лун фа—ал

Вазиларнинг бу тахлит тузилишидан ҳосил бўлган байт аруз баҳрининг мутақориб мусаммани солими ажаб гуруҳига киради,

8. Оташки аланга мезанад сийнайи мост,
Дарёки чу мавж мезанад дийдаи мост.
Ин кўзагаронки кўзаҳо месозанд,
Аз хоки бародарони деринаи мост (207)
(Паҳлавон Маҳмуд).

Байтнинг руқилари ва уларнинг белгилари қуйидагича ҳижолаарга бўлинган ҳолда намоён бўлади;

О—таш—ки а—лан—га—ме за—над—сий—на и—мост.
— — у у — у — у — — у — —
мафъ—ув—лу ма—фо—и—лун ма—фо—ий—лу фа—увл
ахраб мақбуз макфуф аҳтам
Дар—ё—ки чу—мав—ж—ме за—над—дий—да и—мост.
— — у у — у — у — — у — —
мафъ—ув—лу ма—фо—и—лун ма—фо—ий—лу фа—увл
ахраб мақбуз макфуф аҳтам
Ин—ку—за га—рон—ки—кў за—хо—ме—со занд
— — у у — у — — — —

мафъ—ув—лу ма—фо—и—лун ма—фо—ий—лун фоъ
ахраб мақбуз солим азалл
Аз—хо—ки ба—ра—да—ро ни—де—ри—на и—мост
— — у у — у — у — — у — —
мафъ—ув—лу ма—фо—и—лун ма—фо—ий—лун фа—увл
ахраб мақбуз макруф аҳтам

Демак, байт—рубойининг 1, 2 ва 4-мисралари арузнинг ҳазаж мусаммани ахраби мақбузи мақфуфи аҳтам, 3-мисраси ҳазаж мусаммани ахраби мақбузи солими азалл баҳри вазиларида битилган.

9. Чун улуг Мирзо дар илми хандаса,
 Нотавон ёфт дар ҳазорон мадраса (223).
 (Абдураззоқ Самарқандий).

Байтнинг руқнлари ва уларнинг белгилари қуйидагича
 ҳижолаарга бўлинган ҳолда акс этади;
 Чун—у—луғ—Мир зо—да—рил—ми хан—да—са,
 — у — — — у — — — у — —
 Но—та—вон—ёфт дар—ха—зо—рон мад—ра—са.
 — у — — — у — — — у — —
 фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фо—и—лун
 солим солим маҳзуф

Вазнларнинг бу тахлит тузилишидан ҳосил бўлган бу
 байт аруз баҳрининг рамали мусаддаси солими маҳзуф ваз-
 ни гуруҳига мансуб,

10. Темурхон наслидин Султон Улуғбек,
 Ки олам кўрмади султон анингдек. (223)

Ушбу байт руқнлари ва уларнинг белгилари қуйидагича
 ҳижолаарга бўлинган ҳолда намоён бўлади;
 Те—мур—хон—нас ли—дин—Сул—тон У—луғ—бек,
 у — — — у — — — у — —
 Ки—о—лам—кўр ма—ди—сул—тон а—нинг—дек
 у — — — у — — — у — —
 ма—фо—ий—лун ма—фо—ий—лун фа—ув—лун
 солим солим маҳзуф

Вазнларнинг бу шаклда тузилишидан ҳосил бўладиган
 байтлар, шу жумладан, ушбу байт ҳам арузнинг ҳазажи му-
 саддаси солими маҳзуф баҳри вазни гуруҳига мансуб бўлади.

11. Дар машқ таксире макун пайваста, эй Султон Али,
 Дар рӯз кун машқи хафи, дар шом кун машқи жалил
 (228).

(Султон Али.)

Байтнинг руқнлари ва уларнинг белгилари ҳижолаарнинг
 қуйидагича жойлашиши билан намоён бўлади;
 Дар—маш—қ—так си—ре—ма—кун пай—вас—та—эй
 Сул—тон—А—ли,
 — — у — — — у — — — у — — — у — —
 Дар—рӯ—з—кун маш—қи—ха—фи дар—шо—м—кун
 маш—қи—жа—лил.
 — — у — — — у — — — у — — — у — —
 мус—тафъ—и—лун мус—тафъ—и—лун мус—тафъ—и—
 — лун мус—тафъ—и—лун
 солим солим солим солим

12. Ба даст оҳаки тафта кардан хамир,
 Беҳ аз даст бар сийна пеша амир (262).
 (Саъдий).

Байтнинг руқнлари ва уларнинг белгилари ҳижолаарнинг
 қуйидагича жойлашиши билан намоён бўлади;
 Ба—дас—то ха—ки—таф та—кар—дан ха—мир,
 у — — — у — — — у — — — у — —
 Бе—ҳаз—дас т—бар—сий на—пе—ши а—мир.
 у — — — у — — — у — — — у — —
 фа—ув—лун фа—ув—лун фа—ув—лун фа—ал
 солим солим солим маҳзуф

Вазнларнинг бу шаклда тузилишидан ҳосил бўлган бу байт
 арузнинг мутақороби мусаммани солими маҳзуф баҳри ваз-
 ни гуруҳига киради.

13. Тушумда кавкаби толеъ тулуи
 Булуб пайдо манго булди ружуи (706).
 (Мажлисӣ).

Мазкур байт руқнлари ва уларнинг белгилари ҳижолаар-
 нинг қуйидагича бўлиниши билан намоён бўлади;
 Ту—шум—да—кав ка—би—то—леъ ту—лу—и,
 у — — — у — — — у — — — у — —
 Бӯ—луб—пай—до ман—го—бул—ди ру—жу—и.
 у — — — у — — — у — — — у — —

Байт ушбу белгиларига кўра аруз баҳрининг ҳазажи му-
 саддаси солими маҳзуф вазнида ёзилган.

14. Мустамаъ ул, ҳар нафас панд ол.
 Панду насиҳатни қулоқга сол.
 (ХОЖА).

Байтнинг руқнлари ва уларнинг белгилари ҳижолаарнинг
 қуйидагича шаклда бўлиниши билан намоён бўлади;
 Мус—та—меъ—ул ҳар—на—фас—пан д—ол,
 — у — — — у — — — у — —
 Пан—ду—на—си(й) хат—ни—қу—лоқ га—сол.
 — у — — — у — — — у — —
 фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фа—увл
 солим солим марбун мусаббағ

Ушбу белгиларига кўра бу байт аруз баҳрининг рамали
 мусаддаси солими морбуи мусаббағ вазни гуруҳига киради.

15. Бир яқодин бош чиқориб, барча бир тўнга кириб,
 Бир унғурлик, бир тиризлик, бир яқо-енглик қилинг.
 (Турди).

Байтнинг руқнлари ва уларнинг белгилари ҳижолаарнинг жойлашиши шаклига кўра қуйидагича кўринишга эгадир;
Бир—я—қо—дин бош—чи—қо—риб бар—ча—бир—

тўн га—ки—риб,
— у — — — у — — — у — — — у —
Бир—у—нгу—лик бир—ти—риз—лик бир—я—қо—енг
лик—қи—линг.

— у — — — у — — — у — — — у —
фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун
фо—и—лун
солим солим солим маҳзуф

Вазнларнинг бундай шаклда жойлашиши натижасида ҳосил бўлган бу байт арузнинг рамали мусаммани солими маҳзуф баҳри вазнидаги байтлар гуруҳига киради.

16. Кўрдум юзингни девона бўлдум,
Ақли ҳушимдин бегона бўлдум.

(Машраб).

Бу байтнинг руқнлари ва уларнинг белгилари ҳижолаарнинг бўлинишига кўра қуйидагича шаклга эга;

Кўр—дум ю—зунг—ни де—во на—бўл—дум,
— — — у — — — — — у — —

Ақ—ли ҳу—шим—дин бе—го на—бўл—дум.
— — — у — — — — — у — —

фаъ—лун фа—ув—лун фаъ—лун фа—ув—лун
аслам солим аслам солим

Вазнларнинг шундай шаклда жойлашишидан ҳосил бўлган бу ва шу каби байтлар арузнинг мутақориби мусаммани аслами солим вазнида битилган байтлар дейилади.

17. Бир мушт туфроқ эрур жисмим бу ғамфизода,
Сакфи хубоб янглиғ майхонаи ҳавода.

(Вафой).

Ушбу байт руқнлари ва уларнинг белгилари қуйидагича ҳижолаарга бўлиниш билан кўзга ташланади;

Бир—муш—т туф—ро—қэ—рур жис—мим—бу
ғам—фи—зо—да,

— — у — у — — — — у — у — —
Сак—фи—ху бо—б—янг—лиғ май—хо—на—и ҳа—во—да

— — у — у — — — — у — у — —
мафъ—ув—лу фо—и—ло—тун мафъ—ув—лу
фо—и—ло—тун

ахраб солим ахраб солим

Вазнлар шундай тахлитда жойлашган ҳолда битилган бу байт арузнинг музориғи мусаммани ахраби солим баҳри вазнидаги байтлар гуруҳига киради.

18. Ҳар сўзида ҳар бировга не ширин нухоти бор,
Бол томди оғзидинки тилинда наботи бор.
(Мужрим).

Байт руқнлари ва уларнинг белгилари ҳижолаарнинг қуйидагича бўлиниши билан намоён бўлади;

Ҳар—сўз—да ҳар—би—ров—га не—ши—рин—ну
хо—ти—бор,

— — у — у — — — у — — — у — — — у — —
Бол—том—ди оғ—зи—дин—ки ти—лин—да—на
бо—ти—бор.

— — у — у — — — у — — — у — — — у — —
мафъ—ув—лу фо—и—ло—ту ма—фо—ий—лу фо—и—лон

ахраб макфуф макшуф мақсур

Вазнларнинг шу тахлит жойлаштирилишидан ҳосил бўлган бу байт арузнинг музориғи мусаммани ахраби макфуфи мақсур баҳри вазнига мансубдир.

19. Ғраб нечук балодур бошимга шомӣ ҳижрон,
Не дардига ниҳоят, не меҳнатига поён.

(Нишотий).

Байт руқнлари ва уларнинг белгилари ҳижолаарнинг қуйидагича жойлашиши билан кўзга ташланади;

Ғ—раб—не чук—ба—ло—дур бо—шим—га
шо—ми—ҳиж—рон,

— — у — у — — — — у — у — —
Не—дар—ди га—ни—қо—ят не—меҳ—на

— — у — у — — — — у — у — —
ти—га—по—ён.

мафъ—ув—лу фо—и—ло—тун мафъ—ув—лу
фо—и—ло—тун

ахраб солим ахраб солим

Вазнларнинг шу тахлит жойлаштирилишидан ҳосил бўлган бу байт арузнинг музориғи мусаммани ахраби солим баҳри вазнида битилган байтлар сирасига киради.

20. Кўнглум эрур шикаставу жоним низор ҳам,
Ошуфтадур замириму жисмим фигор ҳам.

(Мунис).

Мазкур байт руқнлари ва уларнинг белгилари ҳижолаарнинг қуйидагича жойлашиши билан кўзга ташланади;

Кўнг—лум—э рур—ши—кас—та ву—жо—ним—ни
зор—ҳам,
— — у — у — у у — — у — у —
О—шув—та дур—за—ми—ри му—жис—мим—фи
го—р—ҳам.

— — у — у — у у — — у — у —
мафъ—ув—лу фо—и—ло—ту ма—фо—ий—лу
фо—и—лун
ахраб макфуф макфуф маҳзуф

Вазнларининг шундай жойлаштирилиши билан ушбу байт арузнинг музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф баҳри вазнидаги байтлар туркимига мансубдир.

21. Бор эди Кашмир навоҳийда тоғ.
Боғи Ирам рашкидин кўксида доғ.
(Гулханий).

Мазкур байт руқнлари ва уларнинг белгилари ҳижола-рининг қуйидагича жойлашиши билан таърифланади;
Бо—рә—ди—Каш ми—р—на—во ҳий—да—тоғ,
— у у — — у у — — у — —
Бо—ғи—И—рам раш—ки—дин—кўк сий—да—доғ.
— у у — — у у — — у — —
муф—та—и—лун муф—та—и—лун фо—и—лон
матвий матвий матвийи мавкуф

Вазнларининг шундай жойлаштирилиши натижасида ҳосил бўлган ушбу байт арузнинг сариъи мусаддаси матвийи матвийи мавкуф баҳри вазнида битилган байтлар сирасига киради,

22. Шаҳриёро, камина сағибонман,
Пешвойи сипоҳи хонадонман,
(Махмур),

Мазкур байт руқнлари ва уларнинг белгилари ҳижола-рининг қуйидагича жойлаштирилиши билан таърифланади;

Шаҳ—ри—ё—ро ка—ми—на—са—ги бон—ман,
— у — — у — у — —
Пе—ш—во—йи си—по—ҳи—хо—на дон—ман,
— у — — у — у — —

фо—и—ло—тун ма—фо—и—лун фаъ—лун
солим маҳбун мақтуъ

Вазнларининг жойлаштирилиши жиҳати билан ушбу байт арузнинг ҳафийфи мусаддаси солими маҳбуни мақтуъ баҳри вазнида битилган байтлар сирасига киради.

23. Фурқат ичра қон ютуб ғам бирла чектим оҳи сард,
Ким хазон аврокидек бўлди юзим ҳажрида зард,
(Нодира),

Ушбу байт руқнлари ва уларнинг белгилари қуйидагича;
Фур—қа—тич—ра қон—ю—туб—ғам бир—ла—чек—тим
о—ҳи—сард
— у — — — у — — — у — — — у — —
Ким—ха—зон—ав ро—ки—дек—бўл ди—ю—зим—ҳаж
ри—да—зард.
— у — — — у — — — у — — — у — —
фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун
фо—и—лон

солим солим солим мақсур
Вазнларнинг жойлаштирилиши жиҳати билан бу байт арузнинг рамали мусаммани солими мақсур баҳри вазнида битилган байтлар сирасига мансубдир.

Замона кулфатидин бу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.
Бу чархи бемурувватдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.
(Увайсий).

Байт руқнлари ва уларнинг белгилари ҳижола-рининг қуйидагича жойлаштирилиши билан таърифланади;

За—мо—на—кул фа—ти—дин—бу кў—нгул—до—ғўл
ди—до—ғўл—ди,
у — — — у — — — у — — — у — — —
Бу—чар—хи—бе му—рув—ват—дин кў—нгул—до—ғўл
ди—до—ғўл—ди,
у — — — у — — — у — — — у — — —
ма—фо—ий—лун ма—фо—ий—лун ма—фо—ий—лун
ма—фо—ий—лун
солим солим солим солим

Вазнларининг жойлаштирилиши жиҳати билан мазкур байт арузнинг ҳазажи мусаммани солим баҳри вазнида битилган байтлар сирасига киради.

25. То бўлмишам бу олам аро ошноий умр,
Чекмакдурур ишим кеча-кундуз жафойи умр,
(Огаҳий).

Мазкур байт руқнлари ва уларнинг белгилари ҳижола-рининг қуйидагича жойлашишига қараб таърифланади;
То—бўл—ми—шам—бу—о—ла ма—ро—о—ш но—йи—умр,
— — у — — у — — у — — у — —

Чек—мак—ду рур—и—шим—ке ча—кун—дуз—жа
 — — у — у — у у — — у — у — —
 мафъ—ув—лу фо—и—ло—ту ма—фо—ий—лу
 фо—и—лон
 ахраб макфуф макфуф мақсур

Вазнларининг жойлаштирилиши жиҳатига кўра ушбу байт арузнинг музориъи мусаммани ахраби макфуфи мақсур баҳри вазнида битилган байтлар сирасига киради.

Қуйида мисол тариқасида машқлар учун келтириладиган барча байт-мисоллар профессор Г.К. Каримовнинг 1987 йилда чоп этилган «Ўзбек адабиёти тарихи» (қайта ишланган ва тўлдирилган учинчи нашри) китобидан олинди ва қайси бетлардан олинганлиги қавсда кўрсатиб борилади.

1. Соқиё келтур қадах, дафъи хуморе кўзлали,
 Ўртади даврон ғами энди каноре кўзлали (21).
 Байт рукнлари ва уларнинг белгилари ҳижоларининг жойлашишига кўра қуйидагича таърифланади:

Со—қи—ё—кел тур—қа—дах—дафъ и—ху—мо—ре
 — у — — — у — — — у — — — у —
 кўз—ла—ли
 Ур—та—ди—дав рон—ға—ми—эн ди—ка—но—ре
 — у — — — у — — — у — — — у —
 кўз—ла—ли
 фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун
 фо—и—лун
 солим солим солим маҳзүф

Вазнларининг жойлаштирилиши жиҳатига кўра бу байтлар арузнинг рамали мусаммани солими маҳзүф баҳри вазнида битилган байтлар гуруҳига мансубдир.

2. Фикримиз боғдин унмас жуз ниҳолин орзу,
 Махфили аҳбоби шамъи қийлу қолин орзу (23)
 (МУҚИМИЙ).

Бу байт рукнлари ва уларнинг белгилари ҳижоларининг жойлашишига кўра қуйидагича таърифланади:

Фик—ри—миз—бо ги—ди—нун—мас жуз—ни—ҳо—лин
 — у — — — у — — — у — — — у —
 о—р—зу,
 Мах—фи—ли—аҳ бо—би—шамъ—и қий—лу—қо—лин
 — у — — — у — — — у — — — у —
 о—р—зу,
 фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун
 фо—и—лун
 солим солим солим маҳзүф

Вазнларининг жойлаштирилиши жиҳатига кўра бу байт арузнинг рамали мусаммани солими маҳзуф баҳри вазнида битилган байтлар гуруҳига мансубдир.

3. Гар аламимга чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай?
Гар ғамима шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай? (23).
(НАВОИЙ).

Байт рукнлари ва уларнинг белгилари ҳижоларининг бўлинишига кўра қуйидагича кўринишга эгадир;

Гар—а—ла—мим ға—чо—ра—йўқ бўл—ма—са—бўл
 ма—сун—не—тай?
— у у — у — у — — у у — у — у —
Гар—ға—ми—ма шу—мо—ра—йўқ бўл—ма—са—бўл
 ма—сун—не—тай?
— у у — у — у — — у у — у — у —
муф—та—и—лун ма—фо—и—лун муф—та—и—лун
 ма—фо—и—лун
 матвий махбун матвий махбун

Вазнларининг жойлаштирилиши жиҳатига кўра бу байт арузнинг ражази мусаммани матвийи махбун баҳри вазнида битилган байтлар гуруҳига мансубдир.

4. Базмки ёрсиз Аваз, мутриби хуш навосини,
Нағмаи руҳ физоси йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай? (24)
(Аваз Утар).

Байт рукнлари ва уларнинг белгилари ҳижоларининг қуйидагича бўлиниши билан таърифланади;

Баз—м—ки—ёр сиз—А—ваз мут—ри—би—хуш
 на—во—си—ни,
— у у — у — у — — у у — у — у —
Нағ—ма—и—руҳ фи—зо—си—йўқ бўл—ма—са—бўл
 ма—сун—не—тай?
— у у — у — у — — у у — у — у —
муф—та—и—лун ма—фо—и—лун муф—та—и—лун
 ма—фо—и—лун
 матвий махбун матвий махбун

Вазнларининг жойлашиши жиҳатига кўра бу байт арузнинг ражази мусаммани матвийи махбун баҳри вазнида битилган байтлар гуруҳига мансуб.

5. Аё Фурқат, қулоқ сол забт этиб хуш,
Ки шояд наслимиз солгай дебон гўш (31).

Байт рукнлари ва уларнинг белгилари ҳижоларининг қуйидагича бўлиниши билан таърифланади;

А—ё—Фур—қат ку—лоқ—сол—заб тэ—тиб—хуш,
 у — — — у — — — у — — —
 Ки—шо—яд—нас ли—миз—сол—гай де—бон—гүш.
 у — — — у — — — у — — —
 ма—фо—ий—лун ма—фо—ий—лун фа—ув—лун
 солим солим маҳзуф

Вазиларининг жойлашиши жиҳатидан бу байт арузнинг ҳазажи солими маҳзуф баҳри вазни битилган байтлар гуруҳига киради.

6. Бўлма ҳаловатга касал,
 Оламда йўқ бениш асал (37).
 (Муқимий).

Мазкур байт рукилари ва уларнинг белгилари ҳижола-
 рнинг қуйидагича бўлиниши билан таърифланади;

Бўл—ма—ҳа—ло ват—га—ка—сал,
 — — — у — — — у — — —
 О—лам—да—йўқ бе—ниш—а—сал.
 — — — у — — — у — — —
 мус—тафъ—и—лун мус—тафъ—и—лун
 солим солим

Вазиларининг жойлашиши жиҳатидан бу байт арузнинг ражази мураббаи солим баҳри вазнида битилган байтлар гуруҳига мансубдир.

7. Қўшулиб мулки Фарғона ўрусга бу саро бўлди,
 Ўрус ўзбек элига бир туғушгандек аго бўлди (39).
 (Анбар отин).

Ушбу байт рукилари ва уларнинг белгилари ҳижола-
 рнинг қуйидагича бўлиниши билан таърифланади:

Кў—шу—либ—мул ки—Фар—ғо—на ў—рус—га—бу
 са—ро—бўл—ди,
 у — — — у — — — у — — — у — — —
 Ў—рус—уз—бек э—ли—га—бир ту—ғуш—ган—дек
 а—го—бўл—ди
 у — — — у — — — у — — — у — — —
 ма—фо—ий—лун ма—фо—ий—лун ма—фо—ий—лун
 ма—фо—ий—лун
 солим солим солим солим

Байт аруз баҳрининг ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган.

8. Кўриб давлат гурурин юрту элдин беҳабар бўлдим,
 Заволини кўриб օхир хазондек ғам билан сўлдим (41).
 (Завқий).

Ушбу байт рукилари ва уларнинг белгилари ҳижола-
 рнинг қуйидагича жойлашиши билан таърифланади;

Кў—риб—дав—лат гу—ру—рин—юр— ту—эл—дин—бе
 ха—бар—бўл—дим,
 у — — — у — — — у — — — у — — —
 За—во—ли—ни кў—риб—о—хир ха—зон—дек—ғам
 би—лан—сўл—дим.
 у — — — у — — — у — — — у — — —
 ма—фо—ий—лун ма—фо—ий—лун ма—фо—ий—лун
 ма—фо—ий—лун
 солим солим солим солим

Байт аруз баҳрининг ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган.

9. Шоҳким бўлса дуоғуйи Ажам бирла Араб,
 Ноумид улмас ани давлатидин аҳли талаб (44).
 (Нозим Намангоний).

Мазкур байт рукилари ва уларнинг белгилари ҳижола-
 рнинг қуйидагича бўлиниши билан таърифланади;

Шо—ҳ—ким—бўл са—ду—о—гу йи—А—жам—бир
 ла—А—раб,
 — у — — — у — — — у — — — у — — —
 Но—у—мид—ўл мас—а—ни—дав ла—ти—дин—аҳ
 ли—та—лаб,
 — у — — — у — — — у — — — у — — —
 фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун
 фо—и—лун
 солим солим солим маҳзуф

Ушбу байт аруз баҳрининг рамали мусаммани солими маҳзуф вазнида ёзилган.

10. Қирмасам жаннатга ман ҳаргиз ўшал дилдорсиз,
 Қилмасам сайри чаман ул сарф гул рухсорсиз (45).
 (Мухаййир).

Бу байт рукилари ва уларнинг белгилари ҳижола-
 рнинг қуйидагича бўлиниши билан таърифланади;

Қир—ма—сам—жан нат—га—ман—ҳар гиз—ў—шал—
 дил—до—р—сиз
 — у — — — у — — — у — — — у — — —
 Қил—ма—сам—сай ри—ча—ман—ул сарв—гул—рух
 со—р—сиз.
 — у — — — у — — — у — — — у — — —
 фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун
 фо—и—лун
 солим солим солим маҳзуф

Мазкур байт аруз баҳрининг рамали мусаммани солими маҳзуф вазнида битилган.

11. Дедим, эй дилбар, куним не кечадур?

Деди; васлим ваъдаси бу кечадур (47).

(Рожий).

Байт руклари ва уларнинг белгилари ҳижоларнинг қуйидагича бўлиниши билан таърифланади:

Де—ди—мэй—дил бар—ку—ним—не ке—ча—дур?

— у — — — у — — — у —

Де—ди—вас—лим ваъ—да—си—бу ке—ча—дур

— у — — — у — — — у —

фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фо—и—лун

солим солим маҳзуф

Байт аруз баҳрининг рамали мусаддаси солими маҳзуф вазнида ёзилган.

12. Чикди гулгун кийибон бўлди қиёмат, ҳай-ҳай,

Ана ҳусну, ана қаду, ана қомат, ҳай-ҳай (66).

(Хомуший).

Байт руклари ва уларнинг белгилари ҳижоларнинг қуйидагича бўлиниши билан таърифланади;

Чиқ—ди—гул—гун ки—йи—бон—бул ди—қиё—мат

ҳай—ҳай,

— у — — — у — — — у — — —

А—на—ҳус—ну а—на—қад—ду а—на—қо—мат

ҳай—ҳай,

— у — — — у у — — — у у — — —

фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун

солим солим солим фаъ—лун

мақтуъи

мусаббағ

Байт аруз баҳрининг рамали мусаммани солими маҳбуни мусаббағ мақтуъ вазнида ёзилган.

13. Қарилик юки тушубон манга қади мавзуним букулиб

кетиб,

Соқолим оқи ўлум элчиси, яна хотирам чўкилиб

кетиб (98).

(Муқимий).

Байт руклари ва уларнинг белгилари ҳижоларнинг қуйидагича бўлинишига қараб таърифланади;

Қа—ри—лик—ю—ки ту—шу—бон—ма—нга қа—ди—мав

—зу—ним бу—ки—либ ке—тиб,

у у — у — у у — у — у у — у — у у — у —

Со—қо—лим—о—қи ў—ли—мэл—чи—си я—на—хо—ти

—рам чў—ки—либ ке—тиб.

у у—у— у у—у— уу—у— у у—у—

му—та—фо—и—лун му—та—фо—и—лун му—та—фо—и—

лун му—та—фо—и—лун

солим солим солим солим

Байт аруз баҳрининг комили мусаммани солим вазнида ёзилган.

14. Бўлди таажжуб қизиқ ҳангомалар,

Арз этайин эмди ёзиб номалар (101).

(Муқимий).

Байт руклари ва уларнинг белгилари ҳижоларнинг қуйидагича бўлиниши билан таърифланади;

Бўл—ди—та—аж жуб—қи—зиқ—ҳанг о—ма—лар,

— у у — — у у — — у —

Ар—зэ—та—йин эм—ди—ё—зиб но—ма—лар.

— у у — — у у — — у —

муф—та—и—лун муф—та—и—лун фо—и—лун

матвий матвий марфуъ

Байт аруз баҳрининг ражази мусаддаси матвийи марфуъ вазнида ёзилган.

15. Мен розимас, кишига нон берсанг,

Ё товуқ сақласангу дон берсанг (104).

(Муқимий).

Байт руклари ва уларнинг белгилари ҳижоларнинг қуйидагича бўлиниши билан таърифланади;

Мен—ро—зи—мас ки—ши—га—нон бер—санг,

— у — — — у — — —

Ё—то—вуқ —сақ ла—са—нгу—дон бер—санг.

— у — — — у — — —

фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фаъ—лун

солим солим мақтуъ

Байт аруз баҳрининг рамали мусаддаси солими мақтуъ вазнида ёзилган.

16. Олтиариқлари ҳам векселни қони чикди,

Заводни битказолмай эшонни жони чикди (107)

(Муқимий).

Байт руклари ва уларнинг белгилари ҳижоларнинг қуйидагича бўлиниши билан таърифланади;

Ол—ти—а риқ—ла—ри—ҳам век—сел—ни

қо—ни—чиқ—ди.

— — у — у — — — у — у — —

За—вод—ни бит—ка—зол—май эш—он—ни
жо—ни—чиқ—ди.

— — у — у — — — — у — у — —
мафъ—ув—лу фо—и—ло—тун мафъ—ув—лу
фо—и—ло—тун
ахраб солим ахраб солим

Байт аруз баҳрининг музорини мусаммани ахраби солим вазнида яратилган.

17. Гар асо тутса қўлига, сиз ани айб айламанг,
Воқеанким, кўзи очиқ, ботин аъмло баччагар (111).
(Муқимий).

Мазкур байт рукилари уларнинг белгилари ҳижолярнинг бўлинишига кўра қуйидагича кўринишга эгадир:

Гар—а—со—тут са—қў—ли—га сиз—а—ни—ай
бай—ла—манг

— у — — — у — — — у — — — у —
Во—қе—ан—ким кў—зи—о—чиқ бо—ти—наъ—мло
бач—ча—гар.

— у — — — у — — — у — — — у —
фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун
фо—и—лун
солим солим солим махзуф

Байт аруз баҳрининг рамали мусаммани солими маҳзуф вазнида ёзилган.

18. Бу янглиг бандаларга берса озор интикомига,
Кўрубон беҳу бунёди, не тонг, бўлса хазон безгак (114).
(Муқимий).

Ушбу байт рукилари ва уларнинг белгиларига кўра ҳижоляр қуйидагича жойлашади:

Бу—янглиг—бан да—лар—га—бер са—о—зо—рин
ти—ко—ми—га,

у — — — у — — — у — — — у — — —
Кў—ру—бон—бе ҳу—бун—ё—ди не—тонг—бўл—са
ха—зон—без—гак.

у — — — у — — — у — — — у — — —
Ма—фо—ий—лун ма—фо—ий—лун ма—фо—ий—лун
ма—фо—ий—лун
солим солим солим солим

Ушбу байт аруз баҳрининг ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган

19. Келур на сандали тўғри, на гулхан,
Чиқоргонин, Муқим, эткай омон кеч (115).
(Муқимий).

Байт рукилари ва уларнинг белгилари қуйидагича кўринишга эга:

Ке—лур—на—сан да—ли—тўғ—ри на—гул—хан,
у — — — у — — — у — — — у — — —

Чи—қор—го—нин Му—қим—эт—кай о—мон—кеч.
у — — — — у — — — — у — — — —
ма—фо—ий—лун ма—фо—ий—лун ма—фо—ий—лун
солим солим мақсур

Байт аруз баҳрининг ҳазажи мусаддаси солими мақсур вазнида ёзилган.

20. Хайхот, эшитсангиз улус,
Обид деган қайнар булус (117).

(Муқимий).

Байт рукилари ва уларнинг белгилари қуйидагича кўринишга эга:

Хай—хот—э—шит са—нгиз—у—лус.

у — — — у — — —
О—бид—де—ган қай—нар—бу—лус.

— — у — — — у — — —
мус—тафъ—и—лун мус—тафъ—и—лун
солим солим

Байт аруз баҳрининг ражази мураббаи солим вазнида ёзилган.

21. Кема ваҳҳини демасларки, берибон қутилай,
Тарзи бир хийла қилиб дерки, юкумни яшурай (125).
(Муқимий).

Байт рукилари ва уларнинг белгиларига кўра қуйидагича кўринишга эга:

Ке—ма—важ—ҳи ни—де—мас—лар—ки—бе—ри—бон
у — — — у у — — — у у
қу—ту—лай.

у у — — —
Тар—зи—бир—ҳий ла—қи—либ—дер ки—ю—кум—ни
я—шу—рай.

фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун фо—и—ло—тун
фа—и—лун
солим махбун махбун махбуни

Байт аруз баҳрининг рамали мусаммани солими махбуни махбуни маҳзуф вазнида ёзилган.

22. Адл қулоғила эшит ҳолими,
Зулм қилур, баски, менга золими (127).

(Муқимий).

Байт рукилари ва уларнинг белгилари қуйидагича кўринишга эга:

Ал-л-ку-то-ри-ла-э-шит хо-ли-ми,
 — v y — — v y — — y—
 Зул-м-ки-лур бас-ки-ме-нга зо-ли-ми,
 — у у — — у у — — у —
 муф-та-и-лун муф-та-и-лун фо-и-лун
 матвий матвий матвий мақшүф

Байт аруз бахрининг сариъи мусаддаси матвий матвийн мақшүф вазнида ёзилган.

23. Дубора яна борди бир ишга шул,
 Сўкиб: «Нет, деди, келма, дуррак, пошёл! (129).

Байт рукнлари ва уларнинг белгилари қуйидагича кўринишга эга:

Ду-бо-ра	я-на-бор	ди-би-риш га-шул,
v — —	v — —	v — —
Сў-киб-нет	де-ди-кел.	ма-дур-рак по-шёл.
v — —	v — —	v — —
фа-ув-лун	фа-ув-лун	фа-ув-лун фа-увл
солим	солим	солим мақсур

Байт аруз бахрининг мутақорибу мусаммани солими мақсур вазнида ёзилган.

24. Менинг мактаб аро булдур муродим,
 Хатимдек чиқса имлову саводим (135).

Мазкур байтнинг рукнлари ва уларнинг белгилари қуйидагича кўринишга эга:

Ме-нинг-мак-таб	а-ро-бул-дур	му-ро-дим.
v — — —	v — — —	v — — —
Ха-тим-дек-чиқ	са-им-ло-ву	са-во-дим.
v — — —	v — — —	v — — —
ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	фа-ув-лун
солим	солим	мақшүф

Байт аруз бахрининг ҳазажи солими мақшүф вазнида ёзилган.

25. Дўстлар, айшу тараб, фасли баҳор истар кўнгул,
 Ҳар куни саҳрода сайри лозазор истар кўнгул (141).
 (ФУРҚАТ).

Бу байт рукнлари ва уларнинг белгилари ҳижолярнинг қуйидагича жойлашишига кўра таърифланади:

Дўс-т-лар-ай	шу-та-раб-фас	ли-ба-ҳор-ис
— у — —	— у — —	— у — —
Ҳар-ку-ни-сах	ро-да-сай-ри	ло-ла-зор-ис
— у — —	— у — —	— у — —
фо-и-ло-тун	фо-и-ло-тун	фо-и-ло-тун
солим	солим	солим

мақсур

Байт аруз бахрининг рамали мусаммани солими мақсур вазнида ёзилган.

26. Баҳор айёмида гул гашт этарга бир чаман бўлса,
 Қилурга шарҳи ҳол, аҳли муҳаббат икки тан бўлса.
 (141).
 (ФУРҚАТ).

Ушбу байт рукнлари ва уларнинг белгилари ҳижолярнинг қуйидагича жойлашуви билан таърифланади:

Ба-ҳор-ай-ё	ми-да-гул-гаш	тэ-тар-га-бир
v — — —	v — — —	v — — —
Қи-лур-га-шар	ҳи-ҳо-лаҳ-ли	му-ҳаб-бат-ик
v — — —	v — — —	v — — —
ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун
солим	солим	солим

солим

Байт аруз бахрининг ҳазажи мусаммани солими вазнида битилган.

27. Сайдинг қўя бер, сайёд, сайёра экан мандек,
 Ол домини бўйнидин, бечора экан мандек (142).
 (ФУРҚАТ).

Унинг рукнлари ва уларнинг белгилари ҳижолярнинг қуйидагича бўлиниши билан таърифланади:

Сай-дин-қў	я-бер-сай-ёд	сай-ё-ра
— — у	у — — —	э-кан-ман-дек,
Ол-до-ми	ни-бўй-ни-дин	бечора
— — у	у — — —	э-кан-ман-дек,
		v — — —

Ма-фо-ий-лун ма-фо-ий-лун фа-ув-лун
солим солим маҳзуф

Байт аруз баҳрининг ҳазажи мусаддаси маҳзуф
вазнида ёзилганини кўрамиз.

34. Сенга маъқул эмас бўлса, ўзинг бил,
Кетиб мундин, бўлак ишни топиб қил (152).
(ФУРҚАТ).

Ушбу байт рукнлари ҳамда уларнинг белгилари ҳижо-
ларнинг қуйидагича жойлашиши билан таърифланади:

Се-нга-маъ-қул э-мас-бўл-са ў-зинг-бил,
у — — — — — у — — — — —
Ке-тиб-мун-дин бў-лак-иш-ни то-пиб-қил.
у — — — — — у — — — — —
Ма-фо-ий-лун ма-фо-ий-лун фа-ув-лун
солим солим маҳзуф

Байт аруз баҳрининг ҳазажи мусаддаси солими маҳзуф
вазнида ёзилганлигини кўрамиз.

35. Менинг аслим эрур аҳли Итолё,
Иқоматгоҳим эрди шаҳри Румо (153).

Бу байт рукнлари ҳамда уларнинг белгилари ҳижо-
ларнинг қуйидагича жойлашиши билан таърифланади:

Ме-ни-нг-ас-лим э-рур-аҳ-ли И-то-лё,
у — — — — — у — — — — —
Ма-фо-ий-лун ма-фо-ий-лун фа-ув-лун
И-қо-мат-го хи-мэр-дий-шаҳ ри-Ру-мо
у — — — — — у — — — — —
Ма-фо-ий-лун ма-фо-ий-лун фа-ув-лун
солим солим маҳзуф

Байт аруз баҳрининг ҳазажи мусаддаси солими маҳзуф
вазнида ёзилганлигини кўрамиз.

36. Қузлари бир ғамза бирла ваҳши кўнглим қилса сайд,
Фурқатий, ёлгон эмас, гар Чиндин оҳу келтурур.

(159).
(ФУРҚАТ).

Мазкур байт рукнлари ҳамда уларнинг белгилари ҳижо-
ларнинг қуйидагича бўлиниши билан таърифланади:

Қуз-ла-ри-бир ғам-за-бир-ла ваҳ-ши-кўнг-лум
— у — — — — — у — — — — —
қил-са-сайд,
— — — — — у — — — — —

Фу-р-қа-тий-ёл го-нэ-мас-гар Чи-н-ди-но-ҳу
— у — — — — — у — — — — —
кел-ту-рур.
— — — — — у — — — — —

фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун
солим солим солим маҳсур

Байт аруз баҳрининг рамали мусаммани солими маҳсур
вазнида ёзилганлигини кўрамиз.

37. Маҳвашо сенсиз менга маскан қоронғу кечалар,
Йиғларам андоқки, ашкимдин улус сув кечалар (159).
(ФУРҚАТ).

Ушбу байт рукнлари ва уларнинг белгилари ҳижо-
ларнинг қуйидагича жойлашиши билан таърифланади.

Маҳ-ва-шо-сен сиз-ме-нга-мас кан-қо-рон-ғу
— у — — — — — у — — — — —
ке-ча-лар,
— — — — — у — — — — —
Йиғ-ла-рам-ан доқ-ки-аш-ким ди-ну-лус-сув
— у — — — — — у — — — — —
ке-ча-лар.
— — — — — у — — — — —

фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун фо-и-ло-тун
солим солим солим
фо-и-лун
маҳзуф

Байт аруз баҳрининг рамали мусаммани солими маҳзуф
вазнида ёзилганлигини кўрамиз.

38. Субҳидам тушиб шабнам, бўлди сабзалар хуррам,
Гул уза томиб кам-кам, ёғди абри найсонлар (160).
(ФУРҚАТ).

Мазкур байт рукнлари ва уларнинг белгилари ҳижо-
ларнинг қуйидагича жойлашиши билан таърифланади:

Суб-ҳи-дам ту-шиб-шаб-нам бўл-ди-саб
— у — — — — — у — — — — —
за-лар-хур-рам.
— — — — — у — — — — —

Гул-у-за то-миб-кам-кам ёғ-ди-аб
— у — — — — — у — — — — —
ри-най-сон-лар
— — — — — у — — — — —

фо-и-лун ма-фо-ий-лун фо-и-лун
аштар солим аштар
ма-фо-ий-лун
солим

Байт аруз баҳрининг ҳазажи мусаммани аштари солим
вазнида ёзилганлигини кўрамиз.

39. Аламлик қумриман, бир гулбадандин айрилиб қолдим,
Назокатда қади сарви чамандин айрилиб қолдим (161).
(ФУРҚАТ).

Ушбу байт рукнлари ва уларнинг белгилари ҳижо­лар­нинг қуйидагича бўлиниши билан таърифланади:

А—лам—лик—қум—ри—ман—бир—гул—ба—дан—дин—ай
 у — — — — у — — — — у — — — —
 ри—либ—қол—дим,
 у — — — —
 На—зо—кат—да қа—ди—сар—ви ча—ман—дин—ай
 у — — — — у — — — —
 ри—либ—қол—дим,
 у — — — —
 ма—фо—ий—лун ма—фо—ий—лун ма—фо—ий—лун
 ма—фо—ий—лун ма—фо—ий—лун ма—фо—ий—лун
 солим солим солим
 солим солим солим

Байт аруз баҳрининг ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилганлигини кўрамиз.

40. Менга, эй шохим, кўп итоб айлама,

Ғам ўтида бағрим кабоб айлама (172).

(К. ХОРАЗМИЙ).

Мазкур байт рукнлари ва уларнинг белгилари қуйидагича ҳижо­лар­ бўлинишига қараб таърифланади:

Ме—нга—эй шо—ҳим—кўп и—то—бай ла—ма,
 у — — — — у — — — — у — — — — у — — — —
 Ға—му—ти да—бағ—рим ка—бо—бай ла—ма.
 у — — — — у — — — — у — — — — у — — — —
 фа—ув—лун фа—ув—лун фа—ув—лун фа—ал
 солим солим солим ажабб

Байт аруз баҳрининг мутақориби мусаммани солими ажабб вазнида ёзилганлигини кўрамиз.

41. Ҳар неча аҳли фазл донолар,

Илму фазл амрида товонлар (173).

(К. ХОРАЗМИЙ).

Мазкур байт рукнлари ва уларнинг белгилари ҳижо­лар­нинг қуйидагича бўлинишига қараб таърифланади:

Ҳар—не—ча—аҳ ли—фа—зл—до но—лар,
 — у — — — — у — — — — — — — — — —
 Ил—му—фаз—л ам—ри—да—та вон—лар.
 — у — — — — у — — — — — — — — — —
 фо—и—ло—тун ма—фо—и—лун фаъ—лун
 солим маҳбун мактуъ

Байт аруз баҳрининг хафийфи мусаддаси солими маҳбуни мактуъ вазнида ёзилганлигини кўрамиз.

42. Қолиб аҳбобдин танхову зор ўлғонга йиғларман,

Нишотим субҳи софи шоми тор ўлғонга

йиғларман (174).

(К. ХОРАЗМИЙ).

Мазкур байт рукнлари ва уларнинг белгилари қуйидагича ҳижо­лар­ бўлинишига қараб таърифланади:

